

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ,
Амрулло КАРИМОВ

ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА АСОСЛАРИ

(Маъруза матнлари)

**Бакалавриатнинг 5320400 халқаро журналистика
таълим йўналиши учун**

Тошкент 2005

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий
кенгашининг 2005 йил “_____” августидаги йиғилишида
муҳокама қилинган ва тасдиқланган. Баённома №

Такризчилар: Э. Шукуров (ички такризчи)
ф.ф.н. О.Тошбоев (ташқи такризчи)

Маърузалар матнида телевидениенинг ОАВ тизимида тутган щрни,
эшиттиришларнинг ўзига хос хусусиятлари,тур ва жанрлари, тили ва услуби,
журналист маҳорати,аудиторияни ўрганиш, техника ва технологияси ҳамда
бошқа масалалар хусусида сўз юритилади.

Кириш

Телевизион журналистика. Тележурналистга бўлган талаблар. Тележурналистика назарияси ва амалиёти. Телевизион журналистика асослари курси бўйича мазкур маърузалар матни Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамда қатор хорижий университетларнинг журналистика факультетларида шу курс бўйича ўқитилаётган ўқув қўлланмалари, дарсликлари ҳамда телевизион журналистика бўйича Ўзбекистонда ва чет элда чоп этилган илмий-назарий асарлар асосида тузилган.

Курс мазкур фаннинг фундаментал назарий асосларидан ташқари телевизион журналистика бўйича сўнгги йиллар мобайнида Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари телевидениелари амалиётини таҳлил қилиш натижасида пайдо бўлган янги хулосалар ва амалий тавсияларни ўз ичига олади.

Телевизион журналистика нима? Уни Оммавий Ахборот Воситаларининг бошқа турларидан фарқи нимада?

Тележурналист бўлиш учун инсон қандай қобилиятга, қандай хислатларга эга бўлиши керак, қандай талабларга жавоб бериши лозим?

Телевидение назариясининг асосларини нима ташкил этади? Уни ўқиш, ўрганиш, пухта ўзлаштириш учун талабаларда қандай қилиб жиддий иштиёқ, қизиқиш уйғатиш мумкин?

Телевидениенинг ўзига хос хусусиятлари. Телевидениенинг ўзига хос хусусиятлари нимада? Маълумки, телевидение асарлари бошқа ОАВ материалларига қараганда анча мураккаб бўлиб, энг замонавий электрон техника воситалари ёрдамида яратилади.

Космос орқали, сунъий Ер йўлдошлари ёрдамида телевизион тасвирни узоқ масофага узатиш, кўчма телевизион станция (КТС), видекамера (БЕТАКАМ SP камералари) имкониятлари ниҳоятда кенг ва улар ёрдамида ҳақиқатдан ҳам мўжизалар яратиш мумкин! Яна бир муҳим мавзу - бу телевизион тасвир билан сўз муносаббати қандай қилиб эришилади?

Электрон монтаж нима? Тўғридан-тўғри репортажнинг ўзига хос хусусиятлари-чи? Нима учун репортаж энг телевизион жанр деб тан олинган?

Сиз булар ҳақида қўлиигиздаги дастурдан, факультет аудиторияларида телевидение назарияси ва амалиёти тўғрисида ўқиладиган маърузалардан билиб олишингиз мумкин.

"Биз нечун севамиз Ўзбекистонни", "Таҳлилнома", "Бегойим", "Бахс", "Азизим", "Келин ва куёв" каби шу кунда телетомошабинлар томонидан анча илиқ қабул қилинаётган телекўрсатувларнинг сиру - асрори нимада? Маърузаларда шунингдек, эфирда тўғридан-тўғри олиб борилаётган жонли ренортажлар, мулоқотлар, тематик кўрсатувлар, долзарб мавзуларга бағишланган видеофильмлар, телесериаллар чуқур илмий-назарий таҳлил қилинади.

Дастурда тезкор ахборот, чуқур таҳлилий, юксак бадий - публицистик жанрлардаги асарлар, уларнинг Ўзбекистонда ҳуқуқий - демократик давлат, фуқаролар жамияти қуришда тутган ўрни тўғрисидаги маърузалар ўз аксини топган.

Ташвиқот ўзи хизмат қилаётган сиёсатдан яхши, ундан пухтароқ бўлиши мумкин эмас, деган қадимги бир ҳақиқат бор. Дастурда шунингдек, телевидениенинг жамият тараққиётига таъсири, жамиятнинг эса ўз вақтида ОАВ га, хусуан ТВ га таъсири ҳақидаги маърузалар ҳам ўз ўрнини топган.

Жаҳон амалиётида ТВ га мафкура яратиладиган, уни шакллантирадиган даргоҳ, қурол сифатида эмас, балким турли ижтимоий - сиёсий дунёқарашларни телетомошабинларга етказадиган, ташвиқот қиладиган оммовий ахборот воситаси деб қарайдилар.

Кўрсатувларда ҳаётни ёритишда катта ҳақиқатдан келиб чиқиб ёндошиш, кенг халқ оммаси мақсадларини кўзлаб ҳаракат қилиш билан бирга ички шахсий, худбин манфаатларини илгари суриш, шароитга мослашиш холлари, телетомошабинлар орзу-умидлари, ишончлари, эзгу мақсадлари бнр томонда қолиб, реклама бериш, "хомийлик қилиш" ниқоби остида ОАВни ўзларининг тор мақсадларига хизмат қилдириш, тўла назорат қилишни қўлга олиш холлари ҳақида ҳам гап боради.

ТВ турли ижтимоий-сиёсий доираларнинг, катта мулк ва капитал

эгаларининг давлат ва ҳукумат билан, хусусий бизнес тарафдорлари билан халқ манфаати ва сиёсий партиялар нуқтаи назарлари баъзида шафқатсиз тўқнаш келадиган даргоҳдир. Шу сабабдан уларнинг ҳар бири ТВ нинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўзлаштиришга, ТВ да ташвиқот сирларини яхшироқ эгаллашга, телекомпанияни қўлга олишга ҳаракат қилади. Бу айниқса давлат ва ҳукумат органларига сайловлар даврида кўпроқ ўз ифодасини топади. Шу сабабли кўп давлатларда бу ҳолатлар ва мейёрлар махсус қонун ва ҳужжатларда ўз аксини топган.

Телевизион журналистика, бир сўз билан айтганда, замонавий электрон техника воситалари ёрдамида яратиладиган сиёсат ва амалга ошириладиган ижодиётдир.

Телекўрсатув ёки телефильм аниқ ижодий гуруҳ махсули бўлиб, у маълум сиёсий, ижодий ва техник талабларга жавоб бериши керак.

Телевидение бу оғзаки нутқ, кадрда кўрсатув олиб бораётган шахснинг тили, лексикаси, сўз бойлиги, эфирда чиройли фикрлаш қобилияти ҳамдир.

Оғзаки нутқ эса ўз қонун-қоидаларига, ички қурилиш структурасига эга. Дейлик, яхши кўрган қизи билан учрашувга чиққан йигит ўз муҳаббат сўзларини қоғозга қараб ўқиб берса, қиз йигитни устидан кулган бўлур эди. Айтиб бериш пайтда йигит шу қоғозни мактуб қилиб севгилисига юборса бу ўқилган сўзлар, қиз қалбини сеҳр билан чулғаб, дил-дилигача бориб етган бўлар эди.

Агар ўқитувчи ўз дарсини китобга қараб ўтса бундан ўқувчининг ҳурмати ўқувчилар олдида юқори бўлмас эди.

Бирон-бир ғояни тарғибот қилаётган шахс, "ҳа" деганда қоғозига қараб гапирса у ҳеч кимда бу ғояга нисбатан қизиқиш уйғота олмас эди. Агар бирон киши судда қоғозга қараб кўрсатмалар берса бу кўрсатмаларга ҳеч ким ишонмайди ҳам.

Уйдан олиб келган қоғозидан кўзини узмай маърузасини ўқиган лектор энг ёмон маърузачи деб айтилади.

Агар шу маъруза чоп этилса у жуда ҳам қизиқ, ибратли маъруза бўлиши мумкин.

Бу маъруза маъноси юзаки бўлганлиги учун эмас, балки ёзма матн кафедра минбаридан туриб ўқилганлиги сабабли у қизиқ бўлмаган.

Сабаби нимада, сабаби жонли мулоқотга кириш имконияти бўлмаган тақдирдагина ёзма матн билан алоқа ўрнатиш лозим. Бу ҳолда матн ёзма нутқ муаллифининг номидан унинг фикрини билдирувчи унсур вазифасини бажаради. Муаллиф ўзи гапириши мумкин бўлган жойда ёзма матн халақит беради.

Адабиёт ҳам бир даврлар ёзма ҳолда бўлган. Ёзма адабиётдан аввал халқ оғзаки ижоди мавжуд эди. Бадий ижод аҳли: шоир, ёзувчи, бахши, оқин, эртакчи, нотик, воиз шаклида фаолият кўрсатишган. Одамлар саводини чиқариб, ёзиш-чизишни ўрганганда ҳам ўқиш учун китоблар кам бўлганлиги, ҳаттотлар хизмати қиммат бўлганлиги сабабли адабиёт оғиздан-оғизга ўтиб ривожланган, хизмат кўрсатган.

Шундан сўнг босма дастгоҳ кашф қилинди. Инсон 500 йил давомида эхтироссиз. овозсиз. шовқинсиз ўз фикри, мақсадини билдиришга, жонли нутққа ўрганди.

Буюк адабиётлар, эхтиросли публицистика, катта илмий асарлар пайдо бўлди. Лекин уларнинг биронтаси оғзаки нутқ кучи, қудратини, унинг нафосати ўрнини боса олмади.

Одамлар мана даврлар оша бари бир инсон билан жонли мулоқотда бўладиган -нотиклар, маърузачилар, ўқитувчилар, воизлар, моҳир тарғиботчи — ташвиқотчилар, бахшилар, оқинлар, оғзаки нутқ усталарини эъзозлаб қадрлаб келмоқдалар.

Адабиётнинг буюк ёзма турлари, шакллари пайдо бўлса ҳам жонли сўз ўзининг ибтидо жозибасини йўқотгани йўқ. Йўқотмаса ҳам керак.

Даврлар ўтиб бормоқда. Инсон ҳам оғзаки нутқ талабларини, ҳам ёзма матн талабларини ўрганмоқда. Ўз фикрини тўғри, образли, киши онги ва қалбига етиб борадиган ҳолда сўзлашга, чиройли ёзиш ва гапиришга ўрганмоқда.

Радио ва Телевидение бизнинг ҳаётимизда мустаҳкам ўрин эгаллай бошлагани замон адабиёт билан публицистика мураккаб ҳолатга тушиб қолди.

Янги техник имкониятлар жонли сўзга (оғзаки нутққа) ўзининг дастлабки шакли ва мазмунини қайтармоқда. Фақат энди уни ўн-минг-ўн минг киши эмас, миллион-миллион кишилар бир йўла сўзнинг пайдо бўлишига, фикрнинг туғилишига гувоҳ бўлмоқда. Бу эса ўзининг буюк сеҳрловчи кучига эга.

Адабиёт билан публицистика эса ҳамон ёзма холда, шпаргалка шаклида фаолият кўрсатмоқда.

Йўқ, биз оғзаки нутқ, ёзма нутқни бекор қиляпти, деб айтаётганимиз йўқ. Рақамлар билан ғиж-ғиж тўла дипломатик нота, телеграмма ёки маърузани ёддан айтишнинг хожати ҳам йўқ.

Муаллиф саҳнага чиқиб романдан парча ўқиб бермоқчи бўлса унга: "...Йўқ, сиз гапириб беринг!" - деб ҳеч ким талаб қўяётгани йўқ. Муаллиф роман лавҳаси қандай ёзилган бўлса, сўзлар қандай кетма-кетликда битилган бўлса, тиниш белгилари қандай қўйилган бўлса худди шундайлигича ўқиб беради.

Гап шундаки, ёдлаб олинган ва хотирадан, ёддан гапириб берилаётган сўзлар ёзма матндаги сўзлар, илгариги матн, илгариги услуб эмас. Сабаби, ёзилган матн билан оғзаки нутқ структураси бир-биридан кескин фарқ қилади. Фикр билан бирга туғилаётган сўзлар, жонли нутқ структураси бошқа-бошқа. Столда ўтириб, эга-кесимини жойига қўйиб ёзилган матн мутлақо бошқачадир. Ёзилган матнда муҳими муаллиф эҳтироси ўз аксини топмайди, у ўтиб кетган бўлади. Оғзаки нутқда эҳтирос, аудитория ёки суҳбатдошингиз муносабати, унинг ҳис-ҳаяжони сизнинг нутқингизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Ёзма нутқ бошқа, гапирган оғзаки нутқ бошқа, газетага берадиган мақола услуби бошқадир.

Президентлар, раҳбарлар, депутатларнинг спичрайтерлари — махсус нутқ ёзувчилари, маъруза тайёрловчилари мавжуд. Улар бу ҳолатни эътиборга олишлари шарт. Бўлмаса Раҳбар нутқининг таъсирчанлиги йўқолади. У олдида қўйган мақсадга эриша олмайди.

Шу тариқа телевидение янги оммовий ахборот воситаси сифатида оғзаки нутқнинг жозибага тўла ўз услуби, ўз структурасини, ўз мантикий урғуларини яратди.

Бугунги ҳаётимизда телевидениенинг таъсир кучи шу даражадаки - Давлат раҳбарлари: Президентлар, Қироллар, Амирлар, Султонлар расмий ташриф билан сафар қилаётган мамлакатига ўз самолётларини қўниш жадвалларини атайлаб, шу давлатдаги телевизион ахборот дастури эфирга чиқишдан биров олдин тўғри келишларини режалаштирадilar. Улар юксак меҳмон учун ажратилган қароргоҳларига келасолиб телевизор орқали уни қандай кутиб олганликлари тўғрисидаги репортажни кўришни одат қилиб олганлар.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистон телевизион журналистикаси олдида принципиал янги ёндошувлар, янги талаблар, оригинал мавзулар пайдо бўлди. Янги қаҳрамонлар дунёга келмоқда. Янги ёш, талабчан, XXI асрнинг ақлли, зукко авлоди тарбияланмоқда. Улар янги, электрон ОАВ нинг ўзига хос хусусиятларини чуқур билишлари зарур.

Булар ҳақида мазкур дастур ва унинг асосида ўқиладиган маъруза ва амалий машғулотларда батафсил маълумот берилади.

1-Мавзу. ОАВ ТИЗИМИДА ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЎРНИ

1. Телевидениенинг ахборот тарқатиш функцияси
2. ТВ нинг маданий - маънавий функцияси
3. ТВ нинг интегратив функцияси
4. ТВ нинг ташкилотчилик функцияси
5. ТВ нинг маърифий фуикцияси
6. ТВ нинг мафкуравий функцияси
7. ТВ нинг хордиқ чиқариш, кўнгил очиш ва бошқа функциялари

Тележурналистика асосларига оид дастлабки бу маърузада мустақил Ўзбекистон телевидениесининг ҳукуқий-демократик давлат ва фуқаролар жамияти қуришда тутган ўрни, уни мамлакатимиз ўтмиши, бугунги куни ва буюк келажаги ҳақида ҳаққоний ва айнаи бир пайтда юксак бадиий - публицистик савиядаги кўрсатувлар тайёрлаши ўрнига алоҳида урғу берилади.

Телевидениенинг давлатлар, сиёсий тизимлар, халқлар-миллатлар тақдирида лозимлиги ҳақида.

Оммовий ахборот воситалари тизимида бугунги кундаги энг оператив, энг халқчил, энг таъсирчан бўлган бу электрон алоқа воситаси олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида батафсил тўхталади.

Телевидениенинг шитоб билан ҳар бир жамият, ҳар бир жамоа, ҳар бир инсоииинг ҳаётига кириб бориши ва функциялари ҳақида гап боради. Телевидениенинг мамлакатимизда ва жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ходисалар ҳақида тезкорлик билан ахборот бериши ва уларга нисбатан аҳоли фикрини холисона шакллантиришда тутган муҳим тутган стратегик ўрни ҳақида. Жумладан, Америка Қўшма Штатлари ўз телевидениесига, телекоммуникацияларга Американинг стратегик ва миллий хавфсизлик соҳасидаги сиёсатининг ажралмас бир қисми деб қарайди.

Сўнгги пайтда ахборот устидаи назорат кучли бўлган давлатлар ҳам анча

шошиб қолишди.

Телекоммуникациялар соҳасидаги инқилоб натижасида айрим давлатлар яшироқчи бўлган ахборотдан ҳам шу давлат аҳолиси хабардор бўлмоқда. Телекоммуникация чегара билмайди. Сиёсий тузимни ҳам танламайди. Инсоннинг ахборотга бўлган қизиқишини эса сўндириш асло мумкин эмас. Уни қондириш керак.

1980 йил... Москва... СССР республикалари давлат телерадиокомитетлари раислари ва Марказий телевидение ва Бутуниттифок радиосининг жойлардаги мухбирлари пунктлари мудирларининг Бутуниттифок кенгашида Арманистон Давлат телерадиокомитети раиси шундай деган эди:

"... Эрон билан бизнинг мамлакатимиз (Арманистон) чегарасига Арманистон ҳудудига бизнинг мафкурамизга тўғри келмайдиган асосан Америка телекурсувлари намоиш этилмоқда. Курсатувларимиз Америка теледастурлари билан рақобат қилаолмайди. Бизнинг телестасвимиз сифати анча паст ва радиосигнал узатгичларимиз эса уларникидан анча камқувватли. Агар тез кунларда уларга қарши курашмасак, ўзимизнинг қудратли узатгичларимизни ўрнатмасак, ахборотни фақат улар тарқатса бу нимага олиб келишини, бизни нима қутаётганини ва охири нима бўлишини айтиш қийин. Бизга СССР ҳукуматининг, СССР давлат ТРК сининг зудлик билан моддий техник ёрдами зарур.

Ёрдам курсатилмади...

Бироз ўтиб Американинг "Интелсет" сунъий Ер йўлдоши орқали бутун дунёга АҚШ теледастурлари намоиш этила бошланди. Пароболик антенналар пайдо бўлди. Космосдан туриб бутун СССР ҳудудига ахборот ёғила бошлади..."

Кейин нима бўлганлиги ҳаммага маълум...

18.08.1986 йил... СССР нинг тарқаб кетишига ҳали роса 5 йил бор. АҚШ нинг "Ньюсуик" журнали шундай деб ёзади: "...Ғарб давлатлари телевидениелари ГДР нинг кўплаб районларини, шунингдек Венгрия, Руминия ва Чехословакиянинг бир қатор ҳудудларини ўз курсатувлари билан

қопламоқда. Хозирча ана шу давлатлардаги сиёсий режимни тўнтариш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Айрим мутахассислар фикрича, чет эл телевидениеси кўрсатувларини томоша қилаётган Совет блоки давлатлари аҳолис ўзларини анча енгилроқ, анча эркинроқ ҳис қилабошладилар...".

АҚШ нинг "Озод Европа" радиостанциясининг собиқ директори Джордж Урбан: ... Бу мамлакатлар аҳолиси сўнгги бир неча йиллар давомида Ғарб давлатлари телевидениеси кўрсатувлари таъсирида бўлишига қарамай у ерда ҳеч қандай норозилик кайфияти сезилмаяпти ёки бирон-бир ўзгариш ҳам содир бўлаётгани йўқ....

Ғарб телевидениеси кўрсатувлари Совет аҳолисига эркин нафас олиш имкониятини бераётгандек кўринади. Афсуски, - деб ёзади Джордж Урбан, - Ғарб давлатлари телевидениеси сиёсий зулм остида яшашга уларга руҳий мадад бермоқда...".

Телевидениенинг жаҳонда демократик бошқариш тизимини тантана қилишида, ҳозирги мустақил бўлган - собиқ Совет Иттифоқи давлатларида ҳуқуқий-демократик, фуқаролар жамиятини шакллантиришдаги роли ҳақида.

ТВ нинг ҳар бир функциясига Ўзбекистон, АҚШ, Европа, Россия, дунёнинг бошқа телекомпаниялари фаолиятдан, ТВ нинг амалиётдан конкрет мисоллар келтирилади. Республикамиз ва жаҳон телевидениеси амалиётдан олинган ёрқин оригинал кўрсатувлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилиб, назарий хулосалар чиқарилади.

ТВ нинг аҳолини турли воқеа ва ходисалардан воқиф қилиш, аҳоли маданиятини ошириш, маънавиятни бойитиш, дунёқарашини тўғри шакллантиришда тутаётган ўрни ҳақида батафсил тўхтилаб ўтилади.

Ўзбекистон ТВ сининг бошқа ОАВ сингари республикада юксак ишчанлик руҳини ва барқарор ижтимоӣ - сиёсий вазиятни сақлаб туришда тутган ўрнига алоҳида ўрин берилади.

2- Мавзу. ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА ТАРИХИ

1.Тарихга бир назар. Тошкент... 26 июл 1928 йил

2.30-40 йиллар телевидениеси

3.50 - йиллар телевидениеси

4.60 - йиллар ТВ си.

5. Тележурналистиканинг дастлабки турлари ва жанрлари.

6. Мустақиллик йиллари телевидениеси

Инсон руҳияти шунақа-ки, кеча ёки илгари куни содир бўлган, вақт нуқтаи назаридан ўтиб кетган воқеаларга қараганда, ҳозир, мана шу дақиқаларда содир бўлаётган воқеалар унда кўпроқ ва каттароқ шаклланиши 70 - йиллар ТВ си. Видеолента тасмасига туширилган кўрсатувлар.

"Қайта қуриш ва ошқоралик даври" телевидениеси қизиқиш уйғотади, киши диққат — эътиборини ўзига алоҳида жалб қилади.

Бу ҳолда воқеанинг ҳаётда содир бўлиши билан уни телетомошабинлар томонидан қабул қилиниши вақт нуқтаи назаридан бир пайтнинг ўзида содир бўлади. Ва бундай имкониятни фақат электрон ахборот воситалирига яратиб бериши мумкин.Тўғридан-тўғри репортаж инсонда катта қизиқиш уйғотади. Сабаби, экранда аввал ёзиб олинган, монтаж қилинган ўтган ҳаётнинг ҳозирги акси эмас, шу дақиқаларда содир бўлаётган реал ҳаётнинг ўзи кўрсатаяпти. Ҳозир сизнинг кўз ўнгигингизда турли хил кутилмаган воқеа-ходисалар эфирда содир бўлиши мумкинлиги киши диққат-эътиборини оширади ва экран олдида маҳкам ушлаб туради.

Американинг 35 - президенти Джон Кеннедига Даллас шаҳридаги суиқасд...

Президент қотиллигида айбланаётган Джеки Рубининг бир қамоқдан иккинчи қамоққа олиб кетиш пайтидаги унинг отиб ўлдирилиши бутун Америка халқи кўз-ўнгида содир бўлиши...

Американинг Нью-Йорк, Вашингтон шаҳарларидаги 2001 йил 11 сентябр воқеалари...Халқаро савдо марказига биринчи, айниқса, иккинчи самолётни

келиб урилиши Си-Эн-Эн телекомпаниясининг оперативлиги билан жаҳон афкор оммаси кўз олдида содир бўлди.

Москвадаги Оқ уй камали...

Ироқ пойтахти Богдодни бомбардимон қилиниши. Буларнинг барчаси бутун дунё, Америка, Осиё, Европа халқлари, барча инсоният кўз ўнгида содир бўлган воқеалар...

Телевидение дев ном олган бундай мўжизанинг пайдо бўлиши тарихига бир назар.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги "Искандар кўзгуси" ҳақида маълумот.

Ж. Верн, Ж. Лондон, А. Куприн асарларидаги "Сехрли ойна" ҳақида ҳикоят ва ривоятлар.

Инглиз физиги Д. Максвел, Немис физиги Г.Герцнинг электромагнит тўлқинларининг тарқалиши ҳақидаги кашфиётлари.

Италия ихтирочиси Г. Маркони, Кронштаддаги рус ўқитувчиси А.С.Попов томонидан радионинг кашф этилиши тўғрисида. 1895 йили Луи ва Огюст Люмьерлар томонидан кинонинг ихтиро қилиниши.

Немис ихтирочиси Павел Нипковнинг тасвирни механик усулда масофага узатиши тўғрисидаги кашфиёти. Телевизион тасвирнинг дастлабки ибтидо кўринишлари.

1907 йил. Петербург технология институти профессори Борис Львлвич Розинг томонидан ярим механик, ярим электрон усулда масофага берилган ва қабул қилиб олинган телевизион тасвири ҳақида.

Ва ниҳоят 1925-28 йилларда Тошкентда Жаҳонда I - бўлиб тўла бугунги кун электрон телевидениесининг кашф этилиши.

Тошкент Давлат Университети (Ўзбекистон Миллий Университети) физика лабораторияси ходими Борис Павлович Грабовский, унинг сафдоши Иван Филиппович Белянский томонидан тўла электрон телевидениенинг яратилиши.

Жаҳон телевидениеси тарихида "Тошкент телефоти" деб ном олган бу ихтиро Ўзбекистон пойтахтининг Шайхонтохур тумани ҳозирги Тошкент телемаркази ёнидаги Ҳамзахон опа ховлисида кашф қилинганлиги тўғрисида.

ТВ - Давлат, ҳукумат ва жамият учун том маънода энг қимматга тушадиган оммовий ахборот воситаси, санъат тури сифатида.

Телебюджет нима? Алоқа сунъий Ер йўлдоши, телеминора, Телевизион техник марказ, кўп камерали Кўчма Телевизион Станция ва бошқа телевизион техник воситалар неча миллион АҚШ доллари туришлиги ҳақида. Давлат телерадиокомпанияларига бу техник воситаларнинг қарийб барчасини сотиб олишга Ўзбекистонда асосан давлат бюджетидан маблағ ажратилиши тўғрисида.

Телевизион тасвири узатувчи Москва — Ўрта Осиё кабелини ётқизишнинг асл сабаблари ҳақида. Кабелдан кўп мақсадларда фойдаланиш тўғрисида.

Инсоният тарихида не-не буюк ихтиролар, жамиятни инсоният тараққиётнинг янги, янада юқори поғонасига олиб чикувчи ажойиб кашфиётлар қилинган.

Катта масофаларни куш каби бир зумда босиб ўтиш имкониятидан маҳрум бўлган инсон қадим - қадимлардан узоқ - узоқларга парвоз қилишни, дунёда қандай воқеалар содир бўлаётганлигидан воқиф бўлишни, бошқа сайёраларда ҳаёт борми, йўқми билишни, узоқ-яқинларини шу пайтда нима билан машғул бўлаётганликларини кўриб туришни орзу қилган.

Қарийб барча халқлар оғзаки ижодиётида ҳозирги замон телевидениесининг рамзий сиймолари бўлмиш — "Тошойна", "Жоми Жамшид", "Ойнаи Искандарий", "Ойнаи Жаҳон" иборалари учрайди.

Ривоятларга кўра фиравнлар давлати (Миср) ҳукмдори Рамзес 1 даврида шундай кўзгу яратилган бўлиб, бу кўзгуга қараган киши гўё тўлқинли денгизлар, табиат манзаралари, ҳайвонот оламининг турли мавжудотларини тирик ва табиий ҳолда кўриши мумкин экан.

Қадимги Инклар давлатида ҳам шундай кўзгу яратилган ва бу кўзгу

орқали ўша қадим замонлардаги Инклар ўзга сайёраликлар билан қуюқ алоқалар ҳам боғлаб турганлар, деган ривоятлар бор. Бундан Инклар барпо этган ва археологик тадқиқодлар пайтида очилган бошқа саёралардан келган мосламалар учиб қўнадиган тайёрагоҳ шундан дарак беришига ишора қилинади.

Ҳиндистонда ҳам қадим мозийда шундай кўзгу юзага келиб, унда ҳар бир киши ўзи истаган нарсасини ёки яқин кишисини кўриши мумкин бўлган экан.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" номли достонида худди шундай мўжизакор кўзгу ҳақида гап боради.

Чин мамалакати ҳоқонининг фарзанди шахзода Фарҳод балоғатга етгач, дунё сирларини ўрганишни ҳавас қилади. Кунларнинг бирида у отасининг хазиналари орасида бир кўзгуни топиб олади. Бу оддий кўзгу эмас, балки узоқ-узоқларда содир бўлаётган воқеаларни кўрсатадиган "Сеҳрли кўзгу" эди. Бу кўзгуда Фарҳод бир гўзал қизнинг сиймосини кўриб, уни севиб қолади. Қаттиқ эҳтиросдан хушидан кетади.

Достонда жумладан шундай мисраларни ўқиймиз:

Таниб афлоку анжун толини туз, Бу Кўзгу санъатида қўйдилар юз. Неча йил ранж тортиб, бемадоро, Бу пайкар нақши бўлди ошкоро. Бу Кўзгу ким эрур ҳикмат жаҳони, Тилсимидур ишгарф онда жаҳони. *

Алишер Навоийнинг яна бир асари "Садди Искандарий" да жумладан шундай дейилади: "...Кунлардан бир куни жаҳонгир Искандар Зулқарнайн ўз давлати сарҳадидаги жамики номдор усталарни ҳузурига чорлатиб, уларга "ойнаи жаҳон" ясашни буюрибди. Орадан кунлар, ойлар ўтиб ниҳоят, зукко илм аҳиллари, донишмандлар, мунажжимлар жамулжам холда ўзларининг бор илму маҳоратларини ишга солиб, жаҳонгирга манзур ва мақбул бўладиган шундай "Ойнаи жаҳон" ни яратибдилар. Кўзгу кўнгилдагидек чиққанини кўрган фотих Искандар бундан беҳад мамнун ва мансур бўлибди.

XIII асрнинг учинчи чорақларида араб истилочиларига қарши оқ кийинган кўзголончилар раҳбари Муқанна уларга кўриниш учун мўлжалланган

кун келганда ўз қарамоғидаги барча соҳибжамол аёллар қўлига биттадан кўзгу бериб, уларни қалъа тепасига чиқиб, куёш нури ерга тушган пайтда кўзгуларни бир-бирига рўбарў қилиб тутишга буюрган. Халқ тўпланиб, куёш нурлари кўзларга тушгач, унинг акси билан ўша жой жуда кучли нурга тўлиб кетган. Узини тангри деб эълон қилган Муқаннани кўрмоқ истагида бўлганлар: " Илоҳимизнинг (Муқанна демоқчи) олисдан кўриниши шундай бўлса, яқиндан кўрсак куйиб кул бўлишимиз ҳеч гап эмас эканда-да" - деган ўйда барча тавба билан сажда қилиб пешоналарини ерга қўйган эканлар.

Бинобарин, бу мисоллар ўзларининг турли мақсадлари йўлида кўзгу қудратидан фаол фойдаланиб келганликларини яққол кўрсатади.

Ривоятлардаги сирли кўзгу тўғрисидаги гаплар ҳақиқатдан унча йирок бўлмаган ва Алишер Навоий ҳам бу ҳолдаги мўжизавий кўзгулар асло ҳаёлий эмас, балки бу ўта юксак санъат даражасидаги илм ва ўқувнинг қудрати, истеъдод наъмунаси ила яратилажагини таъкидлаган эди.

Буюк ватандошларимиз Ал-Беруний, Ал-Фарғоний X-XI асрларда Ернинг нариги томонида Америка қитъаси борлигини кашф этгандек, XV асрга келиб буюк Алишер Навоий бу ҳаёлот эмас, балки келажакдаги реал ҳаёт эканлигини айтиб кетган экан.

Бироқ мазкур ҳунарларнинг сири барча даврлар мобайнида одамдан қатъий яширин сақланиб келинган бўлсада, унинг кўлами кейинчалик кенгайиб, фақат Шарқдагина эмас, балки Ғарбда ҳам пайдо бўла бошлаган экан. XX асрнинг яримларида Польшада бир воқеа содир бўлади.

Ибодатхонада роҳиблар Яратганга сажда қилиш билан машғул бўлиб турган маҳалда тўсатдан қаердандир узун думини гажак қилиб олган, шохли, туёқли шайтон пайдо бўлиб қолади. У оташдонда махсус қуритилган чўл гиёҳларининг томирларидан атрофга хушбўй ҳид таратиб бурқираб чиқаётган тутун атрофини куппа-кундузи одамлар кўз ўнгида биров айланади-ю яна қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай бир зумда ғойиб бўлади.

Кутилмаганда кўрган бундай ғайри табиий ҳолатдан роҳиблар ва бош роҳиб дағ-дағ титраб, тиллари калимага келмай қолган экан. Бўлиб ўтган бу

мўжизали воқеадан кейин орадан анча йиллар ўтиб, юқорида кайд этилган холлар қарийб унутилаёзганда ва яна келиб айнан ўша маҳалдагидай қоқ чошгоҳда қаранг-ки, неча йиллар аввал ўзлари кўрган бояги шайтон яна "соғиниб қолган бўлсангизлар, мана мен яна ҳузурингизга келдим", -дегандай ташриф буюрибди. Роҳиблардан бирининг бундан нақ ўтақаси ёрилиб, ўлаёзбди.

Бу сирли воқеа ҳангомалари эса одамлар орасида узоқ вақтгача оғиздан-оғизга кўчиб, катта шов-шувга сабаб бўлибди. Кейинроқ текшириб қарашса, ибодатхонанинг деворида чанг босиб кетган бир кўзгу осифлик турар экан. Унинг чорчўпига лотин ҳарфида бу кўзгу XVI асрда ўтган машҳур поляк кўз бойловчиси пан Твардовскийга қарашли эканлиги ва ундан ўз вақтида найрангбозлик ўйинларида фойдалангани ҳақида ёзилган экан.

Олимлар шундан кейин бу сир-саноатли кўзгунинг сирини ўрганишга киришган. Ўта юксак усул ва услубий маҳорат билан ишланган ўша кўзгуга ўйма расм солинган бўлиб, унга маълум бурчак остида ёруғлик туширилса бас, бояги аломат, шайтон қиёфаси намоён бўлар экан.

Хўш кўзгу бундай мўжизалар кўрсатиш учун яна нималар қилиш мумкин бўлган?

Бу саволга биринчидан, кўзгунинг ўзи зўр ёруғлик манбаи, жумладан қуёш ёки улкан қандилларнинг ёруғлик нури доимо маълум бурчак остида тушиб турадиган қилиб ўрнатилган.

Иккинчидан, кўзгудан ўттиз-қирқ қадамча берида худди ўшандай услубда ишланган бошқа бир кўзгу бўлса у телеэкранга ўхшаш вазифани бажарар экан.

Учинчидан, эса кўзгу билан "экран" орасида ҳеч қандай тўсиқнинг бўлмаслиги лозим, акс холда, у кўзгудаги тасвирни "экран" га туширмай қўйиши ҳам мумкин бўлар экан.

"Учар гилам" — самолётлар, "пўлат от" — паровозлар, "ойнаи жаҳон" - телевизорлар аввало гапда, сўзда, халқ оғзаки ижодиётида, чўпча-гу - эртақларда бўлган ва ўтмишда "ойнаи жаҳон" деб юритилган.

Телевидение бугун ниҳоятда илдам суръатлар билан ривожланиб, кенг

тараққий қилиб кетди. Унинг шарофати туфайли бугун космонавтлар-астронафтлар билан бирга, ёки космик кемаларга ўрнатилган видеокамералар ёрдамида Ер атрофи - орбитасига, Ойга, Марсга, бошқа сайёраларга саёҳат қилинмоқда. Американинг қудратли "Хайбл" телескопи ёрдамида дунёнинг четига - Қуёш системасининг чегарасигача етиб бордик, Кусто командаси билан тубсиз уммонлар қаърига тушиб бой сув ости дунёси билан танишилмоқда.

Ернинг сунъий йўлдошларига ўрнатилган видеокамералар ёрдамида космосдан туриб Ерда бўлаётган воқеа-ходисалар назорат қилинмоқда.

Денгиз ва океанларда талофатга учраётган кемалар координатлари зудлик билан аниқланиб, бахтсиз фожелардан талофот кўраётганларга Жаҳон махсус тез ёрдам Хизматига етказиб берилмоқда.

Американинг телекамералар ўрнатилган махсус ракета, снаряд ва бомбалари ўз нишонини қидириб Афғонистоннинг Тора-Бора тоғларидаги ғорларнинг нақ оғзига аниқ етиб, ичига кириб боргани телебошқарув техник имкониятларни бугун ҳарбий мақсадларда ниҳоятда қўл келаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Телевидениенинг бугунги ҳаётимизда ўйнаётган аҳамияти ҳақиқатдан ҳам беқиёсдир.

Хўш бундай мўжиза қачон, қаерда ва ким томонидан ихтиро қилинган? Тарихга яна бир назар...

Тасвирни бир манзилдан, бошқа манзилга узатиш ишлари XIX аср ўрталарига бориб тақалади. Инглиз механиги А.Бену қотиб қолган сурат холидаги тасвирни масофага узатиш аппаратини 1843 йили ихтиро қилган. А.Бену қоғоздай ингичга қалай парчасига тасвир тушириб, махсус сиёҳ ёрдамида ёзувлар битилган тахтачани тасвир тарқатувчи аппаратга ўрнатган. Қабул қиладиган аппаратга эса электр токи таъсирида хиралашиб тасвир пайдо бўладиган махсус қоғоз жойлаштирган.

Тасвирни электр қуввати ёрдамида масофага узатадиган яна бир техник ускуна лойиҳаси 1858 йилда Россияда италиялик Аббат Жований Козелли

томонидан таклиф қилинган. Бу аппарат — "Пантограф телеграфи" деб ном олган. Тарихий манбаъларда

1862 йили мазкур ускунага муаллифлик ёрлиғи берилганлиги қайд қилинади. Д.Козеллининг бу ускунаси ёрдамида 1866 — 1868 йилларда Петербург билан Москва оралиғида тортилган сим орқали тасвир узатилган. Лекин бу тажриба ускуналари ўлчамининг катталиги, иш принципининг мураккаблиги, тасвирни қабул қилиш ҳаражатлари кўплиги сабабли ривожланмай қолган.

Тасвирни масофага узатиш лойиҳалари шунингдек, 1878 йили Португалиялик А. де Пайва, 1880 йили рус олими П.И.Бахметев, 1884 йили немис муҳандиси Паул Нипков ва бошқа ихтирочилар томонидан таклиф этилган.

Аммо юқорида қайд қилинган барча ихтироларда тасвир узатиш келажаги бўлмаган механик усулда амалга оширилган. Бунинг устига мазкур ихтирочиларнинг биронтаси ҳам ўз кашфиётларини амалда исботлаб бера олмаганлар.

1897 йили бир муҳим ихтиро қилинади, немис физиги К.Ф.Браун осцеллограф учун нур тарқатувчи электрон трубка яратади. Ана шундан сўнггина Петербург Технология институтининг профессори Борис Львович Розинг телевизион тасвирни қабул қилиш ҳамда уни бир манзилдан бошқа манзилга узатишга муваффақ бўлади.

Мавзу. Тошкентда телевидениенинг ихтиро қилиниши

Розинг электрон трубкаси. Грабовский "Телефони" Тошкент., Навоий кўчаси. 199-уй жаҳон эътирофи.

1907 йили Б.Л.Розинг тасвирни масофага узатишда нур тарқатувчи электрон трубкани қўллашни таклиф этади. 1911 йили 22 (9) майда у ёруғ фонда бир-бирига паралел иккита қора чизиқни нур тарқатувчи электрон трубкада қабул қилишни тажрибада синаб кўрди.

Б.Л.Розинг таклиф этган ускунанинг тасвир қабул қилиш томони электрон усулга асосланган бўлса, тасвир тарқатувчи томони ҳамон механик

уsulда ишлар эди. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, радиоэлектроника ва электровакуум техникасининг ривожланмагани ҳозирги замон телевидениеси бўлмиш электрон телевидениенинг тараққиёти йўлида катта тўсиқ бўлган.

Қаранг-ки, бутун жаҳон олимлари бош қотираётган бу мураккаб илмий-техник муаммони ҳал қилиш - яъни электрон телевидениенинг барча асбоб-ускуналарини яратиш тошкентлик ихтирочи, Ўрта Осиё Давлат Университети (ҳозирги ТошМУ) физика-математика факультети лабораториясининг ходими Борис Павлович Грабовскийга насиб этди.

Тошкентнинг Шайхонтохур мавзесидаги Бола масжид кўчаси 74 уйда, (ҳозирги Навоий кўчасидаги 199 уй. Тасодифни қаранг-ки, Тошкент телевидение Маркази 1957 йилда шу ҳовлининг ёнида қад кўтарган) Ҳамза опа ва Юсуфхон ака Мирзамухамедовлар ҳовлисида 1925-1928 йилларда тасвирни узатувчи ҳам, қабул қилувчи томонлари ҳам тўла электрон тизимга асосланган ҳозирги замон телевидениесининг асбоб - ускуналари яратилиб, жаҳонда биринчи ҳаракатдаги ҳақиқий телевизион тасвир қабул қилинади.

1925-1929 йиллар эски шаҳарнинг бу сўлим ҳовлисидаги болаҳонали уйнинг бир хонасида икки ихтирочи Борис Грабовский билан Иван Белянскийлар истиқомат қилишарди.

Борис Грабовский ёш ташаббускор олим, истеъдодли муҳандис бўлса, Иван Белянский одамлар билан тез тил топиша оладиган, моҳир ташвиқотчи ва зўр ташкилотчи эди. Тошкентнинг ана шундай минглаб уйларига ўхшаган бир хонадонида XX асрнинг ҳақиқий мўъжизаси — электрон телевидение ихтиро қилинаётган эди. Шу уйда Грабовский ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган, ҳатто бирон бир натижа бўлишига ҳам кафолат бера олмайдиган тадқиқот устида тажрибалар олиб бормоқда эди. Жаҳон олимлари бош қотираётган бу сирни кимга очилиши ҳам ҳали номаълум эди.

Тиришқоқ, илм-фанга чанқоқ, катта фантазёр - Борис Грабовскийнинг орзулари ҳам катта эди. У ҳаётни унинг барча шакл-шамойилларида, конкрет сиймоларда кейинроқ эса рангли ва ҳатто ҳажмдаги - стереоскопик тасвирда кўрсатишни ўзига мақсад қилиб қўяди.

Б.Грабовский Ўрта Осиё Давлат Университетининг физика лабораториясидаги чизмаларини, Бола масжид кўчасидаги устахона асбоб анжомларини ҳам худди ана шу мақсадга йўналтиради. Бу дунёда хали бирон бир олим эриша олмаган катта мақсад ва улкан бир илмий-техник лойиҳа эди.

Бир маҳал Тошкент буйлаб: " ... Нима дейсан, Ҳамза опанинг уйида томоша кўрсатадиган деразали сандиқчаси бор экан. Унда одамларнинг суръатлари худди жони бордай ҳаракат қилишар экан. Сандиқчасини ичига хатто темир йўлда юрадиган конька-трамвай ҳам сиғар экан..." - деган шов-шув тарқалади.

Ўрта Осиё Давлат университетининг физика-математика факультети лабораториясига ишга келган Б.Грабовский телевидение электрон мажмуини яратиш иши билан жуда қизиқиб қолади.

Янги таниши, уииверситет профессори Гавриил Поповнинг турли хил китобларга бой шахсий кутубхонасидаги илмий - техник асарлар телевидение сирларини очишда ёш ихтирочига жуда қўл келди. Шу ерда у Петербург технология институти профессори Борис Львович Розингнинг бу соҳадаги илмий ишлари билан танишади.

Б.Л.Розинг ўзи яратган аппаратларда тасвирни масофага узатиш ва бошқа нуқтада уни қабул қилишга эришган эди. Бу соҳани назарий қисмини чуқур ўрганиб чиққан Б.П.Грабовский тасвир фақат электрон оқими ёрдамида узатилиб, электрон оқими ёрдамида қабул қилиниши керак, деган қатъий хулосага келади. У тасвирни узатишнинг ўша пайтда кўпчилик диққат эътиборида турган механик усулининг истиқболи йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

Б.Грабовскийнинг башорати унга жуда қимматга тушди. Сабаби, жаҳонда ТВ тасвирини узатишнинг механик усулида ишлаётган доиралар кўп бўлиб бу мақсадда каттадан-катта маблағлар сарфлашган ва ўзларининг бу нуқтаи - назарини улар қатъий туриб ҳимоя қилишар эдилар.

1925-26 йиллар Б.Грабовский тасвирни масофага узатиш бўйича бир қатор электрон асбоб-ускуналар яратади. Бу ускуналарни у Тошкентдаги электр

қуввати ишлаб чиқарадиган ҳамда ундан фойдаланадиган шу пайтдаги ягона ташкилот - "Тошгэстрам" да, шунингдек, Тошкентдаги ремонт-механика заводида, Ўрта Осиё Давлат Университетининг (ТошМУ) физика лабораториясида яратади. Лекин ёш ихтирочиларда илм ва тажриба ҳам етишмас эди.

Жаҳонда биринчи бор қилинаётган ишда яна қандай билим ва тажриба тўғрисида гап бўлиши мумкин, деган хулосага ҳам борасан, киши!?

Б.Грабовский бу борада Петербургда қилинаётган ишлар билан қизиқади.

1925 йил ноябр ойи...

Борис Грабовский Петербург технология институтига, электрон телевидение "отаси" деб тан олинган Борис Львович Розинг хузурига боради.

Санкт-Петербурглик профессор Б.Розинг Тошкентдан келган меҳмонларга аввал ишонқирамай, шубҳали қараб, совуқроқ қабул қилади. Лекин, тошкентлик ихтирочилар олиб келган чизмалар, схемалар, уларга битилган изоҳларни диққат билан ўқиб, ўрганиб чиққач, у мутлоқо ўзгариб Ўзбекистонлик меҳмонларга қарата ҳаяжонини яширмай:

- Азизларим, қандай мураккаб ишнинг уддасидан чиққанлигинларни ўзинглар биласизларми, ахир? — дея, ўрнидан туриб Борис Грабовский ва унинг ҳамроҳини кетма-кет кучоқлаб, бағрига босади.

- Бундай ноёб ихтирога патент олиш учун зудлик билан буюртма бериш керак,- дейди Б.Л.Розинг.

Эртасига - 1925 йил 9-ноябрь куни тошкентлик ихтирочилар - В.И.Попов, Б.П.Грабовский, Н.Г.Пискуновлар номига Ихтиро ва кашфиётлар ишлари бўйича Давлат Қўмитасининг 4899 - рақамли гувоҳномаси берилади.

Ихтирога патент беришдан аввал эса уч йил мобайнида бу соҳада жаҳонда қилинган қарийиб барча ишлар синчковлик билан ўрганиб чиқилади.

Ва ниҳоят 1928 йил Б.Грабовский, Н.Пискунов, В.Поповларнинг катодли Телефотига патент берилади. Бу Тошкент Телефотининг ҳам давлат томонидан, ҳам олимлар, мутахассислар томонидан тан олиниши эди.

Экспертлар хулосасига кўра 1925 йил 14 ноябрь куни Петербургдаги

"Светлана" заводи тошкентлик ихтирочилар буюртмаси бўйича Телефот электрон трубкасини тайёрлашга киришади.

1925 йилнинг ўзида Ўзбекистонлик ихтирочиларнинг электрон трубкаси Петербургдаги "Связьэлектро" заводлар трестининг экспертлари: Д.А.Рожанский, Л.И.Мандельштам, П.И.Лукирский, М.А.Шателен, А.А.Черныпнев, Н.Д.Папалекси ва Б.Л.Розинг каби йирик олим ва мутахассислар томонидан муҳокама қилинади.

Тошкент 1925 йил...

Юсуфхон ака Мусамухаммедовлар хонадони 20нчи йиллар ўрталарида Тошкентда электр чироғи ўтказилган камдан-кам уйлардан бири эди. Шу сабабли ҳам Грабовский ана-шу хонадонни танлайди. Бу ҳовлида устахона очиб, тажрибалар ўтказиш имконияти бор эди.

Юсуфхон ака отхонасининг бир чеккаси лабораторияга ажратилади. Ва шу ерда 1928 йили бир хонадан бошқа хонага телевидение тасвири узатилади. Дастлабки телевизор экранининг сатҳи гугурт қутисидан салгина каттароқ эди халос, - деб эслашади ихтирочилар. Биринчи бўлиб экранда ҳамма нарсага қизиқувчан, керак бўлганда устахона полларини ҳам тозалаб турадиган, ҳар бир ишга хозир-нозир уй бекаси Ҳамзахон опанинг қимирлаётган бармоқлари кўринади.

Шундан сўнг қўл ҳаракати шамолидан липиллаётган шамчироқ кўзга ташланади. Инсоният тарихида биринчи бор яратилаётган электрон телевидение чуқур билим, катта маблағ талаб қиладиган мураккаб соҳа эди. Бу ишларни давлат ғамхўрлигисиз амалга ошириш мушкул эди. Шу мақсадда 1927 йили Иван Белянский Ўзбекистон пойтахти — Самарқандга Республика ҳукумати хузурига йўл олади. Марказий Ижроия Қўмитаси Раиси Йўлдош Охунбобоев қабулига киришга муваффақ бўлади.

- Мен борганда Йўлдош Охунбобоев Марказий Ижроия Қўмита биносида йўқ экан. Унинг уйда эканлигидан хабар топиб, уйига бордим, — деб ёзади Иван Белянский. Дарвоза олдида мени милиция кийимидаги Охунбобоевнинг шахсий соқчиси кутиб олди. У русчани яхши билар экан, нима иш билан

келганлигимни сўради. Шунда мен, биз бир Радиотелефон деган аппарат яратдик, унинг ёрдамида нафақат эшитиш, балки воқеа-ҳодисаларни кўрса ҳам бўлади, дедим. Милиционер аппаратимиз билан қизиқиб қолди. Шунда мен ҳукумат раҳбари Йўлдош Охунбобоев билан учрашим кераклигини билдирдим.

Шу пайт ҳовлида Охунбобоевнинг ўзи кўриниб қолди. У бизнинг олдимизга келиб, саломлашди ва милиционерга қараб ўзбек тилида, мен ҳақимда бўлса керак, ниманидир сўради. Милиционер "аппарат", "радио", "инженер" сўзларини ишлатиб Охунбобоевга менинг қандай иш билан келганлигимни тушунтира кетди. Бу гапларни диққат билан эшитиб турган Охунбобоевнинг юзида илиқ табассум пайдо бўлди. У русчалаб "Хорошо... Хорошо... Я сейчас буду обедать, а вў после обеда приходите в ЦИК" - деди.

Бир соатдан кейин мен Марказий Ижроия қўмитасига бордим. Охунбобоевнинг шахсий котиби Азбековнинг менинг келишим ҳақида хабари бор экан, тезда Охунбобоев ҳузурига муҳандислар Лурье ва Хўжаевларни чақирди. Муҳокама бошланди Лурье ва Хўжаев чизмалар ва жадваллар билан танишиб бирин-кетин ишимизнинг моҳиятини ҳукумат раҳбарига тушунтира кетишди.

Суҳбат якунида муҳандис Хўжаев: "Сизларга ёрдам беришга қарор қилдик, ўртоқ Охунбобоев эса бу мураккаб асбоб-ускуналарни яратиш учун сизларни Ленинградга хизмат сафарига юбориш керак, деб айтдилар" - деди.

Суҳбатдан сўнг ўртоқ Охунбобоев Ўзбекистон ВСНХ Раиси ўртоқ Носирбоевга қўнғироқ қилиб, мени Ленинградга боришимга ҳужжатларни тўғрилашни, йўл харажатлари беришни тайинлади. Охунбобоевнинг котиби, шу заҳоти Ўрта Осиё округ алоқа тажриба станциясига телефон қилиб Борис Грабовскийга тажрибалар ўтказиш учун шароит яратиб беришларини тайинлайди.

Ҳукумат ғамхўрлигидан руҳланган Б.Грабовский телевидениенинг асосий қисми бўлган электрон трубка яратиш устида иш бошлади. Трубканинг нур тарқатувчи қисмини яратиб, уни шиша трубканинг ичига жойлаштирди.

Шиша тайёрловчи уста эса махсус насос ёрдамида трубка ичидаги ҳавони сўриб олиб вакуум яратди. Шундай қилиб, телевиденининг юраги — нур тарқатувчи электрон трубка пайдо бўлди.

Аммо бу ҳам кутилгандек, яхши натижа бермади. Ишларидан кўнгли тўлмаган ихтирочилар яна Ленинграддаги "Светлана" заводига йўл оладилар. Аммо завод энди Тошкентлик ихтирочилар буюртмасини қабул қилмайди. Профессор Б.Л.Розингнинг аралашуви ҳам ҳеч қандай натижа бермайди.

Тошкентлик ихтирочилар ўз аппаратларини Москвада Иттифок миқёсидаги обрўли комиссия олдида намойиш этишлари, улар олдида ўз ихтироларини синовдан ўтказишлари лозим эди.

Натижада ихтирочилар 1928 йили Тошкентда яратилган тажриба ускуналарини расмий синовлар учун Марказга жўнатишга мажбур бўладилар. Қутиларга "Эҳтиёт бўлинг, Шиша!", "Ноёб физика ускуналари!", "Ташлаш мумкин эмас!" деган ёзувлар битиб қўядилар. Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан махсус қутиларга жойлаштирилган "Тошкент телефотининг Москвага фақат синиқ парчаларигина етиб боради.

Йўловчи вағонида келиган Б.Гробовский вокзал маъмуриятига мурожаат қилганда қутилар вокзалда эмас, меҳмонхонага олиб бориб очилганлигини рўқач қилиб ихтирочилар эътирозларини қабул қилмайди .

- Аранг жон сақлаб қолдик, - деб эслайди Иван Белянский.

Содир бўлган бу жинойтда ҳеч ким айбдор деб топилмайди. Бир неча бор арз қилганларидан сўнг эса, ихтирочилар қўлидаги Тошкент Телефотига тааллуқли 6 папкадан иборат чизмалар, жадваллар, иш принциплари битилган хужжатлар ҳам олиб қўйилади.

Бу воқеанинг қай ҳолда содир бўлганлиги мана 75 йилдирки сир бўлиб келмоқда.

Москва ГУМи ёнида жойлашган РСФСР нинг ВСНХ ЦБСИ биносидан хафақон бўлиб чиқиб келаётган Белянский, тасодифни қарнгики шу ерда дўкон витриналарини томоша қилиб келаётган Йўлдош Охунбобоевга дуч келади. Йўлдош Охунбобоев Белянскийни кўриб жилмайиб, "Э... э... Салом,

Тошкентлик ихтирочи, хўш, ишларингиз қалай?" — деб сўрайди.

Салом-аликдан сўнг И.Белянский:

- Ишларимиз мактайдиган даражада эмас, ўртоқ Охунбобоев. Хайронман, биз аппаратларни Тошкентдан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қутиларга жойлаб жўнатган эдик, темир йўлда ҳаммаси чил-парчин бўлиб синибди. Шунча меҳнатимиз зое кетди - дейди Белянский.

Тошкент Телефотига оид хужжатлар 92 бет.

Иван Белянский аппаратни кўрсатиш учун Йўлдош Охунбобоевни ЦБСИ га олиб боради. Хонага киргач, Белянский ВСНХ нинг ЦБСИ ходимларига қарата, атайлаб баланд овоз билан "Ўртоқлар ! Бу киши СССР ЦИК аъзоси, Ўзбекистон ЦИК раиси ўртоқ Охунбобоев, - дейди. Хонадаги барча ходимлар ўринларидан туриб қарши оладилар. - У киши аппаратни кўргани келдилар, - дейди. Шундан сўнг уларга аппаратлар қолдиғи сақланаётган қўшни хонани очиб беришади. Охунбобоевнинг нигоҳи чил-парчин бўлиб ётган Тошкент Телефотининг тасвир берувчи ва қабул қилувчи электрон трубкалари синиқларига тушади.

- Не сабабдан бундай бўлди? - деб сўрайди Йўлдош Охунбобоев. Хонадаги муҳандислар ўзларини бироз ноқулай сезгандек бўлиб, темир йўлда синган бўлса керак, деб тахмин қилишади. Охунбобоев оғир хўрсиниб, ҳеч нарса демай хонадан чиқиб кетади.

"...Биз Никольский кўчаси бўйлаб бироз сукут сақлаб бордик. У ҳам ҳеч нима демади. Мен ҳам, - деб эслайди Иван Белянский. Хитой девори ёнига келиб ўнг томондаги "Шарқ уйи" меҳмонхонасига бурилар экан, Охунбобоев Белянскийга қараб: - Эртага эрталаб менинг олдимга, меҳмонхонага келинг, - деб хайрлашади.

Эртасига Белянский Охунбобоев олдига боради. Охунбобоев Белянский билан бирга нонушта қилиб:

Хўш, қандай қилиб ускуналарни тикламоқчисизлар? - деб сўрайди.

- Йўлдош ота, Германияга боришда бизга ёрдам берсангиз. У

ердаги машхур "Телефункен" фирмасига схемаларимизни таништириб Телефот ускуналарини яшашга буюртма берсак, яхши бўларди, - дейди Белянский. Таклифдан бироз ўйланиб қолган Охунбобоевга қарата яна, - Ахир патентларимиз бор, илмий - техник ишларимиз халқаро ҳуқуқ меъёрлари бўйича ҳимояланган. Бу ишларимиздан Германияда ҳам хабардорлар, деб қўшиб қўяди у. Бу сўзларни диққат билан эшитиб турган Охунбобоев:

Х-ў-ў-п, ёрдам берамиз, фақат битта шартим бор, - дейди.

- Аппарат тайёр бўлиб, синовдан ўтгач сиз уни даставвал Ўзбекистонга, олиб келишингиз керак бўлади, - дейди Охунбобоев.

Белянский рози бўлади. Охунбобоевнинг котиби эса шу ернинг ўзида ихтирочиларни Германияга хизмат сафарига жўнатиш тўғрисида араб тилида хат ёзиб беради. Иван Белянский бу хат билан Ўзбекистоннинг Москвадаги ваколатхонасига, домий вакил Одилий олдига боради. Одилий бу хат асосида яна иккита тавсифнома тайёрлайди. Бири бизга чет — эл паспортини бериш тўғрисида Моссоветнинг хориж бўлимига, иккинчиси - Ўзбекистон фондига чет-эл валютасини ажратиш, бу валютани Германия банкига ўтказиш ва бизни хизмат сафарига жўнатиш тўғрисидаги ҳужжатлар эди.

Аммо ҳамма ерда кўз-қулоқ бўлган ОГПУ (кейинги КГБ) бизга чет эл паспорти олишга рухсат бермади. Нима учун? - деган саволимизга, ОГПУ бундай саволларга жавоб бермайди, дейишди.

Мен яна Йўлдош Охунбобоев олдига келиб ҳаммасини гапириб бердим. Охунбобоев котиби билан бу мавзуда узоқ гапиришишди. Сўнг, унинг котиби бизга қараб ўртоқ Охунбобоев бу ҳолатдан қаттиқ афсусланаёпти, аммо ёрдам бера олмаслигини айтди. ОГПУ қарорини у бекор қила олмайди, - деди афсусланиб.

Шундан сўнг, Тошкент Телефотини такомиллаштиришда катта узилиш бўлади. Ихтирочилар тарқаб кетадилар. Б.Грабовский Грузиянинг Гори шаҳрида яшаётган амакисининг олдига, мен эса - Ленинградга кетдим, Саратовда Н.Г. Пискунов олдига кириб ўтдим. Айтишларича, мени ва

Грабовскийни кейинроқ ОГПУ ходимлари Тошкентдаги уйларимизга қидиришиб келишган, - деб эслайди И. Белянский.

Шу билан Тошкент Телефотини такомиллаштириш, уни тараққий эттириш ишлари тўхтайди. Профессор Попов билан Пискунов кундалик оила ташвишларига қайтишади. Лекин, Грабовский ўзига хос фидойилик билан умрини бағишлаган ишига қайтадан киришади. У Бухорода, Наманганда, Самарқандда, Тошкентда "Радио орқали тасвир узатиш", "Радио ёрдамида узоқни кўриш", "Радио кино", "Стереоскопик кино", "Экранда мусиқа, шовқин ва товушлар", "Нур ёрдамида тоғ жинсларини ўрганиш", "Океан қаъридаги ҳаёт" каби мавзуларда кўплаб марузалар ўқийди, чиқишлар қилади.

1926 - 27 йилларда юзлаб ўзбек ёшлари Б.Грабовский лекцияларини зўр қизиқиш билан тинглашадилар. Бу йиллари Б.Грабовский И.Белянский билан бирга Бухоро амирига олтин юлдузлар тайёрлаб берган, бир заргарнинг уйида истиқомат қилишади.

Б.Грабовский ўз орзусини амалга ошириш борасида изчил ҳаракат қилади. Моддий, маънавий қийинчиликларга қарамай у ўз ишини давом эттиради.

Хўш, 4 август куни Тошкентда қандай воқеа содир бўлган эди?

20 нчи йилларда Тошкентдаги Романовлар саройи биноси - ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйи ҳамда ҳозирги Республика Давлат Ҳавфсизлиги қўмитаси биноларининг қаршисида ташқи кўринишидан шарқ меъморчилиги анъаналарини ўзида мужассамлаштирган "Ҳива" кинотеатри биноси бўлар эди.

4 август куни шу кинотеатр қаршисидаги чорраҳага Борис Грабовский билан Иван Белянский тажриба-синов ишларини ўтказиш учун ўз телевизион аппаратларини ўрнатадилар. "Тошкент Телефоти" техник мажмуасининг телекамераси ҳозирги Мустақиллик майдони томон қаратилган бўлган. Тасвир қабул қилувчи аппарат эса ҳозирги Давлат Ҳавфсизлиги Қўмитаси биносида (у пайтда бу бинода Республика алоқа идораси жойлашган эди) ўрнатилган. Шу бинода "Тошкент Телефоти"нинг асосий ускуналарида - тасвир қабул

қилувчи қисми - телевизор ўрнатилади.

Аппаратлар ишга тушгач, телевизор экранида ҳозирги Шароф Рашидов кўчасидан ўтиб кетаётган трамвай тасвири кўринади. Узоқда кўк чимли майдон, майдон чеккасида эса беш қаватли маъмурий бино, ялтираб турган пўлат трамвай излари кўринади. Кўчада кетаётган йўловчилар, гуллар, дарахтлар кўзга ташланади.

Бир сўз билан экранда - Тошкент кўчаларидаги ҳаёт кўринади. Профессионал нуқтаи назардан ёндошиладиган бўлса, бу дунёда биринчи бор кўчадан олиб кўрсатилаётган ҳақиқий телевизион репортаж эди. "Телефот" жонли ҳаётни тўғридан-тўғри воқеа содир бўлаётган жойдан олиб кўрсатаётган эди. Кейинчалик бу шакл; бу услуб жаҳон телевизион журналистикасида мустақил бир жанр, алоҳида бир ижодий услуб сифатида ўз ўрнини эгаллади.

1928 йил 4 августда Тошкентда содир бўлган бу воқеа жаҳонда биринчи тўғридан тўғри олиб кўрсатилган телевизион репортаж эди. Жаҳон журналистикаси тарихида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлган бу воқеа, афсуски мана 70 йилдан зиёд на Ўзбекистон ва на Жаҳон телевизион журналистикаси назарияси ва амалиётида ҳали-ҳанузгача ўзининг муносиб ўрнини ва баҳосини эгалламаган.

Жаҳондаги биринчи бу телерепортаж кинохужжатчилар томонидан кинолента тасмасига туширилади ва 20-30 нчи йилларда Тошкентнинг барча кинотеатрларида бадиий фильм кўрсатишдан аввал кинотомошабинларга намойиш этилар эди.

Тошкент Телефотининг биринчи расмий синовлари Ўрта Осиё Давлат Университетининг профессори Н.Н.Златоврацкий бошчилигида махсус комиссия аъзолари олдида бўлиб ўтади. Б.Л.Розингнинг шогирди, "Ташгэстрам" муҳандиси О.Копѣтовская ушбу комиссия аъзоларидан бири эди. СССР почта ва телеграф халқ комиссариатининг ЎзССР Совнаркоми қошидаги муҳтор вакили В.А.Мохряковнинг* ёзишича, тажриба станциясининг муҳандиси Михайлов ҳам Ўрта Осиё округ алоқа станциясининг синовларидаги расмий вакили бўлган*.

*О.Копѣтовская. Асл нусха.Б.П.Грабовский номидаги электрон телевидения музейи. Тошкент. Сергели.

* ЎзССР МДА, Ф.Р- 25-62, .3 , Д.80. 85-87 бетлар, асл нусха, қўлёзма, дастхат. ЎзССР алоқа вазирлиги тамғаси. Девонхона.

Синов тажрибалари учун Москвага жўнатилган Тошкент Телефоти том маънода чил-парчин бўлгач, 6 папкадан иборат Телефот хужжатлари ҳам йўқолади. Б.Гробовский бу чизмалар, жадваллар, ҳисоб - китобларни хотирасида сақланганича қайта тиклаб - қоғозга туширди. Б.Л.Розинг ёрдамида Ленинграддаги "Светлана" заводида яна буюртма берилади.

Ва ниҳоят, Москвада тикланган Телефотнинг синов тажрибалари кунини белгиланади. Унга йирик олимлар, мутахассислар, муҳандислар таклиф этилади. Бу обрўли комиссия олдида тошкентлик ихтирочилар Телефотни ишга туширишга кўп уринадилар. Аппаратнинг тасвирни узатувчи қисми ишлаб, нур тарқатса ҳам экранда телевизион тасвир пайдо бўлмайди.

Шунда залдан: - Шарлатанлар, бизни мазаҳ қилишаяпти шекилли. Бундай обрўли комиссияга нисбатан бу қандай ҳурматсизлик, - деб ғазабланган овозлар пайдо бўлади. Расмий комиссиянинг ҳулосаси эса қуйидагича эди:

"...Бу ихтиродан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлганлиги сабабли, у билан бундан буён айрим жисмоний шахслар эмас, балки давлат ташкилотлари шуғулланиши, лозим! Б.Грабовскийга бу иш билан шуғулланиш тақиқлансин. Бутун хужжатлар давлат комиссиясига топширилсин! ..."

Бутун умрини, ақл-заковатини шу ишга бағишлаган Б.Гробовский учун бу ўлим ҳукмига тенг эди.

Комиссиянинг бу қарори Б.Грабовский руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатади. Тўсатдан чиқарилган бундай қарордан ваҳимага тушган Б.Гробовский ўзини тута олмай, стуллардан сакраб ўтиб комиссия олдида турган чизмалар, жадваллар, хужжатларни шиддат билан йиғиштириб оладида ўзини кўчага отади. Тўсатдан содир бўлган бу воқеадан йиғилганлар ҳам ҳангу-манг бўлиб, қотиб қоладилар.

Эртасига Москвадан Тошкентга қисқа телеграмма кетади. "...Азизим

Лидия Алексеевна, Борис Павлович билан кўнгилсиз воқеа содир бўлди. У вас-
васа хасталигига чалинди. Биз Тошкентга қайтаяпмиз. Кутиб олинг.
Белянский".

У поездда Тошкентга қайтаётиб ярим кечаси уйкуда ўрнидан сакраб
туриб саросимада: "Ана улар келишаяпти, улар мени олиб кетгани келишаяпти,
йўқ! йўқ! Мен бормайман, бормайман" - деб бақирар ва ҳаммани ваҳимага
солар эди, - деб эслайди Иван Филлипович Белянский.

Шундан сўнг, бундай оғир ҳасталикка дучор бўлган Гробовский бир неча
йил давомида Тошкент яқинидаги ярим ёпиқ режимдаги руҳий касалликлар
шифохонасида даволанади. Соғлигини анча йўқотган Б.Гробовский
шифохонадан чиққач: "...Энди бу "лаънати" телевидение билан мутлақо
шуғулланмайман !" - деб қасам ичади.

Бу воқеалардан сўнг, қарийиб 30 йил ўтди... Йиллар ўтар, ҳаёт ўз
тараққиётида давом этар эди...

1931 йил 31 апрел куни "Правда" газетасида шундай бир хабарни
ўқиймиз: "... Эртага СССР да биринчи марта радио орқали олисдан олиб
кўрсатиладиган телевидение (дальневидение) нинг тажриба эшиттиришлари
амалга оширилади.

Москвадаги Бутуниттифоқ электротехника институтига қарашли РВЭИ-1
қисқа тўлқинли узаткичининг 56,6 метрли тўлқинида инсоннинг юз тасвири ва
фотосурат олиб берилади.

1931 йил 1 май куни ҳақиқатдан ҳам лаборатория ходимларининг эфир
орқали овозсиз тасвирлари ва фотопортретлари кўрсатилди.

Дастлабки тажрибалар муваффақиятли чиққач, эшиттиришларни
мунтазам суратда бериб бориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1931 йил 1 октябрдан эса ўрта тўлқинда овозли кўрсатувлар намоиш
этилабошланди. Шу пайтларда эса Москвага - Томск, Куйи Новгород, Одесса,
Смоленск, Ленинград, Киев, Харьковдаги радиоҳаваскорлар томонидаи
тасвирни овози билан қабул қилиб олаётганликлари тўғрисида кетма-кет
хабарлар келабошлади.

"Москвадан гапираниз" газетасида радиоҳаваскорлар томонидан йиғилган 30 дан ортиқ телевизор пойтахтда ишлаб турганлиги тўғрисида фахр билан ахборот берилди.

Москва билан тахминан бир пайтда Ленинградда, сўнгра Одессада "механик" телевидение кўрсатувлари бошланади.

Шу пайтларда Москвада бир ойда 12 марта кўрсатувлар олиб борилад эди. Ленинград ва Одессада эса кўрсатувларнинг эфирга чиқиши унчалик мунтазам эмас эди.

Телекўрсатув у пайтда икки канал орқали намойиш этилар эди. Бир канал орқали тасвир берилса, иккинчи каналдан овоз келар эди. Овози бўлмаган пайтларда эса худди овозсиз кинодаги каби экранни тўлдириб тушунтириш матнлари ёзиб чиқишар эди.

Механик телевидениенинг телетасвирни тарқатувчи диски камераси телестанциянинг аппаратхонасида ўрнатилган эди. Экран ниҳоятда кичик бўлганлиги сабабли тасвир асосан йирик планда кўрсатилар эди.

Камқаторли яъни- механик телевидение имкониятларининг ниҳоятда чегараланганлиги, аудиториясининг камлиги сабабли ўз олдида қўйган ижтимоий-сиёсий масалаларни бажара олмас эди. У фақат тасвирни масофага узата олар, узоқдаги объектни кўраолишнигина амалга оширар эди. Шунга қарамай бу йиллари механик усулда тасвир узатувчи телевидение кенг тарқала бошланди ва қисқа вақт бўлса ҳам ҳаётда ўз ўрнини эгаллади. Имкониятларнинг чегараланганлиги эса телевидение тараққиётини белгилаб, уни янги уфқлар сари ундади. Давр ўтиши билан механик телевидениенинг келажаги йўқлиги маълум бўла борди.

1933 йили келажаги йўқ, деган хулосага келингач, Москвада механик телевидение кўрсатувлари тўхтатилди. Телевизион тасвирни электронлар оқими ёрдамида ҳосил қилиш ва узатиш бирдан-бир тўғри йўл эканлиги аста секин ўз тасдиғини топа бошлади. Аммо бу қарорнинг ҳам ҳали эрта эканлиги маълум бўлиб қолди. Сабаби, Иттифокда электрон телевизорлар ишлаб чиқариш саноати йўқ эди. Механик телевидение тарафдорлари эса ҳали кўп

эди. Шу сабабли 1934 йил 11 февралда механик телевидение ўз кўрсатувларини қайта тиклади. Яна электрон телевидение тарафдорларига қаттиқ зарба берилди.

Бутуниттифоқ радиоқўмитаси ташкил этилди.

Механик телевидение кўрсатувлари 1941 йил 1 апрел кунига қадар намойиш этилди. Москванинг Шаболовкадаги телемаркази ишга тушди. 1938 йил 25 мартда биринчи электрон телевидение кўрсатувлари намойиш этила бошланди.

Электрон телевидение асосчилари Б.П.Грабовский, И.Ф.Белянскийлар ишдан ҳайдалиб, аппаратлари олиб қўйилиб, бундан буён уларга телевидение билан шуғулланиш ман қилингандан кейин бутун Россия бўйлаб механик телевидение билан шуғулланиш давом этмоқда эди. Бу ўз навбатида электрон телевидение тарафдорлари бўлган тошкентлик телевидение ихтирочилари тақдирида ўзининг катта салбий таъсирини кўрсатди.

Б.Л.Розингнинг яна бир шогирди В.К.Зворикин эса 1919 йили Америкага кетиб шу ерда ўз тадқиқодларини давом эттирди. У АҚШ да ўзининг машҳур Кинескоп билан Иконоскопини яратди.

Москвадаги дастлабки электрон телевидение станцияси ускуналари ҳам Америкадан келтириб жиҳозланди. Бу ускуналарни АҚШ да СССР дан чиққан инженер-ихтирочилар: Зворикин билан Давид Сарнов яратган эдилар.

Электрон телевидение асосчиси Б.Л.Розинг 1933 йили Сибирда сургунда совуқ ва азобларга чидай олмай жон таслим бўлади. Б.П.Грабовский Москвада унга нисбатан қилинган хуруждан сўнг ақлдан озади.

Янгилик билан эски, нотўғри, лекин кучи ва тарафдорлари кўп бўлган икки йўналиш ўртасида ҳар галгидек қаттиқ кураш бормоқда эди. 1959 йили Москвада Америка ёзувчиси Митчэл Уилсоннинг "Брат мой, враг мой" - "Душманим акам" номли романи босилиб чиқади.

Б.Грабовскийнинг турмуш ўртоғи Лидия Алексеевна Грабовскаянинг ҳали чоп этилмаган романи қўлёзмасида шундай лавҳаларни ўқиймиз:*

"... Борис Павлович икки тирсагини одатдагидек столга тираганича бир

китобни ўқиб ўтирар эди. Бироздан сўнг, у гоҳ хайратланиб, гоҳ ғазабланиб ўқиётган китобга ўз муносабатини билдира бошлади".

- Секинроқ... секинроқ - дедим мен. - Секинроқ, дейди-я, аввал ўзинг, буни ўқиб кўр, кейин кўраман, нима дер экансан?! - дейди Борис.

- Шунчалик нима эка-а-н, майли ўқисам ўқий қолай.

- Мана бу ерини кўр,... энди мана бу сатрларни ўқи, - дея бош бармоги билан кўрсатарди, Борис.

"... Экранда инсон қўли шарпаси пайдо бўлади, - овоз чиқариб ўқиди Лидия Алексеевна, - сўнг давом этди. - Кафтга қаратиб бироз букилган бармоқлар тасвири кўринади. Бармоқлар қаддини ростлаб яна илгариги холига қайтишди. Экранда бармоқлар бир сониягина қайрилиб бироз ҳаяллагандек бўлдида кўздан ғойиб бўлди. Яна милтиллаган тасвирсиз ойна ўз холига қайтди. Экран пайдо бўлди. Ҳамманинг фикри ҳаёли экранда, фақат гуп-гуп этаётган юракларнинг уриши эшитилар эди. Қаттиқ ҳаяжондан сўнг тил калимага келгандек бўлди.

"... - Вика, сен нима қилдинг? Ҳеч нарса. Ахир сен бармоқларингни трубка олдида тутдинг-ку?

- Мен фақат мана бундай қилдим, ҳалос — узоқдан бироз ҳайрон бўлган овоз эшитилди. Ва яна бир неча дақиқадан сўнг кўплаб симлар, тўрлар, шишалар ва металллардан ўтиб экранда сеҳрли эртақлардагидек, одатдагидан бироз каттароқ ҳажмдаги, ниҳоятда таниш ва нозик аёл қўли кўринди..." - ўқиди Лидия Алексеевна.*

- Во, ажабо...! Во, ажабо...! — дер эди Лидия Алексеевна.

Яна романни ўқишни давом этди Лидия Алексеевна:

"...Биз, қуйида қўл қўйувчилар 1925 йил 26 июнда юқорида номи қайд этилган ихтиро юзасидан (электрон телевидение ускуналари - демоқчи — И.А.) қилинган маърузада иштирок этганлигимизни тасдиқлаймиз..."

- Шу матн битилган қоғозга қўл қўйсанглар бўлди..." деб, йиғилган олимлар ва мутахассисларга мурожаат қилди, мажлисга раислик қилувчи.

Ихтиронинг асл мазмунини ўз ичига қамраб олган бу ҳужжат ака-ука Мэллориларни келажакда бу ихтиро бизники, деб чиқиши мумкин бўлган бошқа даъвогарлардан асрайдиган гаров қоғози сифатида уларнинг қўлида сақланади, - деди у... *

Унчалик машҳур бўлмаган америка ёзувчиси, мутахассислиги бўйича эса физик-олим бўлган Митчел Уилсон 1952 йили Бостон шаҳрида босилиб чиққан ўзининг "Душманам акам" романининг 3 боб, 3 қисм 107-108 бетларида электрон телевидениени дунёда биринчи бўлиб ўз ватандошлари - ака-ука Мэллорилар яратишган, деб ёзади:

"...- Мен сени бармоқларингни кўрдим - деб қичқириб юборди, ҳаяжон ва эҳтирос тўла овоз билан Дэви. Эй, парвардигорим-ей! Мен, сенинг қимирлаётган бармоқларингни кўрдим...!

* Муаллифнинг шахсий архиви. Тошкент-Фрунзе (Бишкек) 1974 йил. Дэви меҳр тўла кўзларини Викага тикиб, унинг қўлларини ўзининг икки қўли орасига олиб қаттиқ қисди. Бутун вужуди тўлиб кетган ғурур ва эҳтиросдан Дэви нима дейишини билмас эди...*

Б.Грабовскийнинг турмуш ўртоғи Лидия Алексеевна Грабовскаянинг ҳали чоп этилмаган романи кўлёмасини ўқишда давом этамиз:

Лидия Алексеевна ўзига келгандек бўлди:

- Эслаяпсанми, нима ҳақида гап бораётганлигини? — сўради Борис.

- Эй, Парвардигорим-эй. Бу қанақаси? Ахир булар сенинг Тошкент Телефотинг синовларини протоколи-ку! Қани бу ёққа берчи...

Лидия Алексеевна китобни қўлига олиб унинг муқовасини ўгирди: "Брат мой, враг мой". Митчэл Уилсон. * "Чет эл адабиёти" нашрети. Москва 1959 йил.

- Ахир бу 1928 йил 26 июль куни Тошкентда ўтказган расмий синовларининг айна протоколи-ку!

- Ҳа, Ҳа, Яна минг марта Ҳа! Мен ахир шуни айтаяпманда. Буни қара! Буни қара! - ғазаб ва ҳаяжонда ажабланарди Борис Павлович.

- Қизик, қандай қилиб америка ёзувчиси Тошкентдаги тажрибаларингдан хабар топган экан, - ҳайрон бўлиб сўради Лидия Алексеевна.

- Энг даҳшатлиси шундаки, - эҳтирос билан гапини давом эттирди Борис, -Тошкент ихтиросини америка ёзувчиси ўз қаҳарамонларининг кашфиёти деб ёзаяпти. Ахир одамлар нима деб, ўйлашади! Демак, телевидение Ўзбекистонда эмас Америкада ихтиро қилинган деб, хулоса чиқарадилар-ку. Йўқ, буни шундай қолдириб бўлмайди. Яхшиям ихтирочиларнинг кўпчилиги ҳали ҳаёт. Уларни оёққа кўтариш керак!

*Бу мисралар америкалик ёзувчи - Митчел Уилсоннинг 1952 йили Американинг Бостон шаҳрида инглиз тилида босилиб чиққан "Ака-ука душманлар" номли романининг 10 боб, 2-қисм, 362 бетидан олинди. Хўш, нима қилмоқчисан ? -- Ишни эса, китобни чоп этган Москвадаги "Чет эл адабиёти" нашриётига хат ёзишдан бошлайман, - деди Павел.

- Лекин, кўп ҳам ёзаверма, - овозининг охангини ўзгартирди — Лидия Алексеевна, - яна эски васваса касаллигида айблашмасин сени улар. Ҳозирча сабр - тоқат қилиш лозим..."

Б.Грабовский ҳаммуаллифлари: Саратов университети профессори Виктор Иванович Поповга, Ленинградда яшаётган, зоҳирадаги зобит Иван Филиппович Белянскийга хат ёзади. Яна бир ихтирочи — Н.Г. Пискунов эса уруш йилларида вафот этган эди.

Ҳаммуаллифлар Грабовскийни бир оғиздаи яқдиллик билан қўллаб қувватладилар.

* Муаллифнинг шахсий архиви. Роман "Изобретатель" Тошкент. 168 бет.

* ЎзССР МДА ф. Р-2562. Оп. 3 д. 80, 22 бет. Асл нусха.

* Митчел Уилсон. Роман "Брат мой, враг мой". Москва, Изд. "Иностраннолй литературы". 1956 г. 92 118 бетлар.

Энди биз 1928 йил 26 июлда Тошкентда бўлиб ўтган "Тошкент Телефот"ининг синов тажрибалари стенограммаси ва протоколига мурожаат

қиламиз.

"Тасвирни масофага узатадиган аппаратларни тажриба синовидан ўтказиш протоколи"

1928 йил 26 июль... Тошкент вақти билан соат 12.00...

Ўрта Осиё округ алоқа станциясида Тошкент Телефотининг расмий синов тажрибалари бўлиб ўтади. Аппаратнинг телетасвир тарқатувчи қисми қўшни уйнинг балконида ўрнатилади.*

Муҳандис Григорьев 18 метр баландликдаги устунга антенна ўрнатади. Ва ниҳоят... Тасвир бу гал эфир орқали йўналтирилади..

Нур тарқатувчи электрон трубка ёрдамида телетасвир узатилиб қабул қилинди.

Бу гал экранда Иван Белянский қиёфаси кўринади. У фуражкасини бошидан олиб, қайта кияр эди. Бу рамзий маънода инсониятнинг телевидениедек техник мўъжиза олдида бош таъзими эди. Фуражка экранда тим қора рангда кўринди деб эслашади синов қатнашчилари.

Сўнгра, комиссиянинг кўпчилик аъзолари мажмуанинг тасвир узатувчи қисми (телекамера) олдида кетма-кет келишиб, ўзларини кўз-кўз қила бошлайдилар. Тасвир бир мунча муқим бўлса ҳам унчалик тиниқ эмас эди, деб эслашади синов иштирокчилари. Одамларнинг юзларидан кимлигини аниқ таниш қийин эди. Лекин асосий мақсадга эришилаган эди. Телевизион тасвир тўла электрон усул билан эфир орқали бир манзилдан бошқа манзилга узатилган ва у ерда қабул қилинган эди. Энди ихтирочилар олдида" Телефотни такомиллаштириш ишлари турар эди.

Жаҳонда биринчи тўла электрон тасвир узатилишида қатнашаётганларнинг барчаси бу тарихий воқеадан ниҳоятда ҳаяжонда эдилар. Кўтаринки бир яратувчилик руҳи ҳукм суларди.

1928 йил 4 август куни Тошкентда Жаҳон журналистикаси, ҳусусан телевизион журналистика тарихида ўзининг муносиб ўрнини ҳали-ҳанузгача эгалламаган бир воқеа содир бўлган.

Бу - дунёни ҳайратга солган ака-ука Люмьерларнинг 1890 йили тасвирга олинган "Поезднинг вокзалга келиши" кинолавҳаси Жаҳон кино санъати

тарихида қандай муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса худди шундай, балки ундан ҳам каттароқ аҳамиятга молик бўлган воқеадир.

Хўш, 4 август куни Тошкентда қандай воқеа содир бўлган эди? 20 нчи йилларда Тошкентдаги Романовлар саройи биноси - ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйи ҳамда ҳозирги Республика Давлат Ҳавфсизлиги қўмитаси биноларининг қаршисида ташқи кўринишидан шарқ меъморчилиги анъаналарини ўзида мужассамлаштирган "Ҳива" кинотеатри биноси бўлар эди. Қўл қўйувчилар: Комиссия раиси: Профессор:

Златоврацкий

Комиссия аъзолари: Лукьянов, Михайлов, Копитовская, Визгалин Ўрта Осиё ташаббускор ишчи-техник ихтирочилар жамияти раиси: Михальский Мазкур протоколни тасдиқловчи, синов-тажрибалари қатнашчиси, инженер Копитовская.

1928 йил 26 июл. **

* М.Уилсон. "Душманим акам" романи. АҚШ. Бостон шахри. 1952 йил. ** Мухр. СССР алоқа вазирлиги. Москва почтаменти. Уй- коммунал бўлими. ЎзССР. МДА. Ф.2562. оп.3, д.80. лл. 10-а - 11, Тасдиқланган нусха.

Биринчи келтирилган парча америкалик ёзувчи Митчел Уилсоннинг "Душманим акам" номли илмий-бадвий асаридан олинган лавҳа бўлса, иккинчиси ҳақиқатдан ҳам 1925-1928 йилларда Ўзбекистонлик ихтирочилар томонидан кашф этилган "Тошкент Телефот"ининг синов тажрибалари устида битилган, сўнг сирли вазиятда Москвада йўқолган тарихий ҳужжат — электрон телевидение аппаратларининг синов протоколи ва стенограммалари ҳақида гап борапти. Синчковлик билан ўтказилган текшириш бир нарсани кўрсатди, унга кўра, америкалик ёзувчининг асарида фақат бир нарса ўзгарган, у ҳам бўлса — 1928 йил 26 июл куни Тошкентда бўлиб ўтган воқеа "26 июл эмас" балки " 26 июн " деб ёзилган ҳалос.

Энди Лидия Грабовскаянинг турмуш ўртоғи - Борис Грабовский ҳақида ёзган "Изобретатель"*** - "Ихтирочи" номли повестига яна қайтайлик.

Эри-хотин - Грабовскийларнинг хайрати ва ғзаби, жунбушга келган ҳис-

туйғуларини тушуниш қийин эмас эди.

Ахир бу воқеа америкалик ёзувчи Митчелл Уилсоннинг романи ёзилишидан қарийб чорак аср аввал содир бўлган эди.

Фақат дунёда биринчи бор телевизор экранда кўринган бу қўллар, бу бармоқлар америкалик хоним Виканинг қўллари, унинг бармоқлари эмас, балким тошкентлик, яна ҳам аниқроғи, Шайхонтохурлик уй бекаси Ҳамза хон опанинг 1928 йил бошида экранда кўринган қўллари, бармоқларининг тасвири эди !***

Тошкент "Телефоти"га оид тарихий ҳужжатларда яна бир қўл, яна бир бармоқлар тасвири ҳақида гап боради. Бу 1928 йил 26 июл "Тошкент Телефоти"нинг расмий синовлари куни экранда Борис Грабовскийнинг жуфти ҳалоли - Лидия Алексеевнанинг қўли ва бармоқлари кўринган эди!

Митчел Уилсон "Душманим акам" номли романида профессор Б.Л.Розинг ҳақида, жумладан, яна шундай деб ёзади:

"... Ҳалиги рус борку, эрталаб эслаган эдикми... Розингми-ди... у ахир бу ишни уддасидан чиқа олмаган" ?!

Романдан яна бир парча:

"...Биз Деви билан қидириб, топиш мумкин бўлган илмий-тадқиқот журналларининг барчасини кўрдик. Ҳеч бир жойда бизни йўлдан бораётган тадқиқотларнинг изини ҳам топа олмадик. Уларнинг барчаси ўз мақсадларини механик усулда амалга ошираётганлиги сабабли боши берк кўчага кириб қолган. Лекин бу ишни фақат электрон усулда амалга ошириш мумкин..." *

Эътибор беринг, Митчел Уилсон 1925-1929 йилларда Тошкентлик ихтирочилар томонидан назарий исботлаб берилган, ҳаётда эса амалга оширган ишлар ҳақида 1952 йили қарийб чорак асрдан сўнг чоп этилаган илмий-фантастик романида Америкада амалга оширилаётган кашфиёт деб ёзаяпти.

Кейинроқ романда яна шундай сатрларни учратамиз: "Бизнинг усул ҳали ҳеч кимга маълум эмаслигига мутлақо ишончимиз комил".

Уилсоннинг қахрамони Кен Меллори Б.Л.Розингнинг телевидение мажмуаси электроникага асосланмаган эди, деб таъкидлайди* .

Бу фактлар Америка ёзувчисининг мавжуд бўлган ҳужжатлардан ҳақиқатдан ҳам фойдаланганлиги лекин улар билан тўла таниш бўлмаганлигидан, бунинг устига уларга бирмунча юзаки ёндошганлигидан далолат беради.

Қолаверса, ҳақиқатдан ҳам бу жаҳоншумул воқеа 50 нчи йилларда Америкада, Сан-Францискода эмас балки 20 нчи йилларда Ўзбекистонда, азим Тошкентда содир бўлган эди.

Митчел Уилсоннинг "Душманим акам" романи бадиий асар бўлса ҳам, Тошкентда яратилган кашфиётни бунчалик бузиб кўрсатиш, уни ер куррасининг мутлақо бошқа нуқтасида содир бўлди деб эътироф этиш, инсофдан эмас эди. Юридик нуқтаи назаридан бу илмий, ақлий мулк ўғирлиги эди. Митчел Уилсон. "Душманим акам". Роман. АҚШ. Бостон ш. Учинчи боб. 2-қисм. 92-93 бетлар.

(М. Уилсон "Душманим акам" романи. 10 боб, 2 қисм, 368-369 бетлар. АҚШ. Бостон шаҳри. 1952 йил.)

1961 йил 20 ноябрда матбуотда эълон қилинган муаллиф А.Г.Пресняковнинг:

"Телевидение ҳақида ҳақиқат" номли мақоласида шундай сатрлар бор:

"...Митчэл Уилсон ўз романида телевидение ҳақидаги тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатган. У тошкентлик ихтирочилар кашфиётини америкалик ёш муҳандислар ижро этишди ва умуман телевидение АҚШ да ихтиро қилинган деган нотўғри маълумот берган..."

В.И.Поповнинг "Экономическая газета"да - "Телевидение ҳақида ҳақиқат" номли мақоласи чиққайдан сўнг, уни СССР нинг давлат идораси бўлмиш - КПСС Маркази Комитетига таклиф қилишади. Унга телевидение Совет Иттифоқида (Тошкентда —А.И.) яратилганлигини исботловчи барча ҳужжатларни тўплаш топширилади.

КПСС Марказий Комитети номидан Ленинград вилоят партия ташкилотига хат ёзилиб, бу ишда Белянскийнинг иштирок этиши илтимос қилинади.

И.Ф.Белянский Москва, Ленинград, Саратов архивларида Тошкент

Телефотга оид кўплаб материаллар топади. Профессор В.И.Поповда Б.Л.Розингнинг хатлари, синов тажриба протоколлари ва қатор бошқа қимматли материаллар мавжуд эди. Энг кўп материаллар эса Ўзбекистонда - Самарқанд ва Тошкентда сақланаётганлиги маълум бўлади. И.Белянский ихтироларда ёрдам берган, уларда қатнашган одамлар билан учрашиб, суҳбатлашади.

Яна бир муҳим тафсилот:

Иван Филлиппович Белянский 50 нчи йилларда "Индонезия — СССР" дўстлик жамиятининг котиби лавозимида ишлар эди. Хизмат юзасидан у Иттифоқ ёзувчилар уюшмасининг Чет эл комиссияси томонидан ташкил этиладиган учрашувларида тез-тез иштирок этар эди. И.Белянский Митчел Уилсон билан СССР ёзувчилар уюшмаси ховлисидаги, мазкур уюшманинг Чет эл комиссияси биносида ўтган бир учрашувда бирга бўлишади ва у билан таржимон орқали гаплашишга ҳаракат қилади.

Аммо Митчел Уилсон Чет эл комиссияси ходимлари ва яна аллақандай номаълум шахслар даврасидан сира бўшамайди.

И.Белянский, Митчел Уилсондан романида фойдаланган фактларни қаердан олганлигини сўрамоқчи эканлигини билдирганда, Чет эл комиссияси раисининг ўринбосари:

"Йўқ...Йўқ... Мутлақо мумкин эмас, у сиркаси сув кўтармайдиган одам, сал нарсадан ҳафа бўлади. Кейин, бу бизнинг ҳозирги Америка билан яқинлашиш сиёсатимизга унчалик тўғри келмас эди..." - дейди ва И.Белянскийни бу ниятидан қайтаришга уринади.

Бундан кўнгли тўлмаган Белянский тўғридан-тўғри Комиссия раисининг ўзига мурожаат қилганида, у ҳам худди шундай жавоб беради. Фақат, у бу саволни Америка ёзувчисига енгилроқ, ҳафа қилмайдиган шаклда беришга ваъда қилади. Бундан ташқари роман мухлисларидан бирини китобхонлар конференциясида ёзувчига роман учун техник маълумотларни қайси манбалардан олганлиги тўғрисида савол беришини илтимос қилади. Митчел Уилсонга шундай савол берилади ҳам. Саволга жавоб бера туриб, Митчел

Уилсон маълумотларни жуда кўп патентлардан, шу жумладан рус манбаъларидан олганлигини, энг муҳими у Б.Грабовский ва Н.Пискунов ишларидан хабардор эканлигини билдиради. Шунингдек, гапида давом этиб у, роман бу бадий асар ва ёзувчи барча манбалардан фойдаланиши мумкинлигини билдиради.

* М.Уилсон. "Душманим акам" романи. АҚШ.Бостон ш. 1952 й.

** Л.Грабовская. "Изобретатель" романи. Муаллифнинг шахсий архиви. Тошкент.

*** ЎзССР. МДА. Ф.Р-2562, оп 3, д.64, л1. Журналлардан олинган қирқма фотокопияси.

Всеволод

Гордеев ж-л "Р-Т", №3 (33), "Как рождалось изобретение века" 1967 й.

* Муаллифнинг шахсий архиви. Роман "Изобретатель" Тошкент. 168 бет.

* ЎзССР МДА ф. Р-2562. Оп. 3 д. 80, 22 бет. Асл нусха.

* Митчел Уилсон. Роман "Брат мой, враг мой". Москва, Изд. "Иностранно́й литературы". 1956 г. 92-118 бетлар.

30 нчи йилларда Б.Л.Розингнинг шогирди, Америкага кетиб қолган муҳандис Владимир Зворикин 1933 йилда АҚШда тасвирни узатувчи телевизион трубка - ўз Иконоскопини яратади. У ўз аппаратини Америка радиомуҳандислари съездида намойиш этади.

Америкада, Гарбда телевидение техникасини такомиллаштириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилади. Телевизион техникани механик усулда яратиш йўлидан кетаётган Совет Иттифоқида эса электрон телевидение устида ишлаш бир қатор тўсиқларга дуч келади.

Б.П.Грабовскийга бу иш билан шуғулланишга рухсат берилмайди. Тошкент Телефоти - Москвага, расмий синовларга етмай чил-парчин бўлади. Мураккаб чизмалари, ҳисоб-китоблари бўлган жилд-жилд ҳужжатлар ўғирланади, пировардида эса улар дом-дараксиз йўқолади.

Ленинграддаги А.С.Попов номли Марказий алоқа музейи мудирининг ўринбосари Висленовнинг 1962 йил 22 декабрдаги жавобида шундай дейилади:

"...Марказий алоқа музейи маъмурияти И.Ф.Белянскийдан қатор хужжатлар, фотосуратлар, жадвалларни музейда абадий сақлаш учун олганлигини мамнуният билан қайд қиламиз.

Сизнинг сўровингиз юзасидан эса қуйидагиларии хабар қилмоқчи эдик:

1. Хозир музей экспозициясида 1925 йил 9 ноябрида олинган 5592 рақамли патент, Телефотнинг тасвир узатувчи ва тасвир қабул қилувчи схемалари мавжуд ва улар намойиш қилинмоқда. Аппаратлардан фақат тасвир қабул қилувчи трубкагина бор.

2. Музей экспозициялари қайта тикланаётган 1950-51 йилларда кўрганларнинг гувоҳлик беришларича, Телефот топилмаган. Артиллерия тўпларининг келиб тушиши, вайронагарчилик натижасида қатор қимматли тарихий экспонатлар йўқолган. Телефон ҳам шу сабаблар билан йўқолган бўлиши мумкин... " *

СССР социалистик қурилиши ва Октябрь инқилоби Марказий Давлат архивининг И.Ф.Белянский номига берган справкасида эса шундай дейилади:

"...Сизнинг 1961 йил 7 мартда берган аризангизга биноан шуни маълум қиламизки, СССР Халқ Хўжалиги Олий Кенгашининг Марказий ихтиролар бюроси архиви фондида Сизнинг ихтиронгиз тўғрисида ҳеч нарса топилмади. СССР Марказий Давлат Архиви бўлим бошлиғи Шаронов. Ижрочи - Вдовина 1961 йил 16 март Москва ш. '

Эслатма: СССР Халқ Хўжалиги Олий Кенгашининг Ихтиролар бўйича Марказий Бюроси кейинчалик тарқатиб юборилади. Бу идорада Рамзин промпартиясининг халқ душманлари ин қуришган экан. Улар энг қимматли, ноёб ихтиро ва илмий ишларни чет элга жўнатиш билан шуғулланишган. СССР архивининг берган маълумотларига кўра (ЦБРИЗ) тарқатилаётган пайтида Тошкент Телефотига тааллуқли уларда сақланаётган материаллар ва хужжатлар Иттифоқ архивига топширилмаган.

И.Ф.Белянскийнинг тахминига кўра, Тошкент Телефоти тўғрисидаги 6 папкадан иборат чизмалар, ҳисоб-китоб ва бошқа материаллар чет элга олиб чиқиб кетилган.*

1927 йили радиотелефотнинг "Светлана" заводида тайёрланган нур таркатувчи электрон трубки А.С.Попов номидаги Марказий алоқа музейида сақланар эди. "Светлана" заводида ўтадиган юбилей тантаналари муносабати билан бу трубка 1965 йил 11 январь куни корхонада ўтадиган маҳсулотлар кўргазмасига заводга келтирилади.

Завод маъмурияти кўргазма экспонатлари йиғиштирилаётган пайтда йўқолди, деб трубки Музейга қайтармади.

Хужжатга А.С.Попов номли Марказий алоқа музейи директори учун, деб кимдир, ўқиб бўлмайдиган даражада қўл қўяди.

1972 йил. 16 ноябрь. *

* ЎзССР МДА, ф. Р-2562. Оп. 1 д. 154. 3 бет. Асл нусха фотонусхаси.

ЎзССР МДА, Ф-2562, Оп.3. д. 80, 22- бет.

Икки йил давомида махсус комиссия аъзолари барча хужжатларни синчковлик билан ўрганишади, тирик гувоҳлар билан учрашадилар. Инкор қилиб бўлмайдиган фактлар асосида телевидение Ўзбекистонда, Тошкентда ихтиро қилингани ҳақида ТАСС баёнот беради.

Радиоэлектрон матбуоти халқаро Ассосоцияси президенти Е.Айсберг 1965 йил октябр ойида Франциянинг "Телевисион" номли илмий-техник журналида бу ҳақда мақола эълон қилади.

Унда қайд қилинишича. "...Б.Грабовский, В.Попов ва Н.Пискуновлар томонидан яратилган 100 фойизли электрон телевидение мажмуи ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистонда, 1925 йили яратилган. Бу телевидение мажмуи 1928 йилда расмий синовдан ўтган. Афсуски, бу ихтиро асосан механик телевидение қўллаб қувватланаётган даврга дуч келганлиги сабабли, ўз вақтида унга тўғри баҳо берилмаган..."*

Сабрсизлик билап кутаётган жавоб уч ярим ойдан кейин келди...

1959 йил 30 август ... Ҳурматли Борис Павлович!

Сизнинг 1959 йил 23 май куни ёзган хатингизни олдик. Унда сиз Тошкентда ихтиро қилинган, синовлардан муваффақиятли ўтган, патентлар

олинган ва бу ҳақда матбуотда эълон қилинган ихтирони Америка ёзувчиси Митчэл Уилсон ўз қаҳрамонлари томонидан қилинган кашфиёт, деб ёзганликда айблагансиз.

Сизнинг хатингиз, юборган патентларингизнинг нусхалари мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганилди (шу сабабдан жавобимиз бироз кечикиб юборилмоқда) ва биз сизнинг талабингиз умуман ҳақли, деган хулосага келдик.

Аммо бадиий асар яратган ёзувчининг факт ва рақамларни ўзгартиришга, бадиий тўқимага ҳаққи борлигини ҳам яхши биласиз, деб ўйлаймиз. Тўғри, бу бизнинг фикримиз. Сиз бу фикрларга қўшилмаслигингиз ҳам мумкин..."

"... Сизнинг 1928 йилда катодли трубкалар ёрдамида ҳаракатдаги телетасвирни масофага узатиш юзасидан ўтказган тажрибаларингиз ҳақидаги хужжатларни, илмий тадқиқотларингизни биз зўр қизиқиш билан танишиб чикдик.

Бу ишларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини, Сизнинг ва профессор Грабовскийнинг хизматлари, қилган ишлари муҳимлигини таъкидлаб, биз уларни юқори баҳолаймиз.

Электрон телевидение тараққиётининг дастлабки ривожланиш йилларида амалга оширилган бу ишлар таҳсинга лойикдир.

Бизнинг миннатдорчилигимизни қабул қилсангиз, деб ЮНЕСКО илмий департаменти директори Пьер Наву.

Эслатма. Бизнинг ташкилотда Сизга ва Сизнинг ихтироларингизга шахсий иш очиш учун барча хужжат ва материалларингиздан фотонусхалар олинди. **1971** йил. **16** апрель. Париж шаҳри... " *

"... Радиотехника ва электроника бўйича халқаро Матбуот Уюшмаси (УИПРЕ) ҳаракатдаги тасвирни радио орқали узатадиган ва қабул қиладиган электрон ускуналар учун халқаро Конвенция қоидаларига биноан Б.П.Грабовский, Н.Г.Пискунов ва И.Ф.Белянскийларга берилган 5592 ва 16733 рақамли патентларни Совет телевидениеси ихтирочиларидан бири И.Ф. Белянскийнинг илтимосига кўра, диққат билан ўрганиб чикди.

Бу ишларга бевосита таллуқли ва уларга алоқадор бўлган электрон усул билан тасвирни масофага узатиш 1928 йилда СССР да (Тошкентда — И.А.) жаҳонда биринчи бўлиб амалга оширилганлигини тасдиқловчи барча илмий-техник адабиётлар ва тарихий хужжатлар биз томонимиздан пухта ўрганилди.

А.Урваловнинг шахсий архивидан. Ленинград. Асл нусха.

Бу аппаратда тасвирни узатувчи томонида ҳам, уни қабул қилувчи томонида ҳам катодли трубкалар ишлатилганлиги сабабли дунёда электрон телевидение тараққиётига ўзининг таъсирини кўрсатган электроникага оид техника воситалари тараққиёти тарихини била туриб, биз Б.П.Грабовский ва И.Ф.Белянскийларнинг электрон телевидение тараққиётига қўшган хизматларини инкор этиб бўлмаслигини тасдиқлаймиз.

1971 йил 20 январда юқорида қайд қилинган ишлар СССР Фанлар Академияси томонидан ҳам эътироф этилганлигидан хабардормиз. Бу ишлар тўғрисида Радио ва телевидение бўйича халқаро Ташкилотнинг 1969 йил 6 сонли бюллетенида ҳам батафсил хабар берилган эди.

Юқорида қайд қилинганларни ҳисобга олган ҳолда тўрт ихтирочидан ҳозир ҳаёт бўлган И.Ф.Белянский ўз мамлакати доирасида ҳам, халқаро миқёсда ҳам муносиб тақдирланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Радиотехника ва электроника бўйича халқаро Матбуот Уюшмаси
Президенти Е.
Айсберг.

1971 йил 7 июнь. Париж. *

Шундай қилиб узоқ давом этган катта ва қаттиқ қарама-қаршиликларга дуч келгандан сўнг, кеч бўлса ҳам ҳақиқат тикланди. Ўзбекистон ҳукумати Тошкент Телефотининг уч ихтирочиси - Б.Грабовский, В.Попов, И.Белянскийларга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи" унвонини берди. Уларнинг хизматлари муносиб тақдирланди.

Шундай қилиб, электронлар оқими ёрдамида ҳосил бўладиган ҳаракатдаги ҳақиқий телевизион тасвир биринчи бўлиб Ўзбекистонда яратилганини, бу воқеа 1928 йил Тошкентда содир бўлганини ва бу мўъжиза

бизнинг ҳамюртларимиз томонидан амалга оширилганини Жаҳон эътироф этди.

Тўғри телевидение техникаси кейинги йилларда Америкада, Германияда, айниқса Японияда ниҳоятда илдам суръатлар билан ривожланиб кетди.

Бугунги кунда эса бизни, муҳим бўлса ҳам, ким биринчи бўлиб телевидение техникасини яратгани эмас, балки телевидение оммавий ахборот воситаси, санъат тури сифатида ҳар бир мамлакат, халқ қолаверса бутун инсоният ҳаётида қандай роль ўйнаётгани кўпроқ қизиқтиради.

Бу ҳақда эса кейинги суҳбатларимизда сўз юритамиз.

* ЎзССР МДА, Ф. Р-2562, оп 1. Д 178. 1 бет. Французчадан русчага таржима. Тасдиқланган нусха нусхаси.

* ЎзССР МДА. Ф. Р-2562. Оп. 3. Д 69. 2 бет. Французчадан таржима. Асл нусхаси. УИПРЕ тамгаси мавжуд.

3-Мавзу. ТЕЛЕВИДЕНИЕ, ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА, УНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙУНАЛИШИЛАРИ

1. Телевидение кўрсатуви.
2. "Жонли" кўрсатув.
3. ТВ ва газета.
4. ТВ ва Радио.
5. ТВ ва кино. Умумийлик, ўхшашлик ва ўзига хослик.
6. Телевидение табиати (спецификаси).

"... Воқеанинг шохиди, иштирокчиси бўлдим..." Бу маърузада телевидение кўрсатувлари қандай тайёрланади, улар қандай талабларга жавоб бериши керак. Нима учун айрим кўрсатувларнинг савияси паст. Кўрсатувларнинг таъсирчанлигини ошириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида амалий маслаҳатлар берилади, кўрсатувлар чуқур ва атрофлича илмий - назарий таҳлил қилинади.

Кўрсатувларнинг турлари ҳақида маълумот. Кўчма телевизион станция (КТС) ёрдамида тайёрланадиган тўғридан-тўғри "жонли кўрсатув"ларнинг

Ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтилади.

ТВ нинг ОАВ ларининг бошқа турларидан фарқи нимада? Телевидение ижтимоий-сиёсий ҳаётда, инсон тақдирида ўз ўрни ва мавқеини эгаллаб бўлди, хўш энди газета, радиоэшиттириш, театр ва кинематография қандай шакл ва мазмунда фаолият кўрсатиши ва қандай йўналишда ривожланиши кераклиги тўғрисида сўз боради.

ТВ нинг ўзига хос хусусияти, "спецификаси" - табиати нимада эканлиги конкрет ва ёрқин мисолларда очиқ берилади.

Владимир Саппакнинг "Телевидение ва биз", Д.Миллерсоннинг "Телевидение кўрсатувларини тайёрлаш технологияси" номли ва қатор бошқа илмий - назарий китоблар ҳақида маълумот.

Телевидение ва кино. Келинг, шу ерда 2002 йилда Америкадаги энг нуфузли "Оскар" мукофотига сазовор бўлган бир фильм мисолида бу санъатнинг икки турига хос бўлга хусусиятлар тўғрисида фикрлашиб олайлик.

Америка киноакадемиясининг энг нуфузли "Оскар" мукофотига сазовор бўлган бу фильм ўзбек миллатига мансуб бўлган таниқли Америка журналисти, Колумбия университетининг професори Зулфия Назарнинг "Тафаккур ўйинлари" китоби асосида шу номда режиссёр Рон Ховард томонидан суратган олинган.

Америкалик ватандошимиз Зулфия Назар ҳақида икки оғиз сўз. Зулфия Назарнинг отаси Марғилонлик ўзбек, онаси - немис аёли. Зулфия Мюнхендан 53 километр масофада бўлган Розенхайн шаҳрида туғилган. Унга Зулфия деб исм қўйишади. Зулфияни ғарбда Сильвия деб ҳам чақиришади. Зулфия 5 ёшга тўлганда унинг оиласи яшаш учун Нью-Йоркка кўчади. Зулфияга "Сен кимсан?" - дег берган саволларга у ёшлигидан доимо "Мен ўзбек қизиман!" — дег жавоб берарди.

Зулфия мактабданок ҳикоялар ёзиб юради. Ўрта мактабни у Анқарада тугатди. Ўша йиллари Зулфиянинг отаси Туркияда ишлар эди. Зулфия АҚШ га келиб Вашингтон университетида ўқиб уни муваффақиятли тугатиб бакалавр унвонини олди. Нью-Йоркда ўқиб санъат соҳасида магистрлик унвонига

сазovor бўлди. Мюнхен, Сорбонна университетларида малака оширди. Иқтисодий таҳлил институтида илмий ходим бўлиб ишлади. Зульфия Назар Америкалик машҳур иқтисодчи Нобель мукофоти лауреати С.Леонтьев билан ҳамкорликда "АҚШ нинг ноёб ер ости металлрининг 2035 йилга қадар захираси ва уларнинг иқтисодиётга таъсири" номли китобини ёзади. Зульфия Назар С.Леонтьев билан 3 йил бирга ишлайди.

Энг қизиги шундаки, истеъдодли иқтисодчи Зульфия Назар ёзувчи бўлишни ҳеч ҳам ўйламаган эди. Америка президентлари тарихида катта из қолдирган Рональд Рейган президент бўлиб сайлангандан кейин одатга кўра ўз иқтисодий дастурини эълон қилади. Зульфия Назар эса унинг бу дастурига қарши чиқиб, "Нью-Йорк Таймс" газетасида ўзининг танқидий мақоласини эълон қилади. Бу мақола катта шов-шувга сабаб бўлади. Шундан сўнг мақола муаллифи Зульфия эса "Фортуна" номли йирик бизнес журналига муҳаррир ўринбосари лавозмига таклиф этилади. Шу-шу унинг катта журналистик фаолияти бошланиб кетади. Кейин уни янада нуфузли "Ю.С.Нью энд Ворлд рипорт" журналига ишга таклиф этишади. Журналда у етакчи муҳаррир бўлиб ишлаб, кунига "Иқтисодий истиқболлар" колонкасини чоп этиб боради.

Шундан сўнг Зульфия "Нью-Йорк Таймс" да иқтисодий мавзуларни ёритадиган мухбир бўлиб 10 йил ишлайди. Иқтисодчи сифатида машҳурликка эришган Зульфияни йирик корпорациялар иштирокида ўтадиган иқтисодий семинарларга таклиф этишади.

Унинг "Тафаккур ўйинлари" номли китоби 1998 йили чоп этилиб, шу заҳоти эш машҳур асарга айланади. Китоб "Таржимаи хол" бўлими бўйича журналистика соҳасидаги Америкадаги энг обрўли Пулитцер мукофотга сазовор бўлади.

Китоб бу конкурснинг финалигача бориб етади. Бунинг ўзи асар учун энг энг юксак мукофот эди. Зульфиянинг бу асари кейинчалик кўпгина мукофотларга сазовор бўлди. Америка адабий танқидчиларининг Миллий ассоциацияси мукофоти ҳам ана шундайлардан биридир. Асар кейин қатор чет тилларга таржима қилинади. Англия, Франция, Испания, Голландия, Япония,

Хитойда ҳам чоп этилади. Китоб 3 hafta ичида 50.000 нусхада сотилади. Муаллифлик қалам ҳақи 700 000 долларни ташкил этади. Китобни Россияда ҳам рус тилига таржима қилишга ҳозирлик кўрилмақда.

Китоб ҳақида икки оғиз сўз. "Тафаккур ўйинлари" асарининг бош қахрамони Джон Нэш — 1928 йили Вирджиния штатининг ғарбидаги Блюфильд деган жойида туғилади. Ёшлигидан кўзи-бурни доимо намланиб юрадиган бесўнақайроқ бола балоғат ёшига етгач узун бўйли, қадди-қомати тик, билак-болдиргалари пайдор, қисқаси аёллар диққатини ўзига тортадиган келишган йигитга айланади. Аммо табиатан камтарин, камсуқумлиги сабабли одамлар билан тез киришиб кетаолмас эди. Унинг ақли, тафаккури, идроки шунчалик устун, шунчалик кучли эдики, бу фарқни сезган тенгдошлари ўзларини ундан олиб қочар эдилар. Нэш ҳам ўзини мағрур тутар, ўзининг кескин сўзи, безтироз ҳатти-ҳаракатлари билан уларнинг нафсониятига тегар эди. Буни у очиқчасига ҳам намоёиш этишдан қочмасди.

Джон Нэш 16 ёшдан Карнеги технология институтига конкурсдан ўтади. Аммо ўқитувчилар бу истеъдодли болани ҳеч нарсага ўргата олмаслигини тезда сезадилар. Ва Нэшни "Бу даҳо!" дев, нуфузли Принстон университетига ўтказиб юборадилар. Ёш олим ўз ақли билан дунёни забт этишга жазм қилади. Уни математиканинг мураккаб масалаларидан бошқа нарса мутлақо қизиқтирмас эди. У ўзи билан қизиқаётган аёллар билан мулоқот қилишни ҳам билмас эди.

Джон 21 ёшида докторлик диссертациясини ёқлади. У таклиф қилган математика модели иқтисодиёт, сиёсат ва эволюцион биологияни ўрганишга асос солади. Принстонда ўқиб юрган талабалик йилларидан унинг руҳий касалликка чалинганлиги сезила бошлайди. Айни ўша пайтларда у Нобель мукофотиغا сазовор бўлган диссертациясини ёзади. Бу пайтда касаллик ҳали унчалик ёрқин намаён бўлмаган эди. У эртаю-кеч университет коридорларида Бах мусиқасини ҳиргои қилиб юрар ва ҳаёлан ниманидир мушоҳада қилиб юрар эди. Ва ниҳоят ҳақиқий истедод ва тинимсиз меҳнат ўз натижасини беради.

1951 йили ёш олимни Массачусетс университетига ишга таклиф қилишади. Шу йиллари Нэш биринчи бор уйланади. Лекин бу бахт узоқ давом этмайди. Сўнгра у иккинчи бор уйланади. Энди бошқа кўнгилсиз воқеа унинг бахтига рахна солади. Джон Нэшда руҳий касаллик авж олади. Нэшни гоҳ қўрқув, ваҳима босар, гоҳ унга буюклик ишончи тинчлик бермас, қийнар эди. Джон гоҳ ёш боладай беозор бўлса, гоҳ шафқатсиз безорига айланар эди. У бир ақлини еган телба бўлиб кўринса, бир ҳақиқий донишман, даҳога айланар эди. У телевидение кўрсатувлари, дастурларида, газеталарда чоп этилган мақолаларда қандайдир сирли, яширинган маъно, мазмун бор дер ва унинг тинимсиз кидирав эди. У хонасининг деворларини ана шундай газета қирқимлари билан елимлаб ташлайди. Бу ҳолатда у мутлақо ишлай олмас эди.

Нэшнинг иккинчи хотини - Алиса даҳо деб сифонаётган энг яқин кишисини Вирджиниядаги руҳий касалликлар институтига жойлашга қарор қилади. Институтда унинг ҳақиқий синовлар кутар эди. Жисми инсулин шокига чўкканда буюк олимнинг даҳоларга хос ақли, тафаккури институт деворлари орқасида оғриқ ва азобларга чидайолмай девор ва деразаларни энди ларзага келтириб чинқиради, додлар эди. Аммо шундай интенсив даволаниш ҳам бирон бир натижа бермайди.

Чуқур руҳий касаллик домида у ўзида қандайдир ғайритабиий эркаклик кучини сезади. У хотинидан қочиб, дуч келган аёл ва эркак билан бирга туриб бетартиб ҳаёт кечиради. 1954 йили жамоат жойида номаъқул ҳатти-ҳаракатлари учун Санта Моникада ахлоқ полицияси унинг хибсга олади.

Шундан сўнг аввал у биринчи хотинига қайтади. Унинг бундай ҳатти-ҳаракатларига чидай олмаган хотини 6 ойдан кейин унинг уйдан ҳайдаб чиқаради. Энди у иккинчи хотини Алисага боради. Иккинчи хотини эса унинг яна руҳий касалликлар шифохонасига жўнатади. Алиса ҳам қаттиқ руҳий ҳолатларни, асабийликни бошидан кечиради. 1963 йили у иккинчи хотини билан ажрашади.

Бу пайтларга келиб унинг соғлиги биров яхшиланади. Энди Нэшнинг ҳатти-ҳаракатларида бошқа қандайдир ғалати ҳолатлар пайдо бўлади. У гоҳ кўчада кир-чир юрган дайди кийимида, гоҳ рангбаранг масхарабоз либосида кўзга

кўринар эди. Буларнинг устига устак, бир пайт у ўзини олтинчи қитъа — Антарктиданинг киролиман ва тахтга ўтиришим учун Америка фуқаролигидан воз кечишим керак, деб эълон қилади.

Шундан сўнг унинг соғлиги тўғрисидаги ғамхўрликни Принстон университети олимлари ўз зиммасига олади. Илгариги ҳамкасбларидан камдан-ками уни ёқтирар эди. Лекин уларнинг ҳаммаси Нэшнинг буюк доҳолигига ишонар ва унга ёрдам кераклигини жиддий ҳис қилишар, уни оғир ҳасталик чангалидан қутқариш лозимлигини яхши англашар эди.

Севган хотини Алиса ҳам 1985 йили Нэшнинг соғлиги бироз барқарорлашгач кўнгли юмшаб унга қайтади.

Фильм ижодкорлари Нэш оғир ҳасталикни ўзининг иродаси кучи билан енгди, деган ғояни илгари суришади.

Нэш эса ўзининг касаллиги ҳақида: «...Бу касаллик ниҳоятда мураккаб бир теоремани эслатади ва мен уни 30 йил мобайнида ечишга уриндим...» - деб эслайди.

Нэш соғая бошлаганда Принстондагилар ҳайратга тушадилар. Университет олимлари маслаҳат қилишиб Нэшнинг номзодини Нобель мукофотига тавсия этадилар.

Пировардида касаллик устидан ғалаба қилинади. Ва Нэш Стокгольмга Нобель мукофотини олиш тантаналарига келиб, умрида ҳеч қандай касалликка дучор бўлмаган инсондек олимларнинг катта давраси олдида ажойиб нутқ сўзлайди!

Бахтли якун дерсиз?

Қанийди!...

Фожеа эса давом этмоқда.

Нэшнинг севган хотини Алисиядан туғилган иккинчи ўғли отасидан даҳшатли касалликни мерос қилиб олган. Бу фожеадан даҳшатга тушган Нэш ўзи зўр-базўр чиқиб олган жар домига йиқилаётган ўғлининг аҳволига ночор томошабин бўлиб қараб туришга мажбур.

("Дейли Мейл" газетаси материаллари асосида. 2002 йил ... ойлари.)

Замонамизнинг буюк математик олими, Нобель мукофоти лауреати, 30 йил давомида шезофрениянинг оғир шаклига дучор бўлган Джон Нэшнинг таржимаи холи мисолида даҳолик ва телбалик бир-бирига ниҳоятда яқин ҳолатлар эканлиги китобга асос қилиб олинган. Ва буни ҳам олим, ҳам журналист - Зульфия Назар тезда англаб олади. Нэшнинг ҳаёти билан танишгач Зульфия Назар: «...Эй Парвардигор-ей, Ахир бу юнон трагедияларига ўхшайди! Шекспир пьесаларининг худди ўзи-ку!» - деб юборади. У аввал "Нью-Йорк Таймс" газетасида "Нобель мукофоти лауреатининг йўқотилган йиллари" номли мақоласини чоп этади. Мақола катта шов-шувга сабаб бўлади.

Зульфия Назар китобни ёзишдан аввал Джон Нэшнинг ўзидан, умр йўлдоши Алисиядан, сўнгра уни биладиган жаъми мингдан ортиқ кишидан интервьюлар олади.

Аввал унчалик назар писанд қилмаган Нэш Зульфия ишга жуда жиддий киришганини кўриб унга ҳурмат билан қарай бошлайди. Китоб билан танишиб чиққач эса Нэш Зульфия билан дўстлашади.

Китоб асосида фильм сценарийсини Акива Голдстен ёзади ва фильмда асосан Нэш тақдирининг энг драматик лавҳаларига диққат-эътиборни қаратади.

Фильм яратувчилари илтимосига кўра Зульфия уларга ёрдам кўрсатади, лекин сценарийни ёзишда ўзи бевосита иштирок этмайди.

Режиссёр Рон Ховард китоб асосида тайёрлаган фильмига Зульфия Назар китобининг ўз номини қолдиради. "Тафаккур ўйинлари" фильми Америка киноакадемиясининг "Оскар" мукофотига "Энг яхши фильм", "Китобдан кинога энг яхши кўчирилган сценарий" номинациялари каби энг нуфузли, энг юқори категориялар бўйича 2002 йилда конкурснинг бош совринига ва яна 3 та, жаъми 4 та Оскар мукофотига сазовор бўлади.

Фильмда бош рольни юксак маҳорат билан ижро этган Рассел Кроу гений образини яратганлиги ва бу рольни экранда яратиш унга насиб этганлиги учун Зульфия Назарни катта миннатдорчилик изҳор этади.

Фильмдан энг катта мақсад бу оғир хасталикка дучор бўлган истеъдод тақдирини кўрсатиш ва бундай оғир асаб касалликларига учраган кишиларга

жамоатчиликда ҳамдардлик ҳиссини уйғотиш бўлган ва фильм ижодкорлари бунга тўла маънода эришишган.

Фильмда ҳам китобдагидек, буюклик ва телбалик, ақлдан озиш ва даҳолик, ўз ишига катта ишонч, эътикод ва фаҳрийлик, соғайиш, машҳур бўлиш, яққалик ва кўпчилик диққат марказида бўлиш, умр йўлдошининг сабр-тоқати, айрим ҳоллардаги ирода бўшлиғи ва содиқлик, ҳамкасбларнинг ишончи каби бир-бирига қарама-қарши, лекин қарийб кўпчилик инсонга хос бўлган барча ҳаётий ҳиссиётлар тўлақонли ҳолда аксини топган. Фильмнинг яна бир катта ютуғи бу — даҳоликдан даҳрийликка, буюкликдан телбаликка ўтиш ва шу ҳолатнинг акси яъни телбаликдан буюкликка, даҳрийликдан даҳоликка ўтиш каби мураккаб психологик ҳолат жараёни актёр Рассел Кроу томонидан ниҳоятда ишонарли, табиий ва юксак маҳорат билан кўрсатиб бера олинган.

Олимлар шизофрения билан касалланган математик даҳо миясининг тузилиши билан шу қадар қизиқиб қоладиларки, унинг ролини ҳақиқатдан ҳам юксак маҳорат билан ижро этган 38 ёшли Оскар мукофоти лауреати Рассел Кроу ўз миясини Сидней университетининг анатомия кафедрасига ўрганиш учун бағишлашга шартномага имзо чекади.

4-Мавзу. ЖАҲОН Т Е Л Е В И Д Е Н И Е С И

1. АҚШ ва Европада ТВ
2. Араб ва Марказий Осиё давлатлари ТВси
3. Италия, Россия, Туркия ТВлари
4. Япония телевидениелари ҳақида маълумот.
5. Дунёнинг энг йирик медиа магнатлари тўғрисида. Тед-Тернер, Сильвио Берлускони, Рупорт Мердок ва бошқалар.

1925-28 й. Телевидениенинг ихтиро этилиши, Тошкент, Шайхонтохур маҳалласи, Ҳамзаҳон опа Мирзамухаммедовлар ҳовлисида содир бўлган техник кашфиёт - мўъжиза. "Тошкент телефоти".

1928 й. Германия рейхспочтаси ўтказган тажриба — синов телекўрсатувлари ҳақида.

1936 й. Англиянинг Би-Би-Си телерадиокомпанияси кўрсатувлари тўфисида.

1939 й. Нью-Йорк... Америка Радиокорпорацияси президенти Давид Сарновнинг Умумжаҳон кўрғазмасида айтган тарихий сўзлари: "...Энди биз товушга тасвирни қўшиб кўрсатамиз!"

Телевидениенинг жаҳон бўйлаб зафарли юриши...

1941й - Франция, Голландия, Япония телевидение студияларининг ишга туширилиши.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида жаҳонда ТВ кўрсатувларининг тўхтатилиши ҳақида.

Урушдан кейинги дастлабки йиллар (1950 йил) эса телевидениедек ишга тушириш учун катта маблағ, катта харажатлар талаб қиладиган энг замонавий оммовий ахборот воситаси фақат Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Совет Иттифоқида фаолият кўрсатар эди.

1952 й. - Польша телевидениеси ишга тушади.

1953 й. - Бельгия, Швейцария телевидениелари

1954 й. - Чехословакия, Дания, ФРГ, Италия, ГДР

1955 й. - Люксембург

1956 й. - Австрия, Португалия, Швеция

1957 й. - Ўзбекистон. Тошкент. Шойхонтоҳур телеминорасининг қад кўтарилиши ва Ўзбекистон телевидениесининг ишга тушиши.

1957 й. — Руминия ТВ

1958 й. - Венгрия ТВ

1959 й. — Болгария ТВ

1960 й. - Финляндия, Норвегия телестудиялари ишлай бошлади.

Эй-Би-Си, Си-Би-Эс, Эн-Би-Си, Си-Эн-Эн, ФОКС, Евроньюс, РТФ, РАИ, Би-Би-Си, АРД, ЦДФ (ГДР)нинг "Қора канал" дастури ва унинг бошловчиси Эдуард фон Шнитцлер ҳақида.

ОРТ, РТР, НТВ, ТРТ, ТВ-6, ТНТ, УзТВ, Эн-Эйч-Кей телерадиокомпаниялари ҳақида маълумот берилади.

Японияда япон миллати миллий мафкурасига, миллий маънавиятига

тўғри келмайдиган фильм ва кўрсатувларни эфирга бермасликлари тўғрисидаги махсус кўрсатма ҳақида.

1982 йил. Ироқ - Кувайт уруши. Богдод. АҚШ нинг "Саҳродаги бўрон" операцияси...

Америка ҳарбий самолётлари томонидан Боғдодни бомбардимон қилиш арафасида Ироқ пойтахтини барча дипломатик ва халқаро миссиялар, журналистлар ташлаб чиқиб кетишади. Лекин Боғдодда фақат Си-Эн-Эн телекомпаниясининг мухбири Питер Арнест билан оператори қолади. Улар Боғдодни бомбардимон қилиниши ҳақида ўзлари яшаётган меҳмонхона деразасидан туриб бутун жаҳонга тўғридан-тўғри жонли репортаж олиб борадилар.

Вашингтон. Оқ уй. Президент қабулхонаси... Президентнинг ёрдамчиси АҚШ мудофаа вазирининг: "...Мени Президент билан уланг, унга айтадиган муҳим гапим бор,-деганига шундай деб жавоб беради: "...Кечирасиз, Президентни телефонга чақириб бераолмайман. Президснт жаноблари ҳозир Си-Эн-Эн орқали Богдоддан тўғридан-тўғри репортаж ни кўраяптилар."

1991 йил. Октябр. Тошкент. Ўзбекистон СССР Олий Совет 7 нчи сессияси. Собиқ Марказ тарбиялаган ва тезлаган партия-совет номенклатураси томонидан Ўзбекистон Президентини ағдаришга бўлган уринишлар. Тўғридан тўғри трансляция.

1994 йил 3-4 октябр. Москва. Оқ уй. Останкино телемаркази мажмуи... Си-Эн-Эн телекомпанияси жойлашган бино томига ўрнатилган телевизион камералардан туриб бутун жаҳонга трансляция қилиш.

1998 йил 16 феврал куни Тошкентда содир бўлган портлашларни бир чет эл телекомпанияси мухбири томонидан Ўзбекистон ОАВ ларидан 17 мингунг илгари Жаҳонга берганлиги ҳақида.

Москвадаги Россия парламенти жойлашган Оқ уйга Россия ҳукумати қўшинларининг ҳужумини танк тўплардан ўққа тутилишини, Останкинога қилинган ҳуруж ва бошқа тўполонларни Жаҳон АҚШ нинг Си-Эн-Эн компанияси орқали кўрганлиги ҳақида.

2001 йил 11 сентябр ... Нью-Йорк. Жаҳон савдо уйининг 110 қаватли қўшалок биноларига террорчилар бошқараётган самолётларнинг келиб урилиши...

Вашингтон... Пентагон биноси... Си-Эн-Эн телекомпаниясининг тўғридан-тўғри трансляцияси ҳақида.

АҚШ да 1800 дан зиёд телекомпаниялар мавжуд бўлиб, улардан бирортаси ҳам давлатга тегишли эмас. Давлат департаменти томонидан маблағ билан таъминладиган ягона телерадиокомпания "Америка овози" бўлиб, унинг АҚШ ичкарасига ахборот тарқатиш ҳукуқи йўқ. Давлат шунингдек ўз наشريга, радио ёки телевизион органига эга эмас. Америкада 4 та жамоатчилик умуммиллий телевидение тизими фаолият кўрсатади. Улар давлат томонидан сезиларли даражада молия билан таъминланади. Улар жамоатчилик кенгаши томонидан назорат қилинади.

Эй-Би-Си (Америкен бродкастинг корпорейшн),

Си-Би-Эс (Колумбия бродкастинг систем),

Эн-Би-Си (Нейшенл бродкастинг систем),

ФОКС телевидениеси тизими,

Америкада Оммовий Ахборот Воситалари ҳукумат фаолияти устидан ўзига хос "қўриқчи кўппак" вазифасини бажаради, халқнинг кўзи, қулоғи ва тили сифатида фаолият юритади.

Американинг Си-Эн-Эн телекомпанияси ва унинг эгаси Тед Тернер ҳақида маълумот. Сувда елканли қайиқ (яхта)да учиш бўйича 1977 йилги Америка чемпиони, телебошловчи Тед Тернер ўз капиталини телебизнесда тўплади. Унинг отаси ҳам миллионер эди. Тернер 1970 йили Атланта шаҳридаги инкирозга юз тутаётган маҳаллий телестудияни сотиб олади. Сўнгра Ернинг суний йўлдоши орқали Америка кабель тизимига уланган барча телестудияларига ўз кўрсатувларини трансляция қилишни йўлга қўйди. 1986 йили Ти-Би-Эс ("Тернер Бродкастинг систем") телестанцияси бори-йўғи 35 оилага хизмат кўрсатар эди. 1980 йилда Тернер "Си-Эн-Эн" ("Кейбл ньюс нетуорк") номи билан юритиладиган янги телевизион студия ташкил этади. Шу

йилдан бошлаб у Ернинг сунъий йўлдоши орқали ҳамон ўша 35 оиладан иборат аудиторияга ўз кўрсатувларини бера бошлайди.

Тед Тернер нафақат таниқли телеахборот дастури бошловчиси, балки бугунги кундаги кудратли Си-Эн-Эн умумжаҳон телеахборот тизимининг эгаси ҳамдир. У ўз ахборот дастурларини сунъий Ер йўлдошлари орқали Ғарбий Европа, Лотин Америкаси ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига трансляция қилади.

Си-Эн-Эн ўзига хос ахборот бериш услубини яратди. Битта ахборот бир суткада бир неча бор қайтарилиб, ҳар гал тўлдирилаган, янгиланган ҳолда, таҳрир қилиниб бериб борилади. "...Сиз ниҳоятда бой ва обрўли шахссиз, катта давлат лавозимларидан бирига ўз номзодингизни кўрсатсангиз албатта ғалаба қозонар эдингиз, нега шундай қилмайсиз? - деган саволга Тед Тернер: "...Жаҳон жамоатчилиги фикрини шакллантириш бирон бир давлат раҳбар лавозимларига қараганда анча муҳимроқ ишдир!..." - деб жавоб беради.

Си-Эн-Эн ўз янгиликларини бутун дунё бўйича тарқатади. Нью-Йорк-Токио телекўприги ёрдамида кунига 17 соат ҳажмида Япония Си-Эн-Эн кабель телевидение орқали ўз кўрсатувларини трансляция қилади.

Канаданинг 2 миллион телетомошабини (абоненти) Си-Эн-Эн нинг "нон-стоп" ахборот дастурини кечасию-кундузи Атлантадан қабул қилади.

Тед Тернер ўзининг умумжаҳон ахборот телехизмати "Интелсет" номли Ернинг сунъий йўлдоши орқали Италия жанубидаги шаҳар-қишлоқлардан тортиб, йўл йўлакай Франция, Шарқий Европа мамлакатларидан ўтиб, то шимолдаги Финляндиягача ахборот тарқатиш лойиҳасини таклиф этди.

Бу лойиҳа амалга ошгач "Америка овози" ёки Англиянинг "Би-Би-Си" умумжаҳон янгиликлар хизматига қараганда ҳам тезкор ва салмоқли ахборот тарқатиш хизмати бўлар эди. Европа лойиҳаси учун Тед Тернер 250 миллион доллар миқдорида маблағ ҳам ажратиш ниятини билдиради.

1985 йили Канн ва Париж шаҳарларининг энг нуфузли отелларида ўз тажрибасини синаб ҳам кўрди. Тернер ўз телеахборотини Европа мамлакатларига бепул беришга ҳам тайёр эди.

Тед Тернер ўз лойиҳаси билан Европага Американинг глобал мақсадларини, унинг турмуш тарзини олиб келмоқчи бўлди.

1985 йил 15 сентябрида Си-Эн-Эн Атлантадаги штаб хонасидан Гарбий Европага 90 кун бепул телесигнал берабошлади ҳам.

- Тед Тернер, - Гастон Торн,

- Сильвио Берлускони, - Борис березовский

- Руперт Мердок, - Леонид Гусинский

- Жером Сайду, - Фирдавс Абдуҳолиқов

- Роберт Максвелл, - Шухрат Аҳмедов

Буларнинг барчаси телевидение орқали аҳоли нима кўришини ҳал қиладиган Медиа магнатлари бизнесменлардир.

Италияда Сильвио Берлускони қарамоғида 3 та телесеть мавжуд. Булар: 5-Канал, "Италия-1", "Ретекуатро" номли телерадиокомпаниялардир.

Руперт Мердок Австралиялик миллиардер бўлиб 1985 йили Америка фуқаролигини қабул қилиб бу ерда ўз телебизнесини бошлаб юборди. АҚШ нинг 20 фойиз ҳудудини қоплаган 6 та регионал телестанциясининг эгаси. У шунингдек, Лос-Анжелесдаги "XX аср - ФОКС" номли таниқли Голливуд киностудиясига ҳам эгадошлик қилабошлади.

Аҳоли дидини шакллантириш ва бизнесда катта даромад қилиш бир бирига анча зид бўлган фаолиятлардир. Америка кино ва телевидениеси мана шу икки тушунчанинг ўртасида гоҳ у томонга қараб, гоҳ бу томонга қараб чайқалиб, турадиган ОАВ лари, санъат турларидир.

Жаҳонга машҳур киносанъаткорлар—кинорежиссёрлар Феллини, Скуола, Рози Феррари ўзларининг фильмлари телевидение орқали намоёиш этилаётган найтда реклама берилиб бўлиниб тургани ва бадий асарни қабул қилиш психологик ҳолати, унинг телетомошабинларга бадий таъсири бузилаётганлиги учун Сильвио Берлусконини судга берганлар.

Италия миллий аудиториясининг 80 фойизи С.Берлусконининг 3 та канали орқали дунёда содир бўлаётган воқеалардан воқиф қилади.

Берлускони кўплаб давлатлардаги телеканалларни сотиб олган.

Италиялик ношир Арнольдо Дондадори ўзининг "Ретекуатро" 4-хусусий канали акциялар пакетининг ярмини 105 миллиард лир (65 миллион АҚШ долаларига яқин) Сильвио Берлусконига сотган.

Италиялик ва ватиканлик мафиялар жиноий гуруҳининг собиқ ҳазиначиси, сицилиялик банкир Микеле Синдона машҳур "П-2" массонлар ложаси билан боғлиқ бўлган жанжалдан сўнг ложа бошлиги Личо Джелли мамлакатни ташлаб Лотин Америкасига қочиб кетади. Банк директори Роберто Кальвини эса Лондондаги катта кўприк остида осиб кетишади. Синдонини эса фирибгарлиги учун АҚШ да 25 йилга қамоққа ташлайдилар. Сўнгра қаттиқ назорат остида қамоқ муддатини ўтаётган Синдонини ҳам заҳарлаб ўлдиришди.

"Монд" газетасининг ёзишича (22.XI.85 й.) "П-2" номли машҳур массонлар ложаси аъзолари рўйхатида Сильвио Берлусконинг номи ҳам бўлган. Лекин у ўзини бу жанжаллардан безавол олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлади. Берлускони банкдаги кредитини ҳам сақлаб қола олган.

Сильвио Берлускони оддий камбағал оиладан чиққан. 1987 йили 50 ёшида у кўчмас мулк сотиш бўйича агент бўлиб ишлаган.

1985 йили у Испаниядаги 3 та энг йирик хусусий телесетнинг биттасини сотиб олиб унинг тўлақонли эгаси бўлди. Бу Берлусконига келажакда Лотин Лмерикаси мамлакатларига эшик очиб беради.

1985 йилнинг декабрида Берлускони 3,6 миллиард долларга Испаниядаги кинофильмлар ишлаб чиқарадиган бир қатор етакчи хусусий киностудияларни сотиб олади.

"Монд" газетасининг ёзишича 1986 йилнинг феврилида 40 % акцияларини сотиб олган Берлускони Франциянинг 5-хусусий телеканалини ҳам бошқара бошлайди.

Франциядаги прогрессив жамоатчилик: "Агар биз давлат бошига келсак биринчи навбатда Бурлусконини мамлакатдан ҳайдаб чиқарган бўлур эдик - деб баёнот берадилар.

Шундай қилиб 50 ёшида кўчма мулк сотиш бўйича бўлган оддий агент (1987 й.) 65 ёшга келиб (2002 й.) Италия ҳукумати бошлиги, Италия бош

вазири лавозимигача кўтарилди.

Бу сердаромад телебизнес билан катта сиёсатнинг уйғунлашишидан пайдо бўладиган мўжизалардан биридир.

Италия бош вазири Сильвио Берлускони замонамизнинг энг ёрқин, энг мураккаб сиёсатчиларидан биридир. Унинг табассуми ҳақида ОАВ шундай деб ёзишади: "...Жилмайса қуёш чикқандек, ҳамма ёқ ёришиб, чараклаб кетгандай бўлади. Бу табассум кишини беихтиёр ўз асрига олади. Хатти-ҳаракатлари ишончли, кескин. Италиянинг анъанавий сиёсатчиларига хос - ўткир сўзли."

Европа сиёсатчиларининг айримлари уни "масхарабоз", "варвар", деб мазах қилишади, Муссолинига ўхшатишади ва: "...Уни қамокхонанинг баланд битов деворлари соғиниб ётибди", - дев заҳарханда қулишади. Сильвия Берлусконининг иши 4 марта терговда бўлган. Лекин, ҳар гал унинг ҳимоячилари ғолиб келишиб жиноий ишдан сақлаб қолишган.

У Италиянинг энг бой кишисидир. Қурилиш бизнеси ва савдо-сотиқ ишларидан ташқари унинг қарамоғида қудратли ОАВ си - телевизион тармоқ ҳам бор. Италиядаги 30 та газетани назорат пакетлари ҳам С.Берлусконининг қўлида. Душманларининг айтишларича, у қамокдан қутулиш учунгиа катта сиёсатга аралашган ва Италия Бош вазири лавозимини эгаллаган. Бу гапларга қарамасдан Италияда барибир уни яхши кўришади. "Сильвио худди ўзимизга ўхшаган инсон, шунинг учун биз уни яхши кўрамыз"

- дейишади италияликлар. Берлускони биронта футбол ўйинини ўтказиб юбормайди.

Оддий халққа ўхшаб пиццани хуш кўради. Ўз сайловчилари билан ҳам тез-тез мулоқотга

киришиб туради. Италия бизнеси тарафини олиб, Европанинг барча сиёсатчилари билан

қаттиқ ва кескин бахслашишга, ташлашишга доимо тайёр.

Берлускони Италияни мустақил, ўзига хос давлат бўлишини, сиёсатини мустақил юритишини хоҳлайди, ўз юзини йўқотиб юборишига қарши, у айниқса италияликларни европаликлар билан сингишиб кетишига кескин

қарши чиқади.

Сильвио Европа маданияти Ислом маданиятидан юқори, деган ғояни илгари суради, иммиграция масаласидаги фикри уни ирқчи, деб айблашга асос берса ҳам, булар унинг обрўйини ҳеч ҳам туширгани йўқ.

Рақиблари унга гард юкмайди,- дейишади. Берлускони 3 та нарсани хуш кўради:булар - тартиб, барқарорлик ва ота-боболар анъаналаринининг муқаддаслигидир.

Италияда сўнгги 50 йилда 50 нафар Бош вазир алмашди. Йилига биттадан бош вазир тажрибасига барҳам бериш керак, дейди Сильвио Берлускони.

Рақиблари уни шафқатсиз яккахокимликда, диктаторликда айблашишади. У ваъда беришда устаси фарангдир. Берлускони бажариши қўлидан келмаса ҳам халққа маъқул бўладиган сайловолди ваъдаларини беравериш керак, усулида йўл тутиб сайловда ютиб чиқди ва ҳукумат бошига келди. У мамлакатда порахўрликни тугатишга ваъда беради. Касаба иттифоқига 1,5 миллион янги иш жойи, табдиркорларга бюрократик чекловларни олиб ташлашни, ўрта қатламга эса солиқларни камайтиришни, футбол ишқибозларига ўзи қўллаб-қувватлаётган миланликларнинг севимли футбол клуби командасининг кетма-кет ғалаба қилишларигача ваъда қилди.

Журналистларининг фикрича, Италияликлар ўз бош вазирининг ваъдаларига қараганда, унинг ўзига кўпроқ ишонадилар, сабаби Берлусконининг домио омади келиб туради.

Ўз бизнесини аввал мактабда шпаргалка сотишдан бошлаган С.Берлускони кейинроқ "Тадбиркорликдаги катта муваффақиятлари учун" каби мамлакатнинг энг нуфузли ҳукумат нишони совриндори бўлди.

Келиб чиқиши оддий бўлишига қарамай (унинг отаси банкнинг оддий хизматчиси эди) у Европанинг энг бой кишисига айланди. Арзон кафеларда ўтириб гап сотадиган бекорчилар: "Сильвио бахт қушининг думидан шундай махкам тута биладикки биронта патини ҳам қўлдан чиқариб юбормайди, баччағар. У билан бизнинг ҳам омадимиз келиб қолар " - дейишади.

Ёлғон ганириб ишини битириб оладиган одамни эса бутун Италияда ҳеч

ким фирибгар деб атамайди. Бунга эришмоқчи бўлган одамнинг бундай ҳатти-ҳаракатига шунчаки катта бир гуноҳ, деб ҳам қарамайди.

Шунинг учун ҳам Италияликларни энг яхши кўрган мақолида: "Агар Сен алдашни билмасанг, нимага қодирсан ўзи!" - дейилади. Бошқа бир вариантда эса: "Агар алдаш қўлингдан келмаса, нима қўлингдан келади!"

Берлускони: "... Мен сиёсатчилар билан эмас халқ билан шартнома тузганман, дейишни яхши кўради. Берлускони жуда чапани одам. Бир кун, журналистларнинг "...Бўйингиз паст бўлгани сабабли, сиз пошнаси баланд бўлган пойафзал кийиб юрасиз,"

- деб айтган айбловларига жавобан Италия Бош вазири ҳамманинг олдида шартта туфлисини ечиб, пойафзалининг пошнаси қалин эмаслигини намоёиш этади".

У оддий, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган шахс. У мактабда ўқиётган пайтларида синфдошлари учун назорат ишларини ёзиб донг таратган эди. Милан университетининг юридик факультетини аъло баҳолар билан битирган Берлускони адвокат бўлишни унчалик хуш кўрмади. Ва биринчи имкониятдан фойдаланиб у ўзини бизнесга урди. Узининг қурилиш компаниясини ташкил этди. Миландаги "Линита" аэропорти ёнидаги катта шовқин билан қўнишга кетаётган самолётлар коридори остидаги ерларни сотиб олди. Шу ерларга ҳашаматли уйлар, маҳаллалар қураман, деганда бу "бироз ғалатироқ тадбиркор" устидан миланликлар роса кулишган эди. Бахтга, омадга қарангки, уйлар қурилиши тугагач, самолётлар ҳам қўниш йўналишини ўзгартирди. Шундай қилиб арзон-гаровга сотиб олган ерлар ва уйларнинг нархи осмон баробар ортади.

Берлускони ҳаётида коррупция билан боғлиқ биринчи жанжал содир бўлади. Аммо тергов жинойт мазмуни йўқлиги сабабли иш тўхтатилади.

Берлускони ўзини сиёсий тадбирларни ташкил этувчи шахс сифатида айниқса ёрқин намоён қилди. У янги типдаги "Италия Олга!" номли партиясини ташкил этди. Халқ ичида обрў орттириш мақсадида 80 нчи йилларда унчалик машҳур бўлмаган "Милан" футбол клубини ўз хомийлигини олиб, унинг оёққа

туриши учун бир йилда 20 миллион доллар маблағини сарифлади. Кўп минг сонли клубларини у сайлов учаскалари сифатида фойдаланганда эса харажатлар бир неча бор ўзини оқлади, деса бўлади.

Ўз қўли билан ташкил қилган телевидениеси эса тарғибот-ташвиқот майдонига айланди. Сайлов олдидан ўтказилган кўп телекўрсатувларнинг бирида, у "...Мен ўз шахсий муваффиқиятимни бутун мамлакатим, бутун халқимнинг муваффиқиятига айлатираман,- деб ваъда беради. Ва ўз сайловчилари билан ҳамкасбларининг кўзи олдида шартномага имзо чекади ва "...Мен бу контрактни ётоқхонамга осиб қўямай, сабаби мен кечаси ҳам халқимни ўйлашим керак" — дейди. Бундай сиёсатчи дунёёга маъқулми, йўқми барибир у ҳақда ҳозир кўп ёзишмоқда.

Сўнгги пайтларда Сильвио Берлускони Владимир Путин билан 4 марта учрашди.

Австралия Оммовий Ахборот Воситалари. "Менинг компаниям - бу яхшими ёки ёмонми, бундан қатъий назар бу менинг фикрим, менинг характерим, менинг ёндошишим, менинг ўйим - ёдим, менинг қадриятларимдир". Бу, бор-бўйича, очиқчасига айтилган сўзлар Жаҳон Медиа - бозорининг асосий фигураси бўлган Руперг Мердокка тегишлидир.

Австралия ОАВ ларининг асосий муаммоларидан бири бу мамлакат Медиа бозоридаги барча ҳокимият битта оила қўлида марказлашганида. Мамлакат бозоридаги барча Медиа корпорациялари — Невс Корп. Руперт Мердокнинг ўғли — Лэчлэн, Бродкастинг энд Рублишинд Лтд. Кэри Пакернинг ўғли Джеймс, (Джон Фэйрфакс эса Фейрфакс директорлар кенгашининг аъзосидир) қўлида мужассамлашгандир.

Руперт Мердок. Ҳозир Австралия, шунингдек, бутун Жаҳон Медиа бозорида биринчи ўринни Руперт Мердокнинг Невс Корп.Лтд корпорацияси биринчи ўринни эгаллайди.Бу Медиа магнат 1987 йили Австралиянинг "Геральд и Уикли Таймс Груп" нашриёт концернини сотиб олгандан кейин "Матбуот қироли" унвонини қўлга киритди. Айтгандек, "Матбуот қироли" деган унвон унинг ягона унвони эмас, газета ва журналларда уни тез-тез

"Ахборот цирки халқаси"нинг ягона хукмдори", "газета шоҳзодаси" ёки "Австралия арслони" деб ҳам атайдилар.

Невс Корп. Дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам турли коммуникация корпорацияларига, телевизион каналларига, радиостанцияларга ҳамда "XX аср Фокс номли Американинг бош телевидение ва кино студиясига ҳам эга. Хозир Руперт Мердок компанияси Австралия газета бозорининг қарийб 60 фоизини назорат қилади.

"Австралия арслони" ўзининг Медиа империяси қурилишини 1952 йили унчалик катта бўлмаган меросга қолган Невс Лимитед ноширлик компаниясидан бошлади. Бу ярим асрдан зиёд вақт муқаддам бўлиб, омма орасида кенг маълум бўлмаган ва умуман келажаги йўқ, деб ҳисобланган ишдан бошланган эди. Бу нашрга муҳолифатда бўлган газета эса агар Мердок ва унинг онаси бу нашрни арзон баҳода ўзлари сотиб юбормасалар Мердоклар оилавий бизнесини умуман йўқ қилиб юборамиз, деб дағдаға қилувчи хат юбордилар.

Шунда ҳали ёш бўлган Мердок қора-бозорнинг ёзилмайдиган барча қонун-қоидаларни бузиб, шундай йўл тутди. У ўз газетасининг биринчи саҳифасида: "Матбуот монополиясига дағдаға!" сарлавҳа остида муҳолифларининг ҳати матнини эълон қилиб юборади. Мердок мақолада онасига юборилган яширин хатнинг фотокопиясини ҳам беради. Мердок бу мақоласи билан Аделаиданинг нуфузли дев ҳисобланган клублари эшикларини ўзига ёпиб қўяди. Аммо газеталар ўртасида авж олган жангда у голиб чиқади, кейинроқ эса у ўз муҳолифини синдириб ўзига қўшиб олади ҳам.

Ёш Руперт Мердок шундай одам эди. У барча қонун-қоидаларни бузадиган, ҳеч нарсадан тап тортмай қўл остида бор бўлган барча имкониятлари билан уруш олиб борадиган ва қарийб ҳар гал голиб келадиган шахс эди. Мердок учун ишбилармонлар дунёси бу қонун-қоида нима эканлигини билмайдиган, уни тан ҳам олмайдиган, лекин ҳар бир дарахт орқасида битта хавф турган джунгли эди. Бу джунглига кирар экан Мердок ўз олдига битта, у ҳам бўлса шу дунёдаги "ҳайвонларнинг подшоси" бўлишдек

мақсадни кўяди. Унинг худди ўша мақсади, нияти Невс Корпорейшен компаниясини битта кишига тўла бўйинсинадиган жаҳондаги энг йирик ОАВ империясига, кўнгил очадиган ва хордиқ чиқарадиган энг катта ва ягона индустрияга айлантиришга имкон берди.

1964 йили Невс Лтд. "Острейлиен" номли хар куни чиқадиган Австралиядаги биринчи миллий газетасини чоп эта бошлади. 60 йиллар охирида у Невс оф ве Ворлд ва Ве Сун каби иккита инглиз газетасини сотиб олиб Буюк Британияга юриш бошлади. Невс Корп "Острейлен" газетасидан ташқари яна юзлаб бошқа газеталарни чоп этади. Бундан ташқари унинг Англияда яна 5 та газетаси бор. Уларнинг орасида 1981 йили сотиб олган Лондонда чиқадиган энг нуфузли "Таймс" газетаси ҳам мавжуддир.

1985 йили Американинг 13 та журнаlinesи сотиб олади. Улар орасида "Нью-Йорк пост", "Чикаго Сан Таймс" каби энг нуфузли газеталар ҳам бор.

Мердок сўнгги пайтларда диққатини телевидениега қаратди. 1985 йили компания АҚШ да телевидение кўрсатувлари ҳамда кинофильмлар ишлаб чиқарадиган ХХ аср Фокс компаниясини сотиб олди. 1986 йили Невс Корп. Американинг 4 нчи умуммиллий телевидение тармоғини ташкил этиши ҳақида эълон беради. 1987 йили эса ҳафтада бир марта эфирга чиқадиган прайм-тайм (тиқилинч пайт) кўрсатуви пайдо бўлди. Хозир эс., Американинг ABC, NBC, CBS каби учта энг йирик умуммиллий каналлари билан бемалол рақобатлашаоладиган телеканаллардан бирига айланди. Мердок пайдо бўлгуига қадар Америка медиа бозорида у билан беллашаоладиган биронта телеканал бўлмас эди. Мердок эса бу анъаналарни бузишга муваффақ бўлди.

Даромади пасайиб кетаётган компания ўз рейтингини сақлаб қолиш мақсадида бепул, текин газета нашр этишга қарор қилди. Бир компания текин газета чиқара бошлагандан кейин, иккинчи газета ҳам текин газета чиқара бошлади. Лекин бу рақобатдан фойда бўлмагач, улар ўзаро келишишга мажбур бўлдилар. Шундай қилиб компаниянинг бири эрталаб бепул газета чиқарса иккинчиси тушдан кейин чиқара бошлади. Бу рақобатнинг нима билан тугаши номаълум. Бу ни вақт кўрсатади.

ЯПОНИЯ телевидениеси. Сўнгги йилларда ўтказилган социологик тадқиқотлар хулосасига кўра, японияликлар кунига 3,5 соат телевизор кўрадилар, газета ўқишга эса 40 минут вақт ажратадилар. Ойлик абонент тўлови ҳисобига фаолият кўрсатадиган Эн-Эйч-Кэй телерадиокорпорациясига тижорат узатувлари ҳамда реклама ҳисобидан ҳам маблағ тушади. Эн-Эйч-Кэй корпорацияси иккита ўрта тўлқинли радиоканал ва иккита телевизион каналлардан иборат бўлган умуммиллий тармоқдир. Эн-Эйч-Кэй корпорацияси Ернинг сунъий алоқа йўлдоши орқали кунига 24 соат кўрсатувларини намоиш этади. Ҳозир чет мамлакатларда яшовчи 98 фойиз японлар ушбу каналнинг барча кўрсатувларини кўра олади. 1999 йилнинг март ойидаги ҳисоб-китобга кўра, Японияда 127 тижорат телевизион компанияси бор эди. Ҳозир эса уларнинг сони 1,5 баробарга ошган. Бу компаниялар Ердан телетасвир узатиш тармоғи орқали фаолият юритади. Уларнинг кўпчилиги қисми, шу жумладан Токионинг 5 та энг йирик телерадио станцияси, япон газеталари билан ҳамкорлик қилди.

Эн-Эйч-Кэй (Нихон-хосо-кекай) Япониядаги энг йирик, ярим давлат телевидение ва радио корпорациясидир.

Японияда радиоэшиттиришлар 1925 йили уч станция орқали берилган бошланган. Кейинчалик эса, яъни 1926 йилда Токио, Осака, Нагоядаги шу уч станция биригиб Эн-Эйч-Кэй корпорациясини ташкил қилди.

1950 йилда "Телерадио тўлқинларини тарқатиш ҳақидаги қонун" қабул қилингандан кейин Япониянинг ягона узатув корпорацияси мақомини йўқотган Эн-Эйч-Кэй корпорацияси ўз фаолиятини янада кучайтириш мақсадида ягона принциплар ишлаб чиқиб, шу асосда ишлай бошлади.

Эн-Эйч-Кэй корпорацияси 1953 йилдан тўхтовсиз ўз телекўрсатувларини намоиш эта бошлади. Ҳозир у 2 теле ва 3 радиоканаллари орқали умумжаҳон ва ҳудудий узатувларини амалга оширмоқда. Эн-Эйч-Кэй 1987 йилдан бошлаб Ернинг сунъий йўлдоши орқали узлуксиз кўрсатувлар олиб боради. Бундан ташқари чет мамлакатларга 22 тилда жаъми - 49 соат кўрсатувлар узатади.

Корпорациянинг барча харажатларининг 97 фойизини Эн-Эйч-Кэй

хизматларидан фойдаланган телетомошабинлар абонент тўлови орқали тўлайди. Бу корпорация давлат ёки тижорат ташкилотларидан инвестициялар олмайди. Йилига 1,9 миллиард доллар (иен) субсидиялаштириладиган қисқа тўлқинли чет эл радиоузатувларидан ташқари албатта.

Эн-Эйч-Кэй корпорацияси ҳукумат томонидан назорат қилинмайди. Бироқ корпорациянинг ўзи унинг кўрсатувлари ҳукуматнинг талабларига жавоб берадиган ва юксак мақсадларга хизмат қиладиган кўрсатувларни яратишни кузатувчи 118 кишидан иборат бўлган МКБ ни яъни марказий консультация бўлимини ташкил қилган. МКБ таркибига турли касб эгалари аъзо бўлганлар. Ўқитувчи, деҳқон, журналист, шифокор, спортчилар ва ҳатто истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилот вакиллари ҳуллас жуда кўп касб эгалари ҳам кирган. Ва шу "танланганлар" бир ойда бир маротаба Эн-Эйч-Кэй маъмурий, техник ва ижодкор бош ходимлари билан учрашиб, йиллик теле ва радио узатувлари сифати ҳақида муҳокама уюштирадilar. Қарор қабул қилишга ҳақли бўлган корпорация бош бошқармаси эса 12 кишидан иборат. Улар Япония парламентининг икки палатаси томонидан тасдиқланиб бош вазир томонидан тайинланади. Бошқарув кенгаши корпорация президентиини ишдан олиш ва тайинлаш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Бутун Япония бўйича 53 та шундай ташкилот ташкил этилган бўлиб, улар Эн-Эйч-Кэй корпорациясининг ишларини сарҳисоб қиладилар. Бу эса ўз навбатида радиотингловчи ва телетомошабинларнинг хоҳиш ва истакларидан боҳабар бўлишликни таъминлайди.

Эн-Эйч-Кэй нинг иккинчи канали том маънода илм дунёсига кенг очилган ойнадир. 80 йилларда ушбу канал ҳафтасига 60 тагача телерукнлар: ўрта мактабларда ўргатиладиган 20 одоб-ахлоқ тўғрисида, 10 та колледж (кўр) дастурлари, сиртқи телеуниверситет, инглиз, француз, хитой, рус, испан ва немис тили курслари, техника ўқув курсларини эфирга узатади. Буларга яна мусиқа асбобларини чалишни ўргатувчи ўқув курслари ва бошқа кўпгина ўқув курсларини айтиш мумкин. Ўқув кўрсатувларининг 80 фойизи болалар боғчалари, 95 фойизи бошланғич мактаблари ва 50 фойизидан кўпроғи юқори

синфларда қўлланилади.

Япон қонун чиқарувчи органи телекўрсатувларнинг мундарижасига шундай талаб қўйган:

Одамлар маданий ва маънавий даражасига мос, юқори сифатли кўрсатувлар бериш.

Умумжаҳон ва минтақавий кўрсатувларни тенг кўрсатиш.

Маданий қадриятларга ҳисса қўшган ҳолда замонавий маданиятни тарғиб қилиш Бутун япон телеузатув ва радиоузатувларга қуйидаги муҳим принциплар яратилган:

Ижтимоий барқарор ва ахлоқ-одобни ҳимоя қилиш.

Сиёсий бетараф бўлиш.

Мураккаб саволлар бўйича ҳар томонлама муҳокама ўтказиш. - Ахборот, маърифий, маданий ва кўнгил очар кўрсатувларни тенгликда сақлаш.

Японияда кабел телевидениеси.

Японияда кабел

телевидениеси дастлаб фақатгина сигнал ёмон қабул қилинадиган жойларда:

Тоғли ва чекка оролларда ривожланган. Кейинчалик шаҳарларга ҳам келди. Ва 5 та энг йирик тижорат каналларига қараганда кўпроқ эътибор қозонди.

Токионинг биринчи кабел телевидениеси 1987 йилнинг баҳорида ишга тушди.

1998 йилнинг март ойида бутун Япония бўйича 6234 та кабел телестанциялари ва 14,5 миллион абонент мавжуд эди. Хозир станцияларда Интернетга кириш имконияти ҳам пайдо бўлди.

Янги технологиянинг пайдо кириб келиши, кўрсатувларнинг ранг-баранг бўлишига олиб келди. Кабел телевидениеси юксак тасвирни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида санъат, медицина ва ўқув кўрсатувларини янада қизиқарли қилади. Кўрсатилаётган нарсанинг ҳатто майда элементларини ҳам кўриш мумкин. Келажакда эса бундан ҳам юқори даражали тасвирни таъминловчи юқори сифатли телевидение яратилиш ҳақидаги тахминлар мавжуд. Бунинг амалга ошириш учун тадқиқотлар ўтказилмоқда.

5 - Мавзу.ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ИСТИКБОЛЛИ ЙУНАЛИШЛАРИ

- 1.Кабель телевиденияси - телетасвирни кабель орқали масофага узатиш.
- 2.Телевидение ва космос.
- 3.Тасвирни Ернинг сунъий йўлдошлари орқали тарқатилиши.
4. Энг замонавий телеалоқа воситалари.
- 5.Интернет — Умумжаҳон ўргимчак тўри.

Тасвирни анъанавий - яъни эфир орқали тарқатиш усули ҳақида. Дастлабки кабель телевидениеси тармоғи тижорат телевидениеси пайдо бўлиши билан 1949 йили Пенсильвания (АҚШ) да ташкил топди. Аллеген тоғлари орасидаги водийда жойлашган Ландсфорд шаҳри аҳолиси телевидение кўрсатувларини кўра олмаганлиги сабабли Роберт Тарлтон исмли маҳаллий тадбиркор бундан бизнес қилишга қарор қилади.

Роберт Тарлтон гау йили тоғлар орасидаги аҳоли пунктларига телевизион тасвир тарқатадиган янги компания тузади. У телетасвирни аъло даражада қабул қиладиган шу ердаги энг баланд тоғ чўққисига катта антенна ўрнатади. Ва 125 доллар ҳамда ҳар ойда тўланадиган қўшимча ҳақ учун у "...истаган уйга кабель киритиб телевизорини улаб бераман" - дейди. Хизмат ҳақи анча қиммат бўлишига қарамай Тарлтон фирмаси жуда ривожланиб кетади.

Шундай қилиб Роберт Тарлтон шу кунда ҳаётимизда муҳим роль ўйнаётган кабель ТВ сига жаҳонда биринчи бўлиб асос солди.

Хозир АҚШ да кабель орқали тасвир тарқатадиган бир қанча шундай фирмалар ишлаб турибди. Улар орасида қаттиқ рақобат ҳам мавжуд. Бу фирмалар ер остидан ёки ҳаводаи кабель тортиб хонадонлар телевизорларини антенна ва студия билан уламоқда.

Кабель телевидениесида тасвир тоза, ранглар рангбаранг, овоз тиниқ дастурла^ сон-саноксиздир. Кабель телевидениеси одатда ўзларининг мустақил теледастурларини тайёрламайди. Улар телестудия (компания) лар билан

шартнома тузиб уларнинг ахборот дастурларини, кинофильмларини, тоқшоуларини (Тошкентдаги "Камалак —ТВ" каби) ретрансляция қиладилар..

Интерактив (телетомошабин билан алоқа боғлай олиш имкониятига эга бўлган) телевидение.

Уяли радио ва телевидение тизими.

Телетасвирни оптик тола орқали узатиш усуллари.

Кассетали телевидение. Ернинг сунъий йўлдошларидаги видео - баикларда мавжуд бўлган телевидение дастурлари ҳақида маълумот.

Бугун инсон ўз хоҳишидан келиб чиққан ҳолда ўз ихтиёри билан, ўзига маъқул бўлган теледастурни тузиш имкониятига эга бўлганлиги ҳақида.

"Тугмачани боссаиғиз бас, мўжизани биз таъминлаймиз!" тушунчасининг мақсади ва мазмуни.

Инсоният глобал алоқа - мулоқот воситалари даврига кўчганлиги тўғрисида. Хозир ҳар бир киши ўз саводини ўзи чиқариши, ўз малакасини ўзи ошириши, дунёда содир бўлаётган воқеа - ҳодисалардан тезда хабардор бўлиши, асрлар давомида инсоният ақли - заковати билан яратилган барча интеллектуал бойликлардан фойдалана олиши, мазмунли хордиқ чиқаришида кино, теле, видео, космик кассета банкидан эркин фойдалана олиш имконияти ҳақида. Бунда Интернет тармогининг ниҳоятда қўл келиши тўғрисида.

Янги техник имкониятлар теледастурларни томоша қилиш жараёнини давлат, ҳукумат ёки бирон бир еиёсий партия назоратидан холи қилиш имкониятини яратди. Бу

эса ўз вақтида мустақил ривожланиш йўлига кирган мамлакатларда ҳуқуқий - демократик давлат, фуқаролар жамиятини қуришда ниҳоятда қўл келиши тўғрисида.

"Мультимедиа", "сервер", "виртуал ҳаёт" каби янги универсал мулоқот тушунчалари тўғрисида.

"Интертеймент" дегани нима? Бу жаҳон кино-теле-видео-компьютер

индустрияси томонидан яратилган ва дунёда энг кўп, энг катта аудиторияни

ташкил этган асосан ўрта маълумотли телетомошабин учун яратилган янги кўнгил очиш махсулоти - томоша дастури демакдир.

Умумжаҳон "Вертуал кутубхонаси" тўғрисида ахборот.

Интернет. АҚШ бу Умумжаҳон ўргимчак тўрини муҳофаа вазирлиги — Пентагон тасарруфидаги 200 электрон ҳисоблаш машинаси - компьютерларни бирлаштириб ташкил этилганлиги тўғрисида. Мазкур кичик бир тармоқнинг компьютерлар тизими тез кунда — Ер юзидаги қарийб барча давлатларни қамраб олиб - Умумжаҳон ўргимчак тўрига айланганлиги ҳақида.

Радиога 50 миллион кишидан иборат аудиторияни шакллантириш учун 30 йи~ керак бўлган бўлса.

Телевидениега шундай ҳажмдаги аудиторияни шакллантиришга 13 йилгина даркор бўлди. Интернетга эса худди шундай аудиторияга эга бўлиш учун атиги 4 йилгина кифоя бўлди халос. Интернет ОАВ лар орасида биринчиликни эгаллаш учун ғавқулодда бир илдам суръатлар билан ҳаракат қилмоқда.

1981 йили Интернетга 213 тагина компьютер уланган бўлса, 14 йил ўтиб, 1995 йилга келиб унга 40 миллион компьютер уланди.

Шу бугун (2002 й.) жаҳон киберкенглиги (кибердунёси - Интернет) ўз сафида 100 миллион шахсий ва профессионал ЭҲМ ларини бирлаштириб турибди.

Россия 2002 йили Интернетдан фойдаланиш бўйича жаҳонда 15 нчи ўринда бўлиб, ҳозир у ўз сафида 4 миллион 300 минг кишини бирлаштиради. 1998 йилдан 2001 йилга қадар Россияда Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 5 баробар ортди.

Америка Қўшма Штатларида эса Интернетдан фойдаланувчилар сафи ҳар ойда бир миллионга кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистонда интернетга уланган абонентлар сони 2 мингдан ортиқдир. Ўзбекистонда ҳозир 30 га яқин интернет провайдерлари истаганларни интернет хизматига улаб бормоқда. Уларнинг орасидаги энг йирик давлат провайдери "ЎзПАК"дир. Тошкентда 2001 йилнинг 24 март куни Республикамиз тарихида

илк маротаба биринчи Интернет фестивали бўлиб ўтди. Унда 17 хил номинацияда Интернет билан шуулланаётган мутахасислар қатнашингди, танлов якунида эса Ўлиблар компьютерлар билан тақдирландилар. Бу суръатларнинг ўсишида ҳам, сусайишида ҳам моддий, молиявий сабаблар ётибди.

Интернетда Рамблер деган термин мавжуд.

РАМБЛЕР — сўзининг маъноси майдон марказидан турли тарафга ўнлаб, юзлаб тармоқ отган йўллар дегани. Интернетдаги бундай ҳар бир кўчанинг ўз йўналишга, ўз номи бор. Биттаси Сизни спорт дунёсига олиб борса, иккинчиси бозорга олиб чиқади, учинчиси эса — Сизга қизиқ-қизиқ латифалар сўзлаб беради. Тўртинчиси керак бўлса Сизга қайлиқ ҳам топиб бериши мумкин. Шу ернинг ўзида қайлигингиз билан истаган мамлакатингизга саёҳатга боришингиз учун РАМБЛЕР Сизга туристик йўлланма ҳам тақлиф этади. Яна бир кўчага кирсангиз қимор ўйнаб пул ҳам топишингиз ёки ютқазингиз мумкин. Истаган саволингизга жавобни ҳам худди ўша ердаги маълумотлар (справка) бюросидан топасиз.

Компьютер клавишини боссангиз бас жумлаи-жаҳонни космосдан туриб кўрасиз. Орбитадаги геостационар сунъий йўлдошларда ўрнатилган қудратли телеобъектив ёрдамида Интернет глобал тизими орқали олиб кўрсатилаётган Ер курраси реал шу дақиқанинг ўзида кўз олдингизда намаён бўлади. Ийгоҳингизга шунингдек таниш харита:

уммонлар, қитъалар, баланд тоғ измалари, дарёлар ... очилади. Телеобъектив аста секин тасвирни яқинлаштиради. Мана таниш шаҳар қиёфаси, кўчалар, 367 метрли игнасимон Юнусобод телевизор минораси, телевидение ховлисида турган Кўчма телевизион станция, ҳатто махсус автомобилнинг давлат рақамлари, КТС нинг ён биқинидаги "Ўзбекистон телевидениеси" ёзуви ҳам кўзга яққол ташланиб турибди.

Тошкент телевидениеси ховлисида кимдир видеокассетасини кўтариб чопқиллаб кетаяпти. Афсуски, Ер йўлдошига ўрнатилган видекамера линзалари

хозирча бундан ҳам яқинроқ кўрсатаолмайди. Америкада бу тасвирлардан истаганингизни буюртма асосида сотиб олишингиз мумкин. Интернет тизимидан рухонийлар ҳам самарали фойдаланишмоқда. Ватикан сервери орқали Сиз унинг 1,5 миллион жилд китоб ва ноёб қўлёзмаларига эга бўлган бой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятингиз бор. Биргина мисол, бу ерда сақланаётган муқаддас Инжилнинг бир нусхаси эрамизнинг 350 нчи йилида битилган.

Англияда молиявий можаролар бўйича он-лайн (Интернет) суди жаҳонда биринчи бўлиб фаолият кўреата бошлади. Агар Сиз 27 фунт тўласангиз бас суд Сизнинг 100 минг фунт стерлинг миқдоридаги талабингизни кўриб чиқади. Мабодо судланувчи 2 ҳафта ичида ишни қайта кўришга бермаса унинг ҳисоб рақамидан суд ҳукм чиқарган миқдордаги пулингизни мўмайгина ундириб, Сизнинг ҳисоб рақамингизга ўтказиб беради. Хозир Англияда йилига 25 мингтагача бўлган шундай ишлар кўрилмоқда.

Оммовий Ахборот Воситаларининг ахборот манбаълари ҳам катта тезлик билан кўпайиб бормоқда.

1976 йилда Интернетнинг бори-йўғи 300 та ахборот манбаъи бўлган бўлса, 1985 йилга бориб уларнинг соии 2800 тага етди.

Шундан учдан икки қисми АҚШ, Канада, Гарбий Европа, Скандинавия ороллари, Япония, Австралияда. Кўриниб турибдики, ахборот манбаълари тараққий этган ривожланиши демократик йўлдан кетаётган давлатларга тўғри келади.

Сизга керакли бўлган китоб ёки мақолани истаган мамлакатингизнинг истаган кутубхонасидаги китоб жовонидан топишга компьютер ёрдамида атиги 10-15 минутгина кифоя бўлади.

Хозирги пайтда бу иш айниқса медицина соҳасида жуда қўл келмоқда. Компьютерлашган кутубхона дунёдаги энг сўнгги янгиликлардан ниҳоятда тезкорлик билан фойдаланиш имкониятини беради. Яна бир муҳим томони шундаки, компьютер манбаъи кечасию-кундузи, таътил нима эканлигини билмай йилига 365 кун дам олишси* ишлайди. Бу турли соат поясларида

жойлашган мамлакатлар аҳолиси учун жуда муҳимдир.

АҚШ да турли: давлат, жамоат, тижорат, хусусий ахборот манбаълари мавжуд. Шулардан ЛЕКСИС ва НЕКСИС номли ахборот базалари энг йирик ахборот манбаъларидандир.

НЕКСИС ахборот манбаъи банклар, тижорат корхоналари ва журналистлар учун хизмат кўрсатади. НЕКСИС да АҚШ, Ҳамдўстлик мамлакатлари, АНГЛИЯ, ЯПОНИЯ, ХИТОЙ даги 125 та газета ва журналда чоп этилган мақолаларнинг тўла матнлари мавжуд (1988 йил). Ҳар ҳафтада НЕКСИС да уларнинг сони яна 40 мингта мақолага бойиб бормоқда.

"Форчун" журналининг журналисти Дениел Селигман ўз шахсий компютерида НЕКСИС тизимидан бир жамоат арбобининг айтган бир диққатга сазовор фикрини қидирган. НЕКСИС ўз ахборот манбаъидаги 3,5 миллиард сўзнинг ичидан 2 минутда шу фикрни топиб берган. НЕКСИС журналистга 17 минг 250 та мақолани тавсия этган.

АҚШ президенти Калвин Кулидж бундан қарийб 75 йиллар муқадда... "Американинг асосий фаолият тури бу - тижорат, пул қилиш, бизнес" деган эди. Хозир эса АҚШ нинг асосий фаолияти — ахбороти қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ундан фойда олиш — дейиш мумкин. Кулидж даврида "оқ ёқаликлар" АҚШ да жаъми ишчиларнинг тўртдан бир қисмини ташкил қилса. Хозир Америкадаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 % ақлий меҳнат билан шугулланади.

6-Мавзу. ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА ЖАНРЛАРИ.

1. Ахборот жанрлари
2. Таҳлилий жанрлар
3. Бадиий публицистика жанрлари

Ахборот публицистикаси нима?

Видеосюжет (қисқа хабар). Ҳисобот. Давлат ва ҳукумат делегацияларининг расмий

танлирифлари тўғрисидаги кўрсатувлар.

Репортаж. Тўғридан-тўғри репортаж, Репортаж-трансляция.

Воқеий репортаж. Режаштирилган (ташқил этилган) репортаж.

(Бундай репортажлар одатда маълум бир мақсад билан долзарб мавзуларда ташқил,

этилиши хусусида)

Муаммоли репортаж. Репортаж - портрет.

Интервью. Экспресс-сўров. Савол бериш сир - синоати. Қаҳрамон портретини яратиш

мақсадида олинадиган интервью. (Утказиладиган суҳбат).

Бу маърузада ТВ нинг ахборот дастурларидаги энг кичик, энг оддий жанр бўлган - видолашадан тортиб ТВ табиатини ўзини тўла мужассамлаштирган телерапортажга қадар бўлган барча ахборот жанрлари: Маъруза, Суҳбат, Интервью, Лукма (Реплика) ҳақида маълумотлар берилади. Ўзбекистон телевидениеси, ОРТ, РТР, НТВ, ТВ-6, ТНТ даги мазкур жанрлар усталари, тажрибали журналистлар фаолияти ҳақида гап боради.

Аср шиддати ва замоннинг тезкорлиги журналистдан ихчамликни, фақат фактларни тақдим этишни тақазо қилмоқда, батафсил шарҳлар ва тафсилотлар аҳолининг бир қисминигина қизиқтиради ҳалос.

Бозор иқтисодиёти кучли ва эркин ОАВ ларини шакллантириши керак. Телетомошабин кўраётган нарсасига ишониши учун "махсулот" ишонч уйғотиши керак. Аксинча мижоз бошқа каналга ўтиб кетади (сотиб олмайди), натижада телекомпания инқирозга учрайди. Жамиятга хизмат қилиш туёғуси, фойда топиш истаги ОАВ мулкдорини халқнинг ишончини қозониш мақсадида ҳақиқатни ёзишга, эшиттиришга ёки кўрсатишга тинимсиз ундаб туради.

Бошловчи. Шахслаштирилган (персонифицированный) ахборот, журналистнинг шахсий сўзлаш услуби акс этган ахборот нима? Бундай ахборотда бошловчининг ўзига хос индивидуал хислатлари қандай ўз аксини топади. Воқеа-ходисалар журналистнинг ички дунёси иризмасидан, унинг руҳиятидан ўтган, ички кечинмалари, тажрибаси, малакаси билан йўғрилган, шахсий нуқтаи назари, яхши ёки ёмон муносабати (симпатия ва антипатиялари)

билан сугорилганлиги тўғрисида. Хиссиётлар тугёни, овоз шираси, воқеага журналистнинг ёндошуви ҳақида. Ҳар бир одам — бир дунё. Бошловчи ақлли, зукко шахс бўлганлиги сабабли, у хиссиз бир кимса каби эмас, балки дунёқараши шаклланган сиёсий фаол ва бадиий етук шахснинг муносабатини билдиради. Унинг воқеа-ходисага ёндошуви яққол сезилиб туради. У воқеа-ходисаларни ўзига хос тарзда талкин қилади ва бу унинг овозида, оҳангида, гапида, сўзида, қўл ва юз ҳаракатларида сезилиб туради.

Шахслаштирилган ахборотда бошловчи эфирга ахборотни ўз шахси, индивидуаллиги акс этган ҳолда беради. Ахборотни фақат ўзига хос услубда эфирга бериши, ўзининг сўз бойлиги, образли гаплари, мақол-у - маталлари, қочирма-ю -киноялари, овозининг оҳанги билан бойитади, ўзининг сўзга, ургу бериш услубига эга бўлади. Бошловчи овози оҳангида ҳайрихоҳлиги ёки норизолиги, ҳайратланиш ёки очиқ қоралаш, истехзо ёки тарафини олиш маълум маънода сезилиб туради. Шарҳловчи ўқиладиган матн мазмунига овозининг оҳанги билан ўз муносабатини ўз характериға,

лексикасига хос ҳолда шахслаштриб беради. Ўзбекистон телерадиокомпаниясидаги ана шундай ҳислатларга эга бўлган шарҳловчилар: Маҳкам Рихсиев, Хайрулла Нуриддинов, Қуддус Аъзамов, Муҳаммаджон Обидов.

Буни шахслаштирилган ахборот деб юритилади. Бошловчи нутқи, лексикасининг ўзига хос томонлари хусусида.

Диктор. Диктор - расмий шахс. Унинг фаолиятида одатда давлатнинг расмий позицияси, муносабати, ёндошуви ўз аксини топади. Дикторларнинг кўпчилиги матнни тўғри, тоза, тиниқ, ҳар бир сўзнинг мантикий ургуларини қўйган ҳолда беҳато ўқишта ҳаракат қилишади. Шўролар давридаги давлат позицияси. Маъмурий-буйруқ тузуми. Монополия. Диктат.

Мустақиллик йилларида турли ОАВ ва кўплаб мухбирлар эса кўп ва улар воқеа-ходисаларни турли ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан туриб ёритадилар. Бунда биз ОАВ ларининг демократик принципларини кўраимиз.

Интервью жанри. Савол бериш санъати, маҳорати. Александр Тихомиров "Время", Владимир Повзнер — Фил Донахью СССР - АҚШ телекўприклари, ("Человек в маске") - "Никобдаги шахс" телерукни, Андрей Караулов ("Момент истины") - "Ҳақиқат онлари" кўрсатуви, Урмасс Отт телесуҳбатлари, Фуркат Яқвалхўжаев "Озодлик" радиостанциясининг Ўзбекистондаги муҳбири (1995-2001 йиллар) телекўрсатувлари ва радиоэшиттиришларда берган саволлари таҳлили.

Суратга тушириш жараёнида камера олдида турган бошловчи юқори малакали мутахассис бўлиши жуда муҳимдир. Бир гап бор, ҳақиқий инсон бўлишнинг ўзи юқори малакали мутахассис бўлиш демакдир, - дейишади.

Бошловчининг эфирда ўзини тутиш маданияти етарли даражада бўлса одатда бу билинмайди, аммо унинг маданият даражаси ҳатто нисбатан ҳам паст бўлса бу тезда ва яққол кўзга ташланади.

Хозир биз бир қатор талабларни санаб ўтамизки, агар интервью олувчи бу камчиликларга йўл қўйса уни ҳақиқатдан ҳам катта мутахассис, катта журналист деб бўлмайди.

-Агар у гапни ёнида ўтирган суҳбатдошини кўкларга кўтариб мақташдан бошласа. Суҳбатдоши эса уялганидан ўзини қўярга, кўзи ва қўлларини яширгани жой тополмасдан, ноқулай вазиятда қолса.

- Агар у суҳбатдошига ёки кўрсатувнинг бошқа қатнашчиларига бир йўла бирнеча саволлар билан мурожаат қилса. У холда, суҳбатдоши қайси саволга жавоб беришини билмай, ўзини йўқотиб қўяди. Саволларининг бирига жавоб бериб бошқаларига жавоб беришни эса унутади. Бу холда саволларни яна қайтадан беришга тўғри келади.

Агар суҳбатдоши ўз фикрини тугатмасдан, уни ярим сўзида бўлиб яна бир бошқа саволга жавоб беришини илтимос қилса. Одатда суҳбатни шундай моҳирлик билан бўлиш керакки, суҳбатдош уни ҳатто сезмай қолиши керак. Бу муҳбирнинг юқори малакасидан дарак беради.

Саволга жавоб бераётиб суҳбатдош телетомошабинлар ёки суҳбатнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан у экранда орқа ўгириб ўтириб қолса.

Агар суҳбатдош саволларга жавоб беришга розилик билдирсаю ва у кутган энг муҳим савол мухбир томонидан берилмаса.

Мухбир қахрамондан энг қалтис саволга нима қилиб бўлса ҳам жавоб олишга ҳаракат қилса ва у журналист этикасини унутиб, бу мақсадда ҳеч нарсадан тап тортмас:

Ёзиб олишдан аввал суҳбатдоши билан савол- жавобларини келишиб, репетиция қилиб олса. У холда савол ҳам сохта, жавоб ҳам сохта, умуман интервьюнинг ҳаммаси сохта бўлади.

Агар у саотига қараб, "... Афсуски, вақт етмади, доимо шунақа бўлади-да..." -деб хўрсиниб қўйса. Ахир студияга ёки камера ва микрофон олдида келган у меҳмон, телевидениеда эса вақтни мухбирнинг ўзи режалаштиради.

Агар у суҳбатни тугатишни, хулоса билан якунлашни унутиб қўйса, қаерда нуқта қўйишлигини билмаса ва ҳар гал саволида яна илгариги мавзуларга кетма-кет қайтаверса.

Мухбир ўз ҳаяжонини, муносабатини яшира олмай билдириб қўйса. Бу -журналист эҳтироссиз бўлиши керак, дегани эмас, албатта. Журналист кўпчиликни қизиқтираётган муаммолар бўйича ўз фикрини, муносабатини билдириши ҳам керак эмас, деган гап эмас.

Агар журналистнинг сўзларида унинг шахсий муносабати, меҳри ёки нафрати-газаби, муҳокама қилинаётган масала маъқул ёки маъқул эмаслигини мухбир билдириб қўйса.

Агар журналист суҳбатда телетомошабинларни қизиқтираётган муҳим масалалар эмас, балки ўзининг сўзларини, фикрини, муносабатини, саволларини энг муҳим, деб ҳисобласа.

Агар суҳбатдошининг сўзларини диққат билан эшитишни, тинглашни билмаса ва унинг ўйлаш учун сақлаган сукутини навбатдаги савол учун

қилинган пауза дѳи тушунса. Интервью бераѳтган шахс фикрини тугатмасдан мухбир томонидан берилган саволдан ѳмон нарса йўқ!

Агар суҳбатдошингиз, сиз — мулоқотдагиларнинг бирини томонини олаѳтганингизни сезиб қолса. Бир томонни ѳнини олиб, маъкул кўриб, унга ҳайрихоҳлик билдириб иккинчи томонга қарши эканлигингизни билдириб қўйсангиз ва шу билан сиз қайси томонда эканлигингиз ошкора бўлиб қолса. Бу одатда бир томонни -диққат билан эшитиб, иккинчи томонни жавоб бераѳтган пайтидаги бепарво бўлиб туришингизда, ўзингизни тутишингизда маълум бўлади.

Агар журналист амалдорлар олдида ўзини йўқотиб қўйса, амалдорни савлати босаѳтганини, ҳақиқатини гапиришдан хайиқаѳтганини, кўрқаѳтганини, сездириб қўйса, уни яшира олмасдан, билдириб қўйса. "Лаббай акажон, буюринг!" - дейдиган ахволга тушиб қолса. Маълумки, одатда суҳбатдошнинг лавозимига қараб эмас, балки у қанчалик яхши гапираѳтгани, ўз фикрини қанчалик асослаб бераѳтганлигига қараб хулоса чиқарилади.

Агар суҳбатдошингиз ўткир саволдан қочиб, умумий сўзлар билан яъавоб беришдан нари ўтмаса ѳки ҳазил -мутойиба билан қутулиб кетаман, деб ҳаракат қилса-ю, ва шу вазиятдан чиқиб кетишга унга имконият берилса. Ёки суҳбатдош мавзунини йўналишини ўзгартиришга муваффақ бўлса.

Агар савол жуда илмий, назарий тус олса, унда суҳбатдош ҳам ўша усулубда жавоб беради. Маслаҳат шу: аниқ жавоб олмоқчи бўлсангиз, аниқ савол беринг.

Агар журналист суҳбатдош жавобини гўѳки тушунмаганликка олиб, унинг нуқтаи назарини бузиб, ўзига маъкул йўналишда талқин қилса.

Агар "...Сиз ҳақиқатдан ҳам шундай деб ўйлайсизми?", "Агар виждонан ѳндошадиган бўлсакчи?". "...Сиз кимнинг тегирмонига сув қуяѳтганингизни ўзингиз тушунаяисизми, ахир!?" - деган саволлар билан мурожаат қилинса. Одатда, бундай лўкмалар "... Нахотки сиз шунақа ахмоқ бўлсангиз?", ѳки "... Сиз нима телбамисиз?", "...Сиз шунақа ѳлгончимисиз?", - деган маъноларни

билдиради. Бундай саволлард?" ўзбекча қилиб айтганда, илон инидан чиқади, мусулмон эса динидан. Шунинг учун бундай луқмалардан иложи борича қочиш керак. Сўнгра сизниг "...Ахир мен бундай

бўлишини мутлақо кутмаган эдим!", "...Унинг муносабати шунақа бўлишини тасаввур ҳам қилганим йўқ, ахир!", - деган кейинги пушаймонлар одатда, ўзингизга дугиман бўлади.

Воқеани бундай тус олишини малакали журналист билиши керак. Бу унинг касбий вазифасига, мажбуриятларига киради ва албатта малакасига боглиқ.

Агар журналист суҳбатдошига нисбатан ўзини кўпол равишда тугса. Маслаҳа! шундай: ҳатто суҳбатдошингиз қаттиқ жавоб бериб, кўнглингизни огритса ҳам, кўполлик қилса ҳам - огир, босиқ бўлишингизни маслаҳат берамиз. Агар сиз одоб доирасидан чиқмай ўзингизни мулойим тутсангиз суҳбатдошингизнинг кўполлиги экранда ўзи кўриниб туради. Айниқса, танқидий мазмундагм саволни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, суҳбатдошингизни хафа қилмайдиган шаклда беришингиз керак. Танқид қанча ўткир бўлса муносабат шунча майин, мулойим бўлишини яна бир бор тавсия этамиз.

* * *

Бу воқеа 1966 йили Тошкентда бўлган эди. Ўша йили бу азим шаҳарда жаҳоншумул аҳамиятга молик катта сиёсий воқеа содир бўлади.

Ҳозир бу халқаро учрашув ҳақида Ўзбекистон пойтахтининг Мустақиллик майдонидаги Алишер Навоий номли кутубхона ўқув зали жойлашган бинонинг ташқи деворидаги мармар мемориал тахтача ҳамда шу пайтдаги Ҳиндистон Бош вазири Лаъл Баходур Шастри хотирасига қўйилган кўча ва мактаблар, ўрнатилган ҳайкаллар эслатиб турибди.

1966 йили январ ойида собиқ Совет Иттифоқининг ташаббуси билан Тошкентда ўзаро қир"ин-барот урушини олиб боришаётган Хиндистон билан Покистони Бош вазирлари Лаъл Баходур Шастри билан Аюб Хон раҳбарлигидаги ҳукумат делегациялари учрашадилар.

Икки қўшни халқ ўртасида бораётган урушни тўхтатишга олиб келган бу тарихий учрашув шаҳар марказида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Совети биносида бўлиб ўтади. Музокаралар оир шароитда, бир неча кун давомида, қийин кечади.

Тошкент учрашувини ёритиш учун мазкур анжуман матбуот хизмати қошида ўнлаб мамлакатлардан келган оммовий ахборот воситалари вакиллари; Рейтер, Ассошиэйтед-Пресс, ТАСС, Франс-Пресс, Юнайтед-Пресс Интернейшнэл каби дунёнинг энг йирик ахборот агентликлари, Радио ва Телевидение компаниялари, газета ва журналларининг мухбирлари аккредитациядан ўтадилар.

Хиндистон ва Покистон Бош вазирлари ўз мулозимлари билан шаҳар чеккасидаги алоҳида-алоҳида қароргоҳларда туришади.

Халқаро учрашувнинг матбуот хизмати ва барча журналистлар эса ўша пайтда энг ҳашаматли ҳисобланган "Тошкент" меҳмонхонасида жойлашаган эди.

Учрашув КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Алексей Николаевич Косигин раислигида ўша пайтдаги Республика Олий Советининг биноси (ҳозирги "Баҳор" концерт зали) фойесида ўтар эди.

Халқаро Учрашувнинг якунловчи куни журналистлар залга қўйилмай, ёпиқ эшиклар ортида ўтади ва унда кейинчалик жаҳонга "Тошкент Декларацияси" номи билан машҳур бўлган якуний ҳужжат имзоланади. Тошкент учрашувида урушаётган иккала томон ҳам ўз давлатлари номларидан тўп отишларни тўхтатиш мажбуриятларини олиб, ўз имзоларини чекадилар.

Ярим кечаси содир бўлган бу воқеа ҳақидаги маълумотни шу куни эмас, эртасига газеталарда эълон қилиниши келишиб олинади.

Музокараларда иштирок этаётган делегациялар аъзоларини ташқарида журналистлар сабирсизлик билан кутиб туришар эди.

Лекин бирон бир журналист интервью олишга муваффақ бўла оламайди. Учрашув қатишчилари журналистларнинг саволларига "...Эртага газеталарда ўқийсизлар!" - деб эътирозга ўрин қолдирмайдиган қисқа жавоб берадилар.

Шунда, ҳеч қандай маълумот ололмаган Франс Пресс агентлигининг мухбири Покистон бош вазири хизматчиларидан бирининг ёнига келиб: "...Майли эртага бўлса, эртага-да..." - деб "...Мана бу, менинг телефон рақамларим қайд этилган визит қоғозчамни олсангизда, ҳар эҳтимолга қарши бирон-бир аҳамиятга молик гап бўлса, телефон орқали бир о из бўлса ҳам маълум қилсангиз, мен ниҳоятда бахтли бўлар эдим..." деб, бир неча кўк банкнот қоғазлар билан визиткасини унинг чўнтагига солиб қўяди Франс-Пресс агентлиги мухбири сўзида давом этиб: "...Асосий хизмат ҳақингизни кейин оласиз..." - деб, қулоғига шипшиптади ҳам. Сўнг илиқ хайрлашиб, Ҳиндистон делегацияси томон ошиқади. Мухбир Ҳиндистон бош вазири Лаъл Баходир Шастри хизматкорларидан бирига ҳам худди шундай сўзларни айтиб, унинг чўнтагига ҳам долларлар ва визит қоғозчасини солиб қўяди.

Мухбир "... Энди бошқа қиладиган иш қолмади...", деб майдодан узок бўлмаган "Тошкент" меҳмонхонаси томон пиёда йўл олади.

Парижга у: "...Бугун Тошкентдаги учрашувда ҳеч қандай янгилик содир бўлгани йўқ. Музокаралар давом этмоқда. Айтишларича, қандайдир Декларация ҳам тайёрланган. Лекин унинг мазмуни ҳали ҳечкимга маълум эмас. Асосий воқеа эртага содир бўлади. Барча мухбирлар ўша воқеани кутишмоқда..." деб, ўз агентлигига, Парижга қисқа хабар жўнатади.

Тошкент меҳмонхонаси... Ярим кечаси Франс-Пресс агентлиги мухбири ётоғидаги телефон қаттиқ жиринглаб қолади. У ўрнидан ириб туриб телефон трубкасини кўтарганида унда^ ҳаяжонли овоз эшитади:

- "Намасте, ассалому алайкум Жаноб мухбир, намасте, ҳозиргина Бош

вазирнинг шахсий врачлари унинг ётоқхонасидан чиқиб: "...Бўлди, энди унга худодан бошқа ҳеч ким ёрдам бераолмайди... деди..." — дейди.

- Эртага батафсилроқ гапириб бераман..." - деб, кўп маъноли қилиб қўшиб қўяди, телефон трубкасидаги овоз.

Франс-Пресс мухбири шу заҳоти телефон гўшагини қайта - қайта босиб ҳаяжон билан:

- Мадам, мадам, менга Францияни уласангиз, Телефон рақамлари ... фалон, - деб Париждаги Франс - Пресс агентлиги навбатчи муҳаррирининг телефон рақамларини қайта-қайта такрорлайди.

Абонентнинг шошилаётганини сезган телефончи қиз уни зудликда Париж билан улайди.

- Бонжур месье. Сизни Тошкентдан безовта қиляпимиз. Шошинч хабарни ёзиб олсангиз, матнни сўзма-сўз қайтараман. Бош сарлавҳа. Тошкент учрашувида бахтсиз ҳодиса... Ундов белгиси. Янги қатордан. Кичик сарлавҳа. Тошкент учрашувида сенсация. Яна ундов белгиси. Янги қатордан. Совет Иттифоқи ҳамда Покистон томонларининг тазйиқларига бардош бера олмаган Ҳиндистон бош вазири Лаъл Баҳодир Шастрининг юраги ҳозиргина Тошкентдаги Дўрмон қароргоҳида уришдан тўхтади. Бу воқеанинг урушаётган давлатлар томонидан эртага қандай акс-садо беришини билмайманку, лекин бугун бу уруш яна бир қурбон берди. Қурбон бўлганда ҳам қандай қурбон! Урушни тўхтатаман, деган мамлакат бош вазири Тошкентда жон таслим қилди. Матн тугади. Нуқта.

Зудлик билан бутун жаҳонга тарқатилсин!

Сизнинг Тошкентдаги мухбирингизИмзо. Минг тўққиз юз олмиш олтинчи йил. Январ. Тошкент.

- Мен ҳам Тошкент учрашувини ёритаётган мухбирлардан

эдим,

-

деб

эслайди,

тошентлик ҳамкасбим;

Ярим кечаси уйимга қўнғироқ бўлди, трубкани кўтарсам: "Жаноб дедида, исми-шарифимни айтиб, Сиз-ми, - деб сўради телефондаги овоз. Ҳа... деганимдан кейин, Бу халқаро учрашув матбуот хизматидан. Зудлик билан матбуот марказига етиб келсангиз. Уй манзилингиз бўйича навбатчи машина юборилди. Бу ерда журналистлар учун шошилиш брифинг ўтказилади, - деди.

- Ярим кечаси-я..." - дейишга ҳам улгурганим йўқ эди.

- Барча саволларга шу ерда жавоб оласиз, - деди-да трубкани қўйиб қўйди.

- Меҳмонхонага келганимдаги аҳволни кўрсангиз эди. "Тошкент" меҳмонхонаси чўп тикилган арини уясини эслатар эди. Хонама-хона одамлар югуриб юришибди. Иккинчи қаватдан яланоч баданига халат ташлаб, оёғига оддий хона шиппагини илиб олган Американинг Юнайтед-Пресс Интернешнел агентлиги мухбири тушиб келаяпти. - "...Ахборотни қўлдан бой бердим. Эҳ мен калтафаҳм, ахборотни қўлдан бой бериб қўйдим, ўзим шу ерда бўлиб-а. Энди редакцияга бормасам ҳам бўлади, бари-бир бўшатиб юборишади. Ғафлат босди. Энди нима қиламан!..." - деганича, у ёқдан, бу ёққа зир югурар эди..."

Маълум бўлишича, ЮПИ агентлиги Тошкентда ўз мухбирига эга бўла туриб, бутун Америка Оммоний ахборот воситаларига Франс-Пресс агентлиги мухбирининг пушилиш "Молния!" - "Чақмоқ" ахборотини анча пулга сотиб олиб тарқатаётган экан.

БУ ВОКЕА. Бу воқеа совет тузуми энди нурай бошлаган давр - 1985 йили содир бўлган эди. Мен СССР Давлат телерадио қўмитасининг Ўзбекистондаги Марказий мухбирлар пунктининг мудир лавозимида ишлар эдим. Бу йилларда Ўзбекистонда марказий телевидениенинг уч вакили: икки мухбири ва бир мудир фаолият кўрсатар эди. Ҳар биримизнинг ўз телефонларимиз, хизмат машиналаримиз ва ҳайдовчиларимиз бўлар эди. Бир куни менинг ҳайдовчим Исахон (Тожиматов) хонамга кириб:

- "Шеф" (улар мени шундай деб аташар эди) кечирасизу, лекин бирор иарса қилмасак "Волга"миз тўхтаб қолиши мумкин деди. Мен ҳайрон бўлиб,

"машинага нима бўлди?", деб сўрадим.

- Мотор поршенларининг пўлат кольцолари ейилиб бўлди, моторда компрессия йўқ, двигател етарли куч билан тортмаяпти, - деди у.

- Хўш нима қилшп керак? - Одатдаги дастлабки саволни бердим. Мен Москва билан гаплашаман улар пул ажратишади, олгин ўша пўлат халқаларингни.

- Э-э... Ирисмат ака, Мени ўзим ҳам сотиб олар эдим, йўқда, гап шундаки, кольцолар анқонинг уруи бўлиб қолган. Бормаган бозорим, қарамаган дўконим, сўрамаган ҳамкасбим қолмади.

- И-э, шошмагин. Ахир Ўзбекистонда автомобилларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлайдиган махсус корхона бўлиши керак-ку!

- Мен сиздан ўша ерга телефон қилиб бир комплект поршен халқаларини сўрашингизни илтимос қилиб кирдим.

- Хўш, қандай ер экан у?

- Мана бу ерда ўша идоранинг номи, раҳбарининг исми-шарифи ва телефони ёзилган, деб бир букланган қоғзни менга узатди Исахон.

Қоғозда "Ўзбекистон автомобил ремонти давлат кўмитаси, Жалол Маҳмудов", -деб ёзилган эди. Олдимдаги ҳукумат телефонида рақамларни териб, телефон дастагини кўтаришганда:

Ассалому-Алайкум, Жалол ака. Мен Москва телевидениеси "Время" дастурининг махсус мухбири Абдухолиқов Ирисмат бўламан - деб ўзимни таништирдим ва ўша пўлат халқаларни суриштирдим.

- Бизда йўқ бундай халқалар, - деган аниқ жавоб келди.

- Ия, шу оддий эҳтиёт қисмлар ҳам дефицитми? -

-Ирисмат ака, тушунинг, бунда бизнинг айбимиз йўқ. Биз бу эҳтиёт қисимларни Москвадан оламиз, СССР Давлат План кўмитаси уларни бизга қатъий режа асосида жўнатади. Мана бир неча ойдан бери у ердан пўлат халқалар йўқ, сўраманглар ҳам, -деган жавоб келади. Ўзбекистондаги

- Хүш айтинг айбдорни, ким жавобгар бундай танг ахволга дедим.

- Америка Қўшма Штатлари, Рональд Рейган айбдор, - деди, осмондан тараша тушгандай, телефон охиридаги овоз.

Кечирасиз, ҳазиллашаяписиз шекилли!

- Йўқ, йўқ, худо ҳақки йўқ! Ахир бу билан КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Марказқўм секретари шахсан ўртоқ Долгих шуғулланаяпти.

Лекин менинг хабаримча ҳозир у ҳам ҳеч нарса қилаолмса керак, - деди.

Лниқроқ қилиб тушунтираоласизми? — дедим, диққатим ошиб.

- Биласизми... Бизнинг билганимиз шу. Аниқроқ билмоқчи бўлсангизсиз КПСС Марказий Комитетининг оғир машинасозлик бўлимига телефон қилинг, ўша ерда тушунтириб беришлари мумкин. Ахир бундай ахвол биргина Ўзбекистонда эмас, бутуи Иттифоқда шунақа, - деб қўшиб қўйди.

Кимга қўн^и роқ қилишимни айтиб берсангиз, - сўрадим мен. Шофёрим Исахон менинг қўнғироқларимда ўзини айбдор санагандай, лом-мим демай, ҳайрон бўлиб, айрим жойларида бош қимирлатиб, жимгина ўтирарди.

- Оббо Исахон-эй, биргина машинанинг поршен халқалари деб телефон қилмаган идора, иттифоқ миқёсида бирон бир катта раҳбар қолмади-ку?! — дедим мен, ярим ҳазиломуз.

Лекин бу масала мени энди профессионал журналист сифатида қизиқтириб қолган эди.

- Майли берайин, эринибгина жавоб келди телефонда. Мен ҳақиқатни аниқлашда давом этдим...

- Это транспортный отдел ЦК КПСС? Здравствуйте. Мен ўзимни таништириб масаланинг моҳиятини тушунтирдим.

-Э-э-э, Вм знаете, айб бизда эмас, Японлар айбдор! ГАЗ-24 машиналари поршенларининг халқалари юқори сифатли пўлатнинг ўта мустаҳкам алоҳида маркасидан тайёрланади. Ва бу пўлат бизга Япониядан келтирилади. Биз

Жанубий Кореянинг "Боинг-747" самолётини Япон денгизи узра уриб туширганимиздан сўш, бизга капиталистик мамлакатлардан келадиган айрим стратегик аҳамиятга эга моллар импорти тўхтатиб қўйилди. Биласиз, Жанубий Корея Япония билан Американинг стратегик иттифоқдошдир. АҚШ Президенти Рейган пўлатнинг бу маркасини ана шундай моллар рўйхатига киритиб, СССР га экспорт қилишни бекор қилди. Бизда эса бундай пўлат маркаси ишлаб чиқарилмайди. Ҳамма етишмовчиликнинг сабаби мана шунда.

У кўп гапириб, яна нималарнидир батафсил тушунтира кетди. Англаб турибман, бошқа мухбир бўлганда у бунчалик жон куйдириб гапирмас эди. Ошкоралик отга минган бу даврда катта амалдор "Время" мухбири билан ҳазилашиб бўлмасликни яхши тушунар эди.

Мен айрим фикр, рақам, фамилияларни одатим бўйича ён дафтаримга тушириб, диққат билан эшитдим.

Сўнгра гап келганда отангни ҳам аяма деган маънода:

- Бир саволга жавоб бераоласизми — дедим. - Совет Иттифоқидай катта индустриал салоҳиятга эга қудратли давлатни ким бу аҳволга солиб қўйди. Бу қандай иқтисодиётки, Япониядек бир мамлакат пўлатнинг битта тури билан бутун СССР транепортини, иқтисодмётини ҳам денг, бутунлай тўхтатиб қўйиш имкониятига эга бўлса?

Энди унинг овозидаги катта амалдорларга хос оҳанг анча чўккан эди. -

Саволингизга жавоб бера олмайман. Уни сиз менга эмас, мендан каттароқ лавозимдаги кишига беришингиз керак, - деган жавоб бўлди.

- Совет Иттифоқидаги энг юқори бўлган давлат ташкилотининг масъул ходимидан эшитган бу жавоб мени кўн ўйларга толдирган эди, ўша йиллари...

Бироздан сўнг у овозини ўзгартириб:

- Айтингчи, шу эҳтиёт қисмлари ҳақида Тошкентдан нега Сиз, мухбир телефон қиляпсиз? Нега таъминот ишлари билан шугулланадиганлар эмас, - дев, энди у мени саволга тутди.

- Айтгандек, Сизга ва Ўзбекистонга биз имконият даражасида ўша камёб пўлат халқаларни топиб берармиз,- деди у кўп маъноли оҳангда.

Исахоннинг топширигини бажаргандек бўлиб, энди мен московлик амалдорга ўз миннатдорчилигимни билдира кетдим. Ахир осонми, у бутун социалистик лагер мамлакатларида катта муаммога айланган масалани ҳал қилишга ваъда бераяпти.

- Айтинг, менга телефон қилишсин, топиб берамиз. Ахир, Сиздек "Время" мухбири ҳар куни ҳам бизга телефон қилавермайди" - деди у бироз тавозе ва киноя аралаш.

Мен москвалик катта амалдорнинг исми-шарифи, телефон рақамларини яна бир бор аниқлаштириб, қуюқ хайрлашдим.

Телефон орқали олиб борилаётган музокараларимизни диққат билан эшитиб ўтирган Исaxonнинг оғзи қулоғида эди. Одатда у кулганда оғз[^] бироз очилиб мулкининг олд қисмида тушиб кетган тишларининг дарчалари кўринарди.

- Қани энди, яна Жалол Махмудовичга телефон қиламиз, деб телефон апаратининг юз қисмидаги гардишини айлантира бошладим.

- Ассалом алейкум, Жалол Махмудович, Мен Москва мухбири Абдухолиқовман. Яна бир бор безовта қиляпмиз сизни- Лаббай, Лаббай Ирисмат ака. Эштаман, Э-э... Баракалло, Баракалло, — деди Жалол ака.

- Айтгандек, Жалол ака ахир айб ўзларингизда экан, - дедим мен унинг гапини бўлиб, агар тушунтириб, яхшилаб сўрасанглар Республика таксопаркларидаги ўша юзлаб машиналар бекор турмас эканку!

- Қайси бири айтди?!

Мен СССР Давлат план қўмитаси, СССР Министрлар Совети, КПСС Марказий Комитетининг тегишли бўлимлари телефонларини, масъул шахсларнинг исми-шарифларини бердим у кишига.

Диққат билан ёзиб олар экан Жалол ака:

- Сиз энди бошқа одамсизда, "Время" мухбири билан ҳисоблашишади, "ВРЕМЯ" мухбири билан ҳисоблашишади баччагарлар, - деди у такрор, такрор. Эҳ... билсангиз эди, қандай қийинчиликлар билан ўша эҳтиёт қисмларни келтиришимизни, - деди у.

Исахон тепамда хиқиллаб, "...поршен халқаларини сўранг, шеф, поршен халқаларини, битта комплект бўлса ҳам..., - деб тоқатсизлик билан қўлогимга шивирлар эди.

- Ҳа, айтгандек, Жалол ака бизнинг машинага бир комплект халқалар билан нима қиламиз,- дедим мен.

- Э-э-э, Келаверинг-чи бирор имконияти топила-ар, - деди телефон гўшагининг нариги томондаги овоз.

- Кетдик, дедим мен эшик томон шошган Исaxonга қараб.

Биз тезда Жалол Махмудович хузурига етиб келдик. Жалол ака бизни Хитойнинг шу пайтда Тошкентда ёзда ичиш одат бўлган Хитойнинг 95 нчи аччиқ кўк чойи билан қарши олди.

- Сиз, ўзингиз ҳам, Ўзбекистонга қанчалик ёрдам қилганлигингизни билмасангиз керак. Мен гаплашдим. Москвага одам жўнатаяпмиз.

Жалол ака чап томонга бироз қайрилгандек бўлдида олдидаги овоз чиқариб алоқа боғлайдиган телефон тугмачасини босиб:

- Бмр комплект Газ-24 нинг поршен халқаларини олиб келинглр,- деди.

Ёнимда турган Исaxonнинг чехраси очилиб кетди. Ҳиди анқиб турган Хитой кўк

чойини бир-икки хўплаган эдик ҳамки, эшик очилиб қўлида поршеннинг пўлат

халкачалари тасвири туширилган кўкиш рангдаги картон қутчасини кўтарган ходим пайдо бўлди.

- Мана бу Сизга Ирисмат ака,- деди Жалол Махмудович. Мен Исахонга қардим.

У сакраб ўрнидан тарди-да, мамнунлигини яшира олмай бир-икки тишсиз мулкини

беихтиёр кўрсатиб жилмайиб қутичани олди.

Хисоб счётингизни берсангиз, дедим мен, халқаларни келтирган ходимга. У директорга қаради:

- Э-э.. Нима деяпсиз. Сиз қилган ишингиз билан бизни қарздор қилиб

қўйдингиз-ку! - деди Жалол ака, "бизни" сўзига ургу бериб.

- Йўқ, Йўқ... Бу хизмат машинаси, давлатники. Москва таъмирлаш учун эса маблаг ажратади. Келинг, энди ҳаққий ҳам расмийлаштирайлик, - дедим.

- Э...Э... Олаберсангизчи, ўзи биласизми, бу қанча туради?! Айтишга арзимайди. Кейин эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда, бу бизнинг Афгон жамгармасига қилган ёрдамимиз, деб қабул қилавериинг, - деди Жалол ака. (Шу пайтлар бутун СССР бўйлаб

Афғонистондаги урушга донорлик қони, дори-дармонлар, иссиқ кийим-кечак йиғиш бўйича ўтказилаётган тадбирларга ишора қилиб).

- Шу ердан биз Тошкентдаги авиасозлик заводи аэродромидан ҳамкасбимиз, СССР Давлат телерадиокомитети махсус мухбири Михаил Леўинскийнинг Афғонистонда⁷¹ келтирилган кинолавҳасини олиб Москвага жўнатиш учун Тузель аэропорти томон йўл олдик.

"Газ-24" нинг мотори таъмир қилинмаса ҳам яхши тортиб асфальтда елиб борарди.

2. ТАҲЛИЛИЙ ПУБЛИЦИСТИКА ЖАНРЛАРИ

Телешарх - (Телекомментарий), Телетаҳлил — (Телеобозрение)

Суҳбат, Бахс, Ток-шоу — (Томошабинларнинг фаол иштирокида олиб бориладиган телекўрсатувлар)Матбуот анжумани, Брифинг

Корреспонденция

Телекўприк

Видеокамера журналист қўлида

Телешарх — таҳлилий журналистика жанри сифатида.

Телешарх - журналистдан юксак истеъдод, катта қобилият, ақл (интеллект), нозик таъб, чуқур билим, бой ҳаёт тажрибаси, бағрикенглик, дипломатик қобилият, одилona ва принципиал ёндошувни талаб қилиши хусусида. Миллий худбинликдан умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги тўғрисида.

Таҳлилий публицистика - тележурналистиканинг анча мураккаб услуги сифатида, Ўзбекистон тележурналистикаси саёзлигининг сабаблари тўғрисида.

Ўзбекистон телевидениесида телетомошабинлар иштирокида олиб бориладиган "Мен нечун севаман Ўзбекистонни", "Бахс","Азизим" ва бошқа кўрсатувлар чуқур, юз хотирсиз таҳлил қилинади.

Шарх - таҳлилий публицистиканинг анъанавий доимий жанри сифатида.

Шархнинг бош мақсади — ижтимоий сиёсий воқеаларни ёритиш, айрим ҳолларда телетомошабинлардан яширин бўлган воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини очиқ бериш, келажакда уларнинг воқеа ривожига таъсирини тушунтириб беришдан иборат.

"Итоги","Якун"), "Однако", ("Аммо, лекин"), (ОРТ) "Ахборот" (ЎзТВ) шархлари таҳлили.

Халқаро воқеалар, мусиқа дастурлари, театр, спорт шархлари. Суҳбат, матбуот анжумани, бахс жанрлари — савол-жавоб тарзида - диалогик шаклда бўлиб икки ёки бир неча киши иштирокида ўтади.

Суҳбат — таҳлилий публицистиканинг ўзига хос телевизион жанри сифатида. Суҳбат одатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ахлоқ-одоб, илмий ва бошқа мавзуларда бўлиб, тез-тез катта бахсларга айланиб кетиш ҳоллари учраб

туради.

Барча суҳбат аввалдан пухта ишлаб чиқилган сценарий асосида ташкил этилади.

Бахс — (дискуссия) — discussio лотин тилидан олинган бўлиб, тадқиқ этиш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш деган мазмунни билдиради. Бахс (Мунозара) — телевидение экранидаги киши диққатини ўзига тортувчи жанрлардан биридир. Бахсда телетомошабин жонли фикрнинг туғилиши, унинг ривожланиши,

мақсадга қараб йўналишини яққол кўриб туради. Телетомошабин унда, турли фикрлар тўқнашуви жараёнининг шохиди бўлади.

Фикрлар тўқнашуви одатда кўрсатувни томоша қилиб ўтирган телетомошабинларни ҳам муаммони тадқиқ этиш жараёнига жалб қилиш хусусиятига эга.

Бошловчи бу ҳолларда студияга таклиф этилган ва бахсда иштирок этаётган аудитория билан мутахассислар ўртасида ўртакашлик, воситачилик вазифасини бажариши тўғрисида.

Ток—шоу.Ток-шоу бошловчи олиб бораётган интервью, бахс, ўйин, савол - жавоб, залда тўпланганлар билан суҳбатлардан иборат бўлган жанр сифатида.

Ток-шоу бошловчиси ақлли, кутилмаган ноқулай, қалтис вазиятлардан тез ва муваффақиятли, ғалаба билан чиқиб кета оладиган, сўзга чечан, ҳазил-мутуйибага мойилроқ, тингловчини ўзига ром қила оладиган, студияда йиғилганлар ўртасида тез, енгил ва мулойим ҳаракат қиладиган ёқимтой журналист бўлиши керак.

Ток-шоу телетомошабин орзиқиб кутадиган кўрсатувлар қаторида бўлиши шарт. Ток-шоу пайтида студияда телетомошабин уланадиган телефонлар ўрнатилиши улар билан мулоқот қилиш имконияти бўлгани маъқуллиги ҳақида.

Матбуот анжумани. Матбуот анжумани — давлат бошлиғи, ҳукумат ва мамлакат ташқи ишлар вазирлиги раҳбарлари ёки фан ва санъат юлдузлари,

давлат ва ҳукумат раҳбарлари матбуот котибларининг муҳим воқеа арафасида ёки воқеа содир бўлгач оператив суратда муҳим баёнот билан чиқадиган бирон бир мутасадди шахснинг журналистлар билан учрашуви, мулоқотиدير.

Брифинг. Агар шу шахс фақат баёнот ёки бир муҳим ахборот билан чекланса бу — брифинг дейилади.

Корреспонденция. Бу жанрда тайёрланган материалда бирон бир актуал воқеа ёки ходиса ҳақида хабар қилиниб, факт, рақамлар чуқур, пухта, атрофлича таҳлил қилинади, умумлаштирилади. Телевизион публицистикада воқеа ва ходисалар тез-тез шахслаштирилган ҳолда учраб туради.

Қитъалар оша қурилган кўприк.

1983 йили АҚШ кўшинлари Гренадага бостириб киради. Бир қатор ғарб давлатлар матбуоти буни қаттиқ қоралайдилар. Шу пайтда ЮСИА директори Чарльз Уик Европада сафарда юрган эди. Жаҳоннинг айрим оммовий ахборот воситалари АҚШ нинг Кариб денгизи бассейнидаги сиёсатини нотўғри талқин этабошлайдилар. АҚШ кўшинларининг Гренадага киришининг асл сабабларини тушунтириш мақсадида Ч.Уик телевидение орқали матбуот анжуманини ўтказишни таклиф этади.

1983 йилнинг 3 ноябрида 5 давлат пойтахтидаги 40 нафар журналист "Уорлднет" телекомпанияси уюштирган телекўприк ёрдамида Нью Йоркда АҚШ нинг БМТ даг^т* доимий вакили Джин Киркпатрик билан, Барбадос шаҳрида Кариб денгизи бассейнидаги икки давлат бош вазирлари билан, Вашингтонда бўлган АҚШ Давлат Департаментининг 2 вакили билан боғланиш имкониятига эга бўлдилар.

Бу телекўприк орқали можароли муаммога аниқлик киритилиб жамоатчилик фикрини ўзгартиришга эришилади. Телевидение ўзининг қудратли кучини намоён этади.

"Уорлднет" компанияси ташкил этган телекўприкларда АҚШ Давлат котиби Джорж Шульц, АҚШ мудофаа вазири Каспар Уайнбергер Ливия террорчилари ҳақида, АҚШ президенти Рональд Рейган шу куннинг долзарб масалалари ҳақида давлат сиёсати билан икки марта қатнашади.

ЮСИА нинг телевидение ва кино хизмати директори Алвин Снайдер шундай дейди: "...АҚШ давлат арбоблари ва Президентининг олдига кириб интервью олиш қанчалик машаққат бўлса, "Уорлднет" орқали улар билан суҳбат қуриш шунчалик осондир."

Ернинг сунъий йўлдошлари ёпиқ ёки очик мамлакатни танлай олмайди, у чегара билмайди барча давлатлар ҳудудларига бирдай кираолади.

СССР да Чернобил АЭС да бўлган портлаш ва бу ҳалокат ҳақида халққа нимани айтиш мумкин ва нимани айтиш мумкин эмас деб, Совет халқидан ва Жаҳон жамоатчилигидан тўла ахборот яширилаётган бир пайтда Ғарб сунъий йўлдошлардан олинган фотосуратларни кўрсатиб бор овоз билан бутун дунёни бундан огоҳ қилди.

"Америка овози" радиостанциясининг бюджети 1980 йиллар охирида бир миллиард долларни ташкил этди.

"Евроньюс" дан аввал АҚШ президентининг яқин дўсти, ЮСИА агентлиги директори Чарльз Уик "Евронет" ни ташкил этиш ташаббуси билан чиқади.

"Евронет" 1983 йил 3 ноябр куни АҚШ нинг Гренадага бостириб кириши, ядро ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштириш арафасида эфирга чиқади.

Р.Рейган иштирокида очикчасига голливудчасига суратга олинган "Польша, Польша бўлиб қола қолсин" номли телефильми намойиш этилади. Бу "Евронет" нинг объективлигига ишонган ишқивозларини анча ташвишга солиб қўяди.

1985 йил 5 декабр куни кўрсатган дастурда президент Р.Рейган ва Германия Федерал канцлери Г.Коль иштирок этадилар. Улар экипаж таркибида Ғарбий Германиялик мутахассис ҳам бор бўлган "Колумбия" космик кемаси космонавтлари билан суҳбат қурадилар.

ЮСИА нинг телевидение ва кино хизмати директори Алвин Снайдернинг айтишича, космос орқали телекўприкни ташкил этишда 5 та сунъий ер йўлдоши иштирок этган ва бу теледастурни Ғарбий Европада яхши қабул қилишган.

Телекўприкларнинг кечки дастурида Европа Иттифоқига аъзо бўлган

барча 27 мамлакатнинг ҳар биридан 5 дақиқалик лавҳалар кўрсатилган. Бу дастурни Ғарбий Германиянинг 5 миллион, РАИ-ТВ Италиянинг 8 миллион томошабини тамошо қилган.

ЮСИА (Америка) нинг "Евронет" телевизион хизмати экспансиясига қарши Европа мамлакатлари, Европа Иттифоқи ўзларининг етти тилдаги "Евроньюс" ахборот дастурини ташкил қилдилар.

3. БАДИИЙ ПУБЛИЦИСТИК ЖАНРЛАР

Лавҳа, Эссе, Очерк, Қаҳрамон, Ҳарактер, Образ Сатирик жанрлар - телефельетон Телефильм, Сериал. Кўрсатув, Дастур, Телеканал

Мазкур маърузада ТВ да бадий, публицистик ижоднинг янги тури тўғрисида гап боради.

Телевидение табиати, унинг спецификасидан тўғри ва моҳирона фойдаланган ҳолда ТВ да ҳам инсоннинг теран ақли, нозик қалбига бориб етадиган, унинг ички дунёсини бойитадиган, миллий мафкурасини шакллантирадиган ажойиб телевизион асарлар яратиш мумкинлиги ҳақида. ЎзТВ, ОРТ, РТР, НТВ ва бошқа телевидение студияларида яратилаётган янги оригинал асарлар таҳлил қилинади.

Рус режиссёри Сергей Герасимовнинг "Кўл бўйида", телефильмида, хорижий телекомпанияларнинг "Леонардо да Винчи", "Моцарт", "Микеланджело" каби сериалларида телетомошабин билан экранда содир бўлаётган воқеа ўртасида воситачи ролини бажарувчи қаҳрамон - фильм бошловчиси бўлган телеасарлар тўғрисида. "Тўртинчи девор" тушунчаси.

Не учун ҳозирги замон қаҳрамонларининг ёрқин образлари бугунги кун Ўзбекистон ТВси экранларида йўқ даражада? Не сабабдан экрандан очерк, фельетон, памфлет жанрлари тушиб кетди?

Бадий телефильм, ҳужжатли телефильм, сериал нима? Маърузада булар ҳақида батафсил маълумот берилади.

Журналист тайёрлаётган материалнинг мавзусига қараб унга мос бўлган жанрни тўғри танлай олса ўз олдига қўйган вазифани юқори савияда,

сифатли қилиб бажара олиш имконияти кенг бўлади.

Очерк - бадиий публицистиканинг асосий, бош жанри. Хужжатли очеркнинг бадиий ҳикояга яқинлиги тўғрисида. Лекин очерк содир бўлган воқеалар ҳаётда ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтганлиги, воқеа содир бўлган вақт ва манзилнинг аниқлиги, қаҳрамонлари ҳаётда бор бўлган реал шахслар эканлиги билан ажралиб туради. Публицистикада очеркдек муаллифдан катта истеъдод, маҳорат, ижод талаб қиладиган бошқа жанр бўлмаса керак.

Очерк - публицистиканинг телеэкранда учрайдиган энг мураккаб жанрларидан эканлиги ҳақида. Очерк – реал ҳаётнинг, конкрет шахснинг эстетик мушоҳадасидир. Очеркда ҳаётда содир бўлган воқеа қандай содир бўлган бўлса худди шундай бадиий тўқимасиз ҳикоя қилинса ҳам образлар биров типиклаштирилади, характерлар бадиий ташбеҳлар ёрдамида яратилади.

Очерк композицияси жанр хусусиятлари бўйича драматик асарнинг ички тузилишига яқин ҳисобланади.

БОТҚОҚ ЎЗ ДОМИГА ТОРТДИ... (Александр Проханов. Памфлет. Борис Ельциннинг истеъфоси муносабати билан ёзилган. Москвадаги "ЗАВТРА" газетасининг 2000 й. 1 -сонида босилиб чиққан)

Елцин кетди. Бу хабардан инсонда ундай ноқобил бир раҳбарга нисбатан ҳам ачиниш, ҳам қандайдир бир нафрат ҳисси пайдо бўлади. У кетгани йўқ, ҳокимиятни ташлаб қочди. Чириб, ириб кетган, бармоқ билан туртса қулайдиган ҳолга келиб қолган давлат раҳбаридан халқ юз ўгирди.

Бундан анча илгари барча табақалар "Шу тезроқ ўлақолсайди, тезроқ гумдон бўлақолсайди, кутулар эдик-ми?", деб ожизлик, ғазаб ва нафратдан титраётган кўз ёшлари билан уни лаънатлар, тезроқ асфинософилинга равона бўлишини интиқиб кутар эдилар. Қилиб қўйган ишлари учун жавоб беришдан қўрққан Ельцин, кетиш олдидан телевизор орқали халққа мурожаат қилиб, обрўсини қўлдан бой бермай маъзур тутишларини сўраш ўрнига, ялиниб-ёлвориб авф этишни, йиғлаб-сихтаб кечиришларини илтижо қилди.

Дўзахий тақдир тақозоси билан шундай бир шахс буюк давлатга бошчилик қилди. Қоқбош, ўзбошимча, маданиятсиз, ичкиликбозликка ружу

қўйган - ароқхўр, ақлсиз бу бир ҳайвон гоҳи-гоҳида аммо, ўзига ҳам келиб қолар эди. Одатда бу навбатдаги тарихий бир имконият қўлдан бой берилган пайтда содир бўлар эди. Дейлик, 70 йилдан зиёд турган Совет Иттифоқи инкирозга юз тутганда ёки Қора-денгиз флоти талон-тарож бўлиб ихтиёрдан кетганда, танкдан отилган тўплар остида эса Россия Парламенти биноти ёнаётганда, ёки Чеченистон бомбалар остида ларзага келиб, инграётган пайтда у Россия сиёсий сахнасида пайдо бўлар эди.

У тарихнинг мудҳиш бир хатоси, ҳаётнинг зиркираб оғрийдиган бир нуқтаси, бедаво мажруҳ бир кимса эди. У инсониятнинг буқаламбури эди. У ўзининг она ватанини жувонмарг қилди. Елцин ҳар йили Россия аҳолисини бир миллион кишига камайтирган жаллоддир!

Елцин даврида Россиядан узиб олинган ҳар қарич ер, Америка Марказий Разведка Бошқармасига сотилган ҳар бир ҳарбий сир, ўғри — йўл тўсарларга ҳадя қилинган Россиянинг ҳар бир олтини, марвариди, олмоси қайд қилинган Қора Китоб битилмоқда. Чириб бораётган фирқа раҳбарлари орасида энг қабиҳи бўлган бу шахс ён атрофига ўзига ўхшаган ярамасларни, ёлғончиларни, аҳмоқларни тўплади. Улар подшонинг олтин дастурхонидан овқат еб, муқаддас тушунчаларни мазах қилдилар. Ҳаммомларда кўнгилхушлик қилдилар. Биллур қадаҳларни ароққа тўлдириб, ёғоч қошиқларни бир-бирига уриб, мусиқа чалиб ўйнадилар.

Айни шу пайтда эса бутун Россия бўйлаб дод-фарёд чинқириқлари эшитилар эди. Уйлар портлар, самолётлар қулар, устаси фаранг яҳудийлар эса рус ҳаво кемаларини сариқ чақага сотишар, беҳаё эркак ва суюқ аёллар эса муқаддас саждагоҳлар ва қаҳрамонлар мақбаралари узра ўз савилларини силкитишиб намоёниш этишар эдилар.

У истефога чиқиши ҳақидага матнни ўқиётган пайтида тишлаб ташланган ва моғор босган пишлоққа ўхшар эди. Пишлоқ тешикчаларидан эса бу аҳволдан саросимага тушган ўғри-муттаҳам, касалу-қусур, иллатларга тўла қариндош-уруғларининг кўзлари жовдираб қараб турар эди.

Халқ, мамлакат Уни худди Пушкиннинг балиқчиси каби сувда чўкаётган

мурдани кайиқ эшкаги билан итаргандай итқитиб юборди. Танаси шишиб кўзи чиқиб кетган, қисқичбақа тишлаган тилига зулук ва чиғаноқ ёпишиб олган, хуллас чириган бир коп парчасини эслатадиган бу мурдани Ҳаёт оқими мангуликка олиб кетди.

Саҳнада эса Путин пайдо бўлди. Эндигина нур тарката бошлаган бу юлдуз ҳақида нималарни биламиз?

Тўғри, у чет эллик эмас, ўзимиздан. Хозир У ёнадиган неон гази билан тўлдирилган ва эндигина чарақлай бошлаган рангбаранг рекламанинг ялтирок шиша қувурларини эслатади.

Бундай қўлбола юлдузни Елциндан кейин ҳам халқни кунжара ва кепак билан боқишда давом этишни хохлаётган, бойликларни ҳамон хорижга олиб чиқиб кетишни давом эттирмоқчи бўлган, қилган жиноятларини яширишни, ўз ҳукмининг қудратли кучини ва мутлақ даҳлсизлигини сақлаб қолишни истаган, сарой-ю, қасрларини, заводлар-у олтинга тўла сандиқларини, банклардаги миллиард-миллиардлик ҳисоб-рақамларини қўлдан бой беришни истамаётган Волошин, Татьяна Дъяченко, Борис Березовский, Анатолий Чубайслар яратишди.

Каширка ва Волгодонск портлашлари, Доғистон ёнғинлари, Басаев ва Хоттабга отилаётган реактив тўпларнинг ўлим сочгувчи плазмалари билан тўлдирилган бу юлдуз Айиқ сифат жасади бору ақли бўлмаган бир ҳайвондир.

Узоқ губернияларнинг тили бошқа-ю, дили бошқа қирринг бошлиқлари, бақириб-чақириб енгил-елпи кўшиқ айтувчи такасалтанг ижрочилар, бирни олиб ўнга сотувчи олғиру - юлгичлар, юлдузни бенарвон урадиган устамон сиёсатчилар унинг ҳузурига келиб сохта — содиқликларини билдириб бўлдилар. Пойларига бош урдилар.

Бу юлдузнинг қирралари нечта эканлигини ҳозирча ҳеч ким билмайди. Ҳар холда уни Борис Березовскийдек устаси фаранг юлгучлар чизганлигини унутмаслик керак. Бу юлдуз шувоқ ўти каби рус диёрига қисмат бўлиб қулайдими, аҳолининг бир қисмини ёндириб, кулини кўкга совириб, қолганини Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг малайларига айлантирадими — буни вақт

кўрсатади.

Биз эзгуликка кўз тутгандек Путинга диққат билан қараб турибмиз. Агар у рангини ўзгартириб тусланувчи, ер остидан чиққан иккиюзламачи буқаламбур бўлмаса, агар у ҳақиқий рус кишиси бўлса, Ельциндан қийналиб, тинкаси қуриган, қувлик-шумликни билмайдиган, ҳаётида бирон-бир ўзгаришни кутаётган содда халқнинг пок ишончини ва орзу-умидларини алдамаслиги керак.

Лекин нима демайлик, бир нарсани биз мутлақо ёддан чиқармаслигимиз даркор. Ахир рус халқининг худди ўша ўта соддалиги, дохийларга бўлган кўр-кўрона ишончи эмас-ми, Гарбачёв ва Ельцин кабиларни кўкка кўтариб ҳукумат бошига олиб келган!?

Ўша муқаддас соддаликдан фойдаланган телеафсунгарлар Россияни ўз тараққиёт йўлидан оғдириб, боши берк, зимистондай қоронғу кўчага атайлаб, сурбетларча йўналтирмоқдалар.

Лекин биз яна бир нарсани асло унутмайлик! Ҳақ йўлни фақат Илоҳ назари тушган, истиқболи порлоқ, вужудидан нур ёғилиб турадиган пок ва жасур Қаҳрамонгина кўрсатаолади.

7-Мавзу. ТЕЛЕВИДЕНИЕДА ЖУРНАЛИСТИК

ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

- 1.Муҳаррир - (Продьюсер) - ижодий жараён ташкилотчиси
- 2.Телемуҳбир - (Телерепортёр)
- 3.Телешарҳловчи - (Телекомментатор) ва Телетаҳлилчи — (Телеобозреватель)
- 4.Бошловчи, Сухбат олиб борувчи, Шоумен, Модератор
- 5.Ахборот дастури бошловчиси
- 6.ТВ диктори

Ахборот дастури бошловчиси. Анкерман - "Муҳитни шакллантирувчи шахс", "янгилик жарчиси".

Ток шоу. Томоша - мулоқот. Ток шоуни олиб борувчи шоуменнинг тезкор, ақлли ва нозик - нафис реакцияси, сўз бойлиги ва артистик маҳорати. Оммавий мулоқот шаклидаги кўрсатувларнинг тили ва услуби. Мулоқотнинг

фаол ва сушт иштирокчилари билан эфирда ишлаш йўл-йўриқлари. Ошкора нотиклик маҳорати. Тингловчининг нутқий фаоллиги. Бошловчининг ижтимоий онгни шакллантиришдаги, уни бошқаришдаги роли ва ҳуқуқий чегара масалалари. Бошловчи - ижтимоий нотик, ширин сухбатдош, саволга тутувчи (интервьюер) сифатида. Аудиториянинг мулоқотга муносабатини фаоллаштириш масалалари. Мулоқотнинг техник воситаларга асосланганлиги ва улардан унумли фойдаланиш. Нутқий алоқа ҳамкорлиги масалалари. Макон ва замон бирлиги. "...Воқеа шу ерда, шу пайтда содир бўлаяпти ва Сиз унинг шоҳиди бўлмоқдасиз!..."

Модератор. Ўртакаш - унинг бошловчидан, олиб борувчидан фарқи нимада? Модераторнинг сўз бойлиги, малакаси ва касбий маҳорати. Аудитория эътиборини ўзига жалб эта олиш сир-асрорлари ҳусусида.

Ахборот дастури бошловчиси. Бошловчининг тили, билими, салоҳияти, нутқий лаёқати.

Оммовий мулоқотни олиб бориш маданияти. Бошловчининг ахлоқ-одоби. Журналистнинг нутқий фаолияти ва умумий лисоний муҳит.

АҚШ телестудияларида бошловчиларни аввал ёш, ёқимтой, келишган йигит-қизлардан танлаш одат қилинган эди. Лекин бу тажриба ўзини оқламади. Натижада бу йўлдан воз кечиб яна ёши каттароқ бўлса ҳам нутқи бой ва равон, тажрибаси катта, чуқур мулоҳаза-мушоҳада қила оладиган, ақлли, зиёли бошловчиларга қайтишди. Ва ниҳоят, ахборот дастурларининг рейтинги яна ошди.

Бошловчи жисмонан соғлом, ёқимтой, ахлоқий пок, яхши ташқи кўринишга, ёқимли овозга эга, сўзларни тўғри талаффуз қиладиган, чуқур, атрофлича билими бор, ҳаётни, инсон психологиясини яхши биладиган, тўғридан-тўғри эфирда учраб турадиган турли қалтис вазиятларда ўзини йўқотмай, керакли сўз айтиб, тўғри йўл топа оладиган ва бошқа қатор ажойиб ҳислатларни ўзида мужассамлаштирган шахс бўлиши керак.

Бошловчи ҳам маълум бир мавзуларда, жанрларда ихтисослашиши мақсадга мувофиқдир. Шундай ҳоллар учрайдики, маиший мавзуларда ёки

дейлик, портрет жанрида донг таратган таниқли журналист бирон бир давлат арбоби ёки сиёсатчи билан яхши суҳбат уюштиролмай том маънода мағлубиятга учрайди, телетомошабинларни ғашини келтиради.

Янгиликлар борасидаги ажойиб бошловчи эса таҳлилий шарҳда ёки аудитория билан мулоқот олиб боролмай қийналади.

Бундай ҳолларда режиссёрлар бошловчи билан узоқ ва тинмай ишлаши керак, уни тарбиялаши лозим.

Яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, минг яхши ташқи қиёфага эга бўлиб яхши ёза олмаса ундай журналистдан яхши бошловчи чиқмайди.

Бошловчилик ҳам Худо ёрлакаган истеъдод.

Шунинг учун ҳам Американинг оддий телемухбири 80 нчи йилларнинг охирида йилига 100 минг доллар қалам ҳақи олса, умуммиллий телеканаллардаги бошловчиларнинг қалам ҳақи — 3 миллион долларни ташкил қилар эди.

Американинг қора танли телеюлдузи Опра Уинфри...

Опра Уинфри коллежни тугатиб Американинг энг йирик 3 та телетармоғидан Си-би-эс каналига ишга киради. Талаба чоғидан у йилига 15 минг доллар олиб хизмат қилди. Опра Уинфрининг фиқат битта унитази 29 минг доллар туради.

Унинг кўрсатувларини кунига Америка аҳолисининг 99 фоиз телетомошаби кўради. Бундан ташқари унинг дастурлари яна 63 мамлакатга трансляция қилинади. Бу телеюлдуз Америкада энг катта ижодий ва молиявий ютуқни қўлга киритмоқда.

АҚШ нинг "Форбс" журналининг ҳисоб-китобига кўра Опра Уинфрининг 200 нчи йилги иш ҳақи 150 миллион долларни ташкил этди. Сўнгги 20 йилдаги эса унинг соф даромади 800 миллион доллар бўлди.

Бошловчилар Владимир Повзнер (ОРТ), Уолт Кронкайт, Фил Донахью (АҚШ), Қуддус Аъзам (Ўзбекистон) лар ҳақида.

Таҳлил, тақриз, умумий касбий хулосалар...

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ДИКТОРИ

Диктор (Сухандон) қандай хислатларга эга бўлиши керак ?

Диктор нинг ташқи кўриниши ҳақида.

Диктор овози ва нутқиға бўлган талаблар.

Сўзамоллик тўғрисида. Дикторнинг кадрда ўзини тутиши, эфирда содир бўладиган кутилмаган ҳолатлардан чиқиб кетиш йўллари ҳақида. (Диктор) сухандон самимияти.

Чехраси очик, сўзи ёқимли, истараси иссиқ сухандон.

Сухбатда пайдо бўладиган янги мавзун и тезда илғаб олиш ва гапни бош мақсаддан чалғимаи олиб бориш тўғрисида.

Диктор фидойилиғи, чидамлилиғи, сабот ва матонати ҳақида.

Юнон худоларига ўхшаш юзидан нур ёғилиб турадиган, қадди-қомати келишган, ёқимтой, алпқомат, баркамол бир йигит дикторликка қараганда бадий кинофильмларда, театр спектакллари, телесериалларда бош ролни ўйнагани маъқулдир. У дикторликка тўғри келадими йўқми, уни ишга олишдан олдин телевидение раҳбарлари жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Тасаввур қилинг шундай аёллар ихтиёрини кўлидан олиб, сеҳрлаб кўядиган эркак диктор ҳар куни кечқурун эфирга чиқса кўп хотин-қизлар фақат шу диктор кўрсатувларни олиб борсин дейишади. Кўпчилик эркак телетомошабинлар унга ўз жуфти-ҳалолларини қизғанишади ва бу оилаларда жанжалларга сабаб бўлиши мумкин.

Би-Би-Си нинг Лондондаги офисига бир жаҳли чиққан эркак шундай бир дикторни ўлдираман деб дағдаға қилиб келган. Сабаби унинг хотини шу дикторни яхши кўриб қолиб у эфирга чиққанида хушидан кетиб, ақлдан озиш даражасигача бориб етар экан. Пировардида шу дикторни раҳбарият томонидан ишдан бўшатишга тўғри келади.

Диктор ишдан кетиб бекор қолмайди, кейинчалик у ажойиб бир телесериалда уддабурон изтопар ролини ўйнайдиган зўр актёр сифатида машҳур бўлади.

Агар диктор ўзининг ташқи кўриниши билан ўқиладиган матн мазмунидан телетомошабинлар диққатини чалғитишини билишганида эди, ТВ

рахбарлари бундай дикторни ишга олмаган бўлар эдилар.

Бу холнинг тескариси бўлиши ҳам мумкин.

Масалан. Дикторни экранда кўрганингизда ташқи кўриниши билан у Сизга маъкул бўлмаса, бу ҳам ярамайди. Шу сабабли ТВ дикторининг ташқи кўриниши ёқимли, оғзи-бурни, кўзи-қоши жойида, юз чизиқлари тўғри, нуксони бўлмаган, кўзи, бурни, оғзи, кўлоғи унчалик катта бўлмагани маъкулдир.

Кўк кўзли диктор ҳам телеэкранга тўғри келмайди, у совуқ, асосан салбий эҳтиросларни кўзғатадиган ғалати, бўлиб кўринади. Англия ТВ сида эркак дикторлар одатда қора сочилирдир. Семиз диктор ТВ экранида янада тўлароқ бўлиб кўринади. Шунинг учун диктор ўз ташқи кўриниши, қадди-қоматини назорат қилиши керак.

Диктор сўздаги ҳар бир ҳарфни аниқ ва тўғри талаффуз қилиши, сўзларни тушунарли қилиб, дона-дона ўқиши керак. Келишик қўшимчаларни "ёб юбормаслик" керак.

ТВ бу оғир ва мураккаб соҳадир ва унда масъулиятни сезмайдиган, саёз билимли ходимларга ўрин йўқдир.

Диктор тўсатдан эфирда содир бўладиган кўнгилсиз ходисаларга доимо таёр туриши ва уларни ўз ақли, заковоти, реакцияси, маҳорати билан олдини олиши керак. Бўлмаса эфирда кўнгилсиз воқеа рўй бериши мумкин. Ундай диктор ўз обрўси билан бирга телестудия обрўсига ҳам путур етказди.

Шундай бир воқеа содир бўлган. Бош ролни ижро этаётган актёрнинг эфир пайтида тўсатдан ўлиб қолганлиги сабабли "жонли" телеспектаклнинг муддатидан аввал тугаш хавфи туғилади. Спектакл ижрочилари буни билдирмасликка ҳаракат қиладилар.

Диктор эфир тугашига ярим соат қолган бўлса ҳам бунинг устига унинг ҳеч қандай махсус тайёргарлиги бўлмаса ҳам спектаклни у охиригача бамайлихотир етказиб

муваффақиятли якунлайди. Телетомошабинлар ҳеч нарсани сезмайдилар.

Овоз ниҳоятда кўп машқ қилган бўлиши, унда ҳар бир оҳанг маъромига етган бўлиши керак. Расмий матн, бадий матн, лирик матн, ахборот матни, публицистик матни, сатирик ва юмористик асарлар матнлари, кинояли фельетон, заҳарҳанда памфлет матни, дўстона суҳбат матни, ахборот беришни истамаётган кишига савол бериш усули — буларнинг ҳар бирининг ўз оҳанги, ўз ёндошуви, ўз ургулари бўлади ва буни диктор жуда яхши билиши керак.

Тажрибали суҳандонлар ҳамма вақт ўз ўқишига катта масъулият билан ёндошиб, ижросига ажойиб янги-янги оҳанглари қўшишади, ургуларни ишлатишади.

Аёл телетомошабинлар эркак дикторни маъқул кўришса, эркак телетомошабинлар аёл дикторни маъқул кўришади. Лекин, таҳлил натижасида бир нарсга аён бўлдики, барча телетомошабинлар матнни асосан эркак дикторни ўқишини хошлашар экан.

Аёл диктор эфирда бирор ахборотни нотўғри ўқиб юборса ва бутун вужуди билан, аёлларга хос ийманиб, маъносиз жилмайиб бутун вужуди билан кечирим сўрагандек бўлса бу ҳатти-ҳаракатларни табиий деб қабул қилиб, уни кечириш мумкин. Лекин шундай қилиқни эркак диктор қилса бу ғалатироқ кўринган бўлар эди. Бунда бошқачароқ ёндошув керак бўлади.

Сабаби, аёл диктор экранга чиқса телетомошабинлар асосан унинг ташқи кўринишини, кийимини, сочларини қаёққа қараб тараганини, тақинчоқларию, лабларига суртилган помадасигача муҳофафа қиладилар. Муҳофафа тугашига яқин ўқиладиган ахборот ҳам ниҳоясига етади. Бундай ахборотни бекор кетди деяверинг. Шу сабабли телевидениеда жиддий кўрсатувларни олиб боришни кўпинча аёлларга топширишмайди.

Шу ҳислатлари билан дикторларни иккига бўлиш мумкин. Биринчиси имкониятлари чегараланган, ҳали ёш, унчалик тажриба тўпламаган суҳандонлар — уларга фақат диктордан ўқишда кўп тажриба талаб қилмайдиган - эълонларни, дастурларни, ахборот дастурини, об-ҳаво маълумотини ва кичик ҳажмда бўлган кадр ортидан ўқиладиган матнларни топширишади. Иккинчи тоифадагилар эса чегараланмаган имкониятга эга

бўлган тажрибали суҳандонлар. Улар интервью олишади, репортажлар олиб боришади, суҳбатлар қуришади, бошқа муаллифлар ёзган шарҳларни ўқишади, кадрда кўрсатувлар олиб боришади.

Ҳамма вақт ҳам эфирга чиқишга тайёр бўлган ва кўрсатувни маҳорат билан ўтказиб берадиган юқори малакали суҳандон бу ҳақиқий суҳандондир.

Ахборот дастурини олиб боровчи суҳандон жаҳонда ва мамлакатингизда, худудингизда содир бўлаётган барча ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисалардан воқиф бўлиши даркор. Бу воқеалар сабабларини чуқур англаб етиши ва эфирда уларни ўқиши, овози, овози билан муносабатини тўғри талқин қилиши, ўзининг тўғри ёндошувини намоёниш этиши лозим. Шундагина ахборот зерикарли бўлмай, унга бўлган муносабатда бефарқлик бўлмайди.

Телевидениенинг асосий талабларидан бири бу айрим ҳолларда муаллиф томонидан ТВ спецификасини ҳисобга олмай ёзилган матнни оғзаки талаффуз қонун қоидаларига бўйсиндириб ўқишдан ибратдир.

Ҳақиқий интервью оловчи жавоб берувчини чин дилдан, ёлғонни қўшмай, эҳтирос билан ҳаққоний гапиртира олади. Ҳақиқий интервью оловчи тажрибасизроқ интервью оловчидан сўзловчини диққат тинглаши, жавобларнинг ҳар бир нюансига юз ҳаракатлари, кўз ҳаракатлари билан муносабатини билдираолиши ва шу ҳаракатлари билан жавоб берувчини илҳомлантириб, янада яхшироқ гапиришига ундай олиши билан ажралиб туради.

Ҳар бир шахсни авваламбор ўз насли-насаби ва у яшаётган муҳит шакллантиради. Лекин энг муҳими ҳар бир шахс ўз овозига, ўз услубига, ўз индивидуаллигига эга бўлгани маъқул.

Ҳар бир овозни тинглаб туриб Сиз шу овоз эгасининг ақлий салоҳияти, жисмоний ва руҳий ҳолати ҳақида тушунча ҳосил қилишингиз мумкин. Агар инсон сокин табиатли, ўзига ишонган шахс бўлса эфирда унинг овози тўлақонли чиқиб, бошқаларни ҳам ўзига ишонтирарли даражада бўлади, ўз руҳияти, кайфияти билан ўзгаларга таъсир қилиб уларни ҳам илҳомлантирадиган кучга эга бўлади. Ва тескарисини, агар Сиз ёзилган, чарчаган, кайфиятингиз ҳам яхши бўлмаса, бунинг устига касал бўлсангиз овозингиз

буни яшираолмайди, у якқол сезилади. Агар асабингиз таранг, ҳиссиётингиз жунбушга келган бўлса овозингиз одатдагидан баландроқ бўлиб, талаффуз табиий бўлмайди.

Одатда, овоз чошгоҳга бориб энг яхши жарангига эга бўлади. Диалектдан, минтақавий талаффуздан, шевадан қочиш керак, уни кўпчилик тушунмайди. Талаффуз адабий тил нормалари талабларига жавоб бериб, аъло даражада бўлишига эришмоқ керак. Овозни чархлашда энг яхши асбоб бу диктофон, магнитофонлардир. Доимо ўз овозингизни тасмага ёзиб олиб, юксак талабчанлик билан уни қайта-қайта эшитинг. Овоз гап, сўз, матн мазмунига қараб оҳангига эга бўлиши керак. Овозда шахс индивидуаллиги сезилиб туриши лозим. Сўзлар огиздаги тартибсиз бир бўтқага ўхшамаслиги керак. Ҳар бир ҳарф жойида, ҳар бир сўз маъносига хос оҳангда, тўғри мантикий ургулар билан талаффуз қилиниши керак. Акс ҳолда инсон индивидуаллиги йўқолади.

Тўғри нафас олиш - яхши нутқнинг асоси ҳисобланади. У худди уриб турган юракнинг оқаётган қонидир. Нафас олиши яхши йўлга қўйилмаган нотихнинг нутқи — аритмияга, уриши бузилган юракнинг уришига ўхшайди. Нафас ўз маъроми билан олинса ва у яхши бошқарилса нутқ мақсадга, айтилаётган гап нишонга тегади. Нотўғри нафас олиш нутқ камчиликларининг сабабларидан биридир. Товуш пайларини айримлар яхши созланган мусиқа асбобининг торларига ўхшатишса, айримлар эса уларни сувда ўсадиган ўсимликларга қиёс қилишади. Нутқ чуқур нафас олинганда ва овоз оҳанглари билан моҳирона бошқарилганда яхши янграйди. Паст овоз кучсиз нафас олишдан келиб чиқади.

Янгиликларни долзарблигини, муҳимлигини таъкидлаш учун ўқиш суръатини тезлаштиришингиз мумкин, эҳтирос билан ўқинг. Малакали сухандонни тажрибасиз сухандондан овозни бошқара олиш қобилияти ажратиб туради. Агар сиз ахборотни муҳимлигини билдирмоқ учун юзингизнинг ҳатти-ҳаракати билан, ёки нотабиий оҳанг билан ҳаракат қилсангиз бунинг ёлғонлиги билиниб, телетомошабинлар сизга ишонмайди. Агар сиз матн мазмунини тушуниб ўқисангиз ҳақиқий оҳангнинг ўзи келади. Овоз билан ўйнаманг, агар

сизнинг оҳангингиз сўз маъносига тўғри келса гап мақсадга етиб боради.

Сухандон маданияти, унинг ақли, тажрибаси, ички дунёсининг бойлиги ҳақида.

Сухандондаги инсоний камтаринлик билан ўз касбига, ўз малакасига, ўзига бўлган ишончи тўғрисида.

Ижодий гуруҳдаги ўзаро муносабатлар ва одамлар билан чиқа билишлик хислатлари ҳақида. Сухандон иши.

Янгиликлар ўқийдиган сухандон. Жонли кўрсатув ва эшиттиришлар.

Телетомошабин ва радиотингловчиларни ТВ ва РЭ дастурлари билан таништириш.

Интервью. Кадр ортидан ўқиладиган матн.

Воқеа содир бўлаётган жойдан олиб борилаётган кўрсатув ва эшиттиришлар ҳусусида.

Турли мавзулардаги матнларни ўқиш тезлиги, суръатлари тўғрисида.

Сухандоннинг кадрда, эфирда, микрофон олдида ўзини тутиши тўғрисида.

Матнни ўқиётган пайтдаги сухандон эҳтироси, ҳаяжони, муносабатлари ҳақида.

Овознинг паст-баландлиги тўғрисида.

Ифодали ўқиш ва сухандон овозининг оҳанги.

Сухандоннинг овоз хусусиятларига қараб турли дастурларни ўқишга қўйиш ҳақида.

Видеокамера ва объективга қараб гапириш талаблари ҳусусида.

Импровизация.

Камера ва микрофон олдида фикрлаш қобилияти. Импровизация ва оғзаки ижод масалалари.

Сўзлаш маҳорати. Жонли эфирдаги нутққа бўлган талаб. Эфир тили ва ўқиш гапириш услуби ҳусусида сухандоннинг ёқимли, қатъий ва айни пайтда назокатли ҳатти-ҳаракатлари ҳақида.

Кадрда ўзини-ўзи назорат қилиш.

Ҳатти-ҳаракат назорати. Нутқ назорати.

Кўз, қош, кипрқ ҳаракатлари ҳақида. Сухандон чехраси, юз ҳаракатлари тўғрисида.

Қўл ҳаракатлари ҳақида.

Камера олдида қандай ўтириш, қандай туриш,(профиль, фронтал, анфас) ўзни қандай тутиш тўғрисида.

Жонли эфир пайтида студияда қандай ҳаракат қилиш тавсия этилади.

Эфирда ўқиладиган матнга бўлган талаблар. Телесуфлёрдан фойдаланиш ҳақида.

Сухандон кийими, безаги, тақинчоқлари ва ташқи кўриниши.

Марказий аппаратхона.

Овоз ёзиш ва эфирга чиқиш студиялари.

Юз, кўз ва овоз - ички руҳият кўзгуси.

Матн мазмунига, руҳиятига кириш. Матнни сухандоннинг овоз тембри, овоз оҳангининг ранглари билан бойитиш.

Телетомошабин ва радиотингловчига матнни тушунарли қилиб етказиш маҳорати.

Овоз ёзиладиган магнит тасмаси. Сухандон кўрсатув (эшиттириш) олиб борадиган студия.

Студия аппаратлари, асбоб-ускуналари, уларнинг хизмат функциялари ҳақида.

Видеокамера, Стационар, КТС, Портатив камера (Бетакам SP)

Студиянинг ёритиш чироқлари.

Мониторлар.

Сухандон орқасидаги (фон хизмати бажарувчи) катта телеэкрандан фойдаланиш. Сухандон пульти. Микрофон.

Матнни эфирдан олдин текшириш.

Матнни дақиқа ва сонияларга бўлиб чиқиш, матн ҳажмини (уни ўқишга кетадиган вақтни) текшириш. Матндаги сухандон белгилари.

Грим. Кино грими, ТВ грими, театр грими.

Дастур, кўрсатув (эшиттириш) бошланишини эълон қилиш.

Бўш қолган вақтин қандай қилиб тўлдириш мумкин.

Импровизация. Сўзни тежаш ҳақида. Кадр ортидан ўқиладиган эълонлар. Янгиликлар дастури. Ўқилаётган хабар ҳақида тўлароқ маълумотларга эга

бўлиш зарурлиги ҳақида.

Тасаввур, суҳондон ички дунёси, унинг руҳий олами ҳақида.

Янгиликларни ўқишга ҳозирлик кўриш. Янгиликлар дастури олиб бориладиган студия. Телесуфлёр техникаси ва бошқа техник имкониятлар ҳақида. Янгиликларни эфирга бериш йўллари ҳақида.

Жонли эфирда ишлаш талаблари.

Воқеани ёритадиган репортер. (Хроникёр).

Мундарижа

- 1.ОАВ тизимида ТВнинг ўрни
- 2.Телевидение ва тележурналистика тарихи
- 3.ТВ ва тележурналистиканинг истиқболли йўналишлари
- 4.Жаҳон ТВлари
- 5.ТВнинг истиқболли йўналишлари
- 6.Тележурналистика жанрлари
- 7.ТВда журналистик фаолият турлари